

R 490
1967/5

ГУЛИСТОН

№ 5

Экз. № 4

1967



15
15
15
15
15



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитети
журнали



№ 5

май

1967

УШБУ СОН

мазмун

Шухрат эгаси

Богбоннинг уч миллиони

Шеърят шайдоларига

Толимаржаанда

Маршалнинг онаси

Ер ва одамлар

Менинг дадам

Шақшақхоним

Ризқ-рўзимиз

Убайди Зоқоний

Энг
№ 4

◆

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ

{
Гайратий, Рачия Кочар, Али Ята,
Мамарасул Бобоев, Убайди
Зоқоний, Карим Маҳмудов,
Алихон Соғуний, Аббос Муҳиддин
}

{
Саъдулла Кароматов, Ҳамид Нурий,
Дадахон Нурий, Зоя Туманова, Ҳаби-
булла Қодирий
}

Жами 73 муаллиф қатнашган

Ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-баддий безакли журнал

ЗАРВАРАҚЛАРДА

- 1-бет — Байрам
И. Г. Збарский фотоси
- 2-бет — Баҳор
Г. Графкин фотоси
- 4-бет — Манзара. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ асари



КЕЛАСИ СОН

мазмунни

Инқилоб чиниқтирган

Олтин водий

Асрлардан садолар

Бадарға йилқилар

Можорлар юртида

Сехрли бармоқлар

Табиатдан ҳангама



Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитетининг Бирлашган нашриёти

Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчилар синфининг бирлик ва қардошлик куни — 1 Май!

КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 1 Май Чақириқларидан

УЛУҒ АЙЁМ

Муҳаррир минбари

1967 йил календарини varaқласак, унинг жаҳжи саҳифаларига лаъли рағ билан рақам қилинган кўп улуг айёмларга ва шонли байрамларга қўзимиз тушади. Совет Армияси куни. Геологлар куни. Совет ёшлари куни. Муаллим куни. Бинокор куни. Космонавтика куни. Медицина ходими куни. Бағлиқчи куни. Совет милицияси куни. Металлург куни. Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари куни. Танкист куни. Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни. Шахтёр куни. Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. Комсомол туғилган кун. СССР Ҳаво флоти куни. Улуғ Октябрь куни. Бу кунлар ва тантаналарнинг ҳаммасини битталаб санаб бериш мушкул. Бинобарин, ҳар бир яшган йигирма тўрт соатимизда, ҳаётимизнинг ҳар бир бўлагидан буюк бир инсоний шодлик, оламаро бахтиёрлик барқ уриб турибди.

Ўзбек хонадонига Октябрь ёғдулари тушгунча биз закот куни, биби сешанба, намози жума, пайшанба — ош кунини сингари миғ азоб кунларидан, сумалак сайил, дала сайил, бог сайил сингари ялама сайиллардан бошқа хурсандчиликларин билмасдик. Камбағалга рўзгор ғор эди. Эгинга топса — қорнига, қорнига топса — эгинга топмасди.

Совет тузуми бизга фақат эрк ва ҳуқуққина эмас, байрам ва қўшиқ ҳам берди. Ҳали айтганимиздек, ойларимиз ичиде қўша-қўша байрамлари бўлмаган кун йўқ. Қизини шундаки, бу байрамларнинг аксари 21 мартдан кейин, наврўзи оламга, бинафшалар ва лолақизгалдоқлар фаслига тўғри келяпти.

Баҳор айни тўлишган ана шу май ойи ичидеги ўнча байрамимиз бор. Энг улуги ва ёрқини — меҳнаткашлар халқаро бирдамлиги куни Москва Қизил майдондан ял-ял ёниб ўтди. Яна — Матбуот куни, Радио куни, Ғалаба байрами, Чегарачи куни, Химик куни. Биз, журналистлар, булардан Матбуот ва Радио куйларин алоҳида ифтихор билан нишонладик. Бу кунлар — дунёдаги энг нотинч, энг тоқир, энг мураккаб ҳунар соҳибларининг, совет журналистларининг йилдаги бир тўйларидир. Ленин асос солган ҳаққоний «Правда» кунидир.

Совет журналисти ўзи учун яшамайди, Ленин ва партия учун, инсон ва замон учун яшайди. Унинг абадий сайёҳлиги — халқ орасида, ҳавозалар тағида, қурилиш соҳилларида бўлиши, кечалари ширин

уйқусини ҳаром қилиб, меҳрибон газетасига ва янғроқ радиосига лавҳалар, репортажлар, очерклар, мақолалар тайёрлаши бонси ҳам худди ана шунда.

Константин Паустовский журналист ҳақида чиройлик бир гап айтган: «Ҳар кимнинг ўз аниқ ва чекланган касби бор. Журналистларнинг касби эса — ҳамма касблардир, бутун ҳаётнинг ўзидир. Улар мия деб аталадиган бир сиқим асаблар моддасида кўп касбларни, ҳаёт соҳаларини, илмий назарияларни ва сиёсий тузумларни бирлаштиришлари лозим». Шунинг учун ҳам журналистларни эл-юртимиз ардоқлайди, уларни қорхонами ё далада, қондами ё йловда илиқ кутиб олади ва топган тўтгани билан сийлайди.

Ўзбекистонда бутун бир журналистлар авлоди етишиб чиқди. Редакцияларимизда СССР Журналистлар союзи аъзоларининг ўзидангина 1.500 киши икждий меҳнат қиляпти. Бу куч билан Ўзбекистоннинг XXI асрдан ҳам, яқин йилларда тўлинойдан ҳам халқаро репортаж қилиш мумкин.

ЮНЕСКОнинг ҳисобига қараганда, журналистлар ҳаммадан кам яшар эканлар. Ҳаттоки, синовчу-учувчилардан ҳам, портлатувчи шахтёрлардан ҳам. Лекин биз, журналистлар, ўз иштига боши билан шўнғиб кетганлар, газета ва журнал подшивкалари устида ўх-лаётганлар, қанча яшашимизни ўйламаймиз. Биз партияга, Ватанга, халққа, XX асрга содиқ хизмат қилсамиз, шунинг ўзи бизга абадийлик, мангу қўшиқ.

Улуғ айёмимиз муборак бўлсин, азиз касбдошлар!

Ярим асрли газета

«Правда Востока» ўз газетаконлари билан 15336 марта учрашди. Газетанинг 60 мингдан ортқ саҳифаси Совет Урла Осийси ва Совет Ўзбекистонининг йилномаси, натта ҳаёт мантаби бўлиб қолди.

20 апрелда халқимиз «Правда Востока» газетасининг эллик йиллик тўйини нишонлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида ўтказилган тантанани КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нириш нутқи билан очди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова шонли газета коллективига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлигини топширди.

1967 йилги Ленин мукофотлари

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Ленин мунофотлари ҳамда СССР Давлат мунофотлари комитети тақдим этган материалларни қараб чиқиб, фан ва техника соҳасида фан арбобларидан ва техника тараққиёти жонбозларидан 45 кишига Ленин мунофотлари берди. Улар орасида Ўзбекистондан вертикал-шпинделли инни қаторли пахта териш машинаси учун, машинанинг конструциясини тузганликлари, уларни кўплаб ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигига жорий қилганликлари учун пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг ходимлари Павел Федорович ГЛАЗАТОВ, Аполлилари Николаевич ПРИХОДЬКО, Владимир Дмитриевич ТЮТЬКОВ, Михаил Никитович МАРКОВ, «Малик» станцияси тажриба хўжалиги трактор-номплес бригадасининг бошлиги Жаовод КУЧИБЕВ, машхур механизатор Турсуной ОХУНОВА бор.

Адабиёт ва санъат соҳасида 5 киши Ленин мунофотлари билан тақдирланди.

Халқ мухбирлари съезди


21 апрель 1967 йил... Бу сана Ўзбекистон ишчи ва қишлоқ мухбирларининг учинчи съезди куни бўлиб тарих саҳифасига кирди. Шу кунни Тошкентда етти юзга яқин халқ мухбири улуг айём — шонли Октябр эллик йиллиги муносабати билан ўз режарини белгилаб олди.

Съездда СССР Журналистлар союзи правленияси секретари, Ўзбекистон Журналистлар союзи правленияси раиси З. И. Есенбоев «Улуғ Октябрь социализминг революциясининг 50 йиллиги муносабати билан ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вазибалари» тўғрисида доклад қилди. КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзоллигига нандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов съезд қатнашчиларига илиқ сўзлар билан мурожаат қилди.

Тошкентда апрель ойида еттинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси Советларнинг муҳим вазифаларини муҳофама қилди. Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумини сайлади, Ўзбекистон ССР хукумати — Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тuzди.

«Гулистон» Олий Советидиз Президиуми ва Хукуматимиз раҳбарларини эълон қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми



Е. С. НАСРИДИНОВА
Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиуми Раиси



А. С. АБДАЛИН
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари



Д. ЕШИМБЕТОВ



Р. САХИБОВ
Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиуми Секретари

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети



Р. ҚУРБОНОВ
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раиси



М. М. МУСАХОНОВ
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг биринчи
ўринбосари



С. О. АЗИМОВ
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг ўринбосари,
Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар
министри



Г. А. ГАБРИЕЛҲАНЦ
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг ўринбосари



С. ЗИЕДУЛЛАЕВ
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг ўринбосари,
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Давлат план комитетининг
раиси



И. В. МАРЦИНЮК
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг ўринбосари,
Главташкентстрой бошлиғи



М. МИРЗААҲМЕДОВ
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг ўринбосари,



А. Р. ХУЖАЕВ
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг ўринбосари,

ШУНҚОРЛАР ЎЛМАЙДИ!

23 апрель тонгида, баҳор шабадаси эсиб турган қувноқ паллада яна бир космик «Союз-1» шохпарвоз қилганлигини, уни космонавт-учувчини Владимир Михайлович Комаров эпчиллик билан бошқараётганлигини эшитиб, олам-олам қувончларга тўлган эдик. Ҳамманинг нигоҳи абадий зангорликда, сайёралар орасида эди.

Осмои сувуқ. Унинг сўқмоқлари қалтис. Энг жасур, энг доно, энг эътиқодли одамларгина ана шу сўқмоқларга йўл сола оладилар. Бир вақтлар варрак ва қўроқнинг баланд кўтарилганлигини кўриб, эски одамлар «тавба» деб ёқаларини ушлаган эдилар. Аэроплан чиққанда ҳамма бир мўъжиза пайдо бўлди деб тонг ҳайрон қолган эди. Ана шу аэроплани ҳал учирини осон бўлмаган. Уйдек бир темирини етти қават осмонга кўтарганлар ҳам совет фидоқорлари эдилар. Кейин космос асри бошланиб кетди. Совет Ер йўлдошлари учирилди. «Восход» кемалари осмонда чарх урди. Биз буларнинг ҳаммасига кўникиб қолган, фазо йўлларини ўз тахтиравон йўлларимиздек ҳис қила бошлаган эдик.

Афсус, яннг афсус... Табиат нотантилик қилди. Фазогир фарзандимиз Владимир Михайлович Комаров — космик давр тонгини ёритган замондошларимиздлин биҳ «Союз-1» кемасини учини синовларидан ўтказиб она-Ерга қўнай деб турганида, афсонавий ҳаёти фожияна сўнди. Партия ва ҳуқуқат арбоблари таъзиясида қайд қилинганидек, В. М. Комаровнинг номи ҳаммаша қаҳрамонлик, мардлик, шижоат намунаси бўлиб хизмат қилади, улуг социалистик Ватанимиз шон-шухрати йўлида янги шижоатлар кўрсатишга чорлайверади.

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони космонавт-учувчи Владимир Михайлович Комаров энди мангу уйкуда. Унинг хоки Қизил майдондаги Кремль депорида келажак авлодларга совет шунқорлари жасоратидан буюк бир эсдалик бўлиб турюди.

Бу жудолик «Гулистон»га ҳам оғир. У ўз гулистонхонлари билан В. М. Комаровнинг ёрқин хотираси олдида бош эгади ва Фазо йўллари ҳеч қачон бўш қолмайди, гагаринчилар, комаровчилар уни совет кишиига хос қатъият билан заёт этаверадилар деб қомил ишонч билдиради.

«ГУЛИСТОН»



Рустам РАҲМОН.

Тракторсозлар

РЕПОРТАЖ

Улмаииз бағрида Буюк инқилоб билан тенгдош корхоналар бор, улар фахримиз-гурурумиз; пой-деворига Йўлдош ота Охунбобоев гишт кўйган заводлар бизга табаррук; унутилмас беш йилликлар даврида буй ростилаган фабрикалар жонли авлод меҳнатига ажиб бир ёлгорлик; жангу жадал инлиларида ноқ курунда, наҳратон совуида, жазира иссиқда фронтга курул-аслаҳа бериб, бафуржа томи ёпилган янги ишхоналар жасорат тимсоли; ниҳоят, урушдан кейин, кўзимиз олида тикланган, тилланаётган девқомат корхоналар давримизга Ҳамоҳанг-дир...

Ўзбекистон трактор йиғув заводи ҳам кенжатайлардан. Лекин ёши ичиқ бўлгани билан салмоғи катта. Буни корхона ҳовлисига қадам кўйган захотиёй ҳис этади, киши. Йўлан ҳам, кенг саҳи ҳам, завод деворларининг ёнлари ҳам, ҳатто гулзор хиёбонлари ҳам банд — ая-янги яшил ранг тракторлардан маржон тақиб олгандай. Булар ишчиларнинг ўн-ўн беш кун орасида йиғган тракторлари.

Завод эса ҳамон бетиним, беорон. Гўё унинг дастгоҳлари, механизмилари чарноқни билмайди. Мураккаб қисмларни писанд қилмаётгандай заргар кунти билан тайёрловчи ишчилар бўлса, станок, механизмилари шошираётган, қистаб турган ишбошиларга ўхшайдилар.

Тишли шестернялар цехининг баҳайбат биносига қора мой томчилари шимилган сернам йўлан

дан кириб борилади. Бир-бирига олдинма-кетин кўйилган катта-кичин станоклар сафини бир варакайига кўз илгай олмайди. Осма конвейерларда турли ҳажмдаги, турли шаклдаги тишли шестернялар узун-узун темир қозиларга териб кўйилган — бу станокдан нартисига ўтиб, навабат кутяпти. Лардозланган сертиш қисмлар ялтирашиб, кўзни олади.

Ешгина чувак йиғитчининг ҳаракати эътиборни тортади. У бир станокдан икинчисига, икинчисидан учинчисига ўтади... Ишлаб турган ишчини гапта тутиш яхши эмас, Танаффуз маҳали ё смена охирида сўзлашса бошқа гап. Лекин унинг эпчиллиги, эрин ҳаракати ҳавасни келтиради. Беихтиёр томоша қилиб қоласан, киши, Анаб. Ёш бўлса ҳам хийла иш кўранга ўхшайди!

Шу пайт старший мастер Дмитрий Константинович Чаусис келади. Йиғитчанинги ишига завқалиб, турганини кўриб:

— Қалай, яхши ишлаяпти-а? — дейди.

У йиғитчани танитади: фрезерчи Баҳром Юсуфхўжаев. Ишга кирганига бир йилдан сал ошди. Ун саккизда. Бир ўзи бешта станокни бошқаради. Вазифаси анча мураккаб, лекин яхши уддалайди. Укувли бола. Атнги икки ой шоғирд бўлдию, кейин шестерняларнинг тишларини қирралайдиган касбни ўрганди. Бундан бошқа ана бир касбни ҳам машқ қиляпти...

Олдинроқ тишли шестернялар цехининг бошлиғи Геннадий Фи-

лев билан суҳбатлашганимда «ишчиларимиз бир касбга қаноат қилмайди деб бўлиб қолиши, на-мида икита хунари эгаллашяпти», деган эди. Буни старший мастер Чаусис ҳам таъкидлаяпти. Демак, корхонанинг энг ёш ишчиларидан бири Баҳромки икки хунар эгаси бўлмоқчи экан, завод ташиқ бўлган биринчи кундан бери ишлаётган донгор тоқарь Фарид Мусин, кенса тажрибали ишчилар Александр Киямиев, Собит Кулмуҳаммедов, Сергей Юре-нов, Насих Вафин, Никифор Тою-венко, илгор ёшлар Татьяна Фа-лиева, Владимир Ли, Нина Волко-валар алланачон бир нечтадан касбни ўрганганлари аён.

Улар билан гаплашганда, дилидаги тиланиги билиш ниятида суриштирганимда ишчидан камгап, содда, ҳақиқий одам бормикин дунёда? деб қоласан кўпинча. Улар оширмай-тоширмай гапир-ди, дилига йўл толган тиланиги яширмайди ҳам. Фақат кучи ета-диган маррани айтади, кучи ет-маса — бир процентга ҳам ош-майди, ваъда бермайди. Матбуот-да мағталиб чиқмаса чиқмасин-у, лекин танишлари, дўстлари олди-да, корхона олдида юзи шувит бўлмасин.

— Мана, улуг сана яқинлашяпти. Эллик йилликка атаган су-галаринг бордир? — бир гуруҳ иш-чиларга ташлаган синов саволим жавобсиз қолмади.

— Булмасам-чи! Вошқалардан кам жойимиз йўқ, Чўтлаган ре-жаларимиз бор, албатта.

— Эшитайлик бўлмас!

Ҳамма одоб юзасиданими ё «сиз келиштириброқ тушунтиринг мух-бирга» дебми цех бошлиғига қа-ради. Новча, оқ сариқдан келган цех бошлиғи Геннадий Федоро-вич корхонанинг юбилей мажбу-риятини тўрт оғиз гап билан айт-ди-қўйди.

— Махсулотнинг сифатини оши-риш, қичит ва бракарни йўқ даражага келтириш, шоғирлар тайёрлаш, энг муҳими — эллик

йилликгача ҳамма ишчиларнинг икинчи касбни ўрганишини таъ-минлаш, ун ойлик планни беш кун илгари адо этиш...

Бу мажбуриятлар ҳамма жой-да — завод ҳовлисига киравериш-да, цех бошлиқларининг хонала-рида, қизил бурчаларда, цехлар-да, дам олиш хоналарида осиб кўйилган.

Корхона зиммасидаги масъули-ят оддий ишчидан тортиб, дирек-торгача, мастердан тортиб, инже-нер-техник ходимларигача — ҳам-мани ташаббус кўрсатишга, жон-бозлик қилишга даъват этмоқда. Чўнки улар тиклаётган трактор-ларнинг пахтакор деқонлар зори-қиб кутмоқдалар. Улар тайёрлаёт-ган хилма-хил деталларга қолхо-ва совхозларда эҳтиёж катта. Тракторларнинг бир қисмини те-рми агрегатлари билан ускуналай-диган «Ташсельмаш», деталлар ва узеллар оладиган «Чирчиқсель-маш», Тожикистон заводларининг яхши ишлаши мана шу трактор йиғувчиларнинг ғайратига боғлиқ. Шунинг учун ҳам корхонада ку-нига 72 тагача «Т-28-ХЗ» маркали трактор, анчагина қисм ва узел-лар тайёрланапти.

Завод бундан атиги саккиз йил ҳамаси олдин трактор йиғув кор-хонасига айлантирилган эди. У пайтларда иш кўлами ҳам ўзига яраша — камроқ эди. Мана энди ман-ман деган корхоналар билан беллаша олади — йилга йигирма минг трактор йиғадиган йирми завод у.

Бу ҳали чегара эмас. Гарчи у трактор йиғув заводи деб номлан-са-да, деталларнинг асосий қис-мини ўзи тайёрляпти. Яқин не-лажақда унинг «йиғув» деган қўш-ма номи бекор бўлади. Ушанда Ўзбекистон трактор заводи пахта-корларимиз меҳнатини янада эн-гиллатадиган тракторларни ўзи мустанлак йсайдиган бўлади.

Бугун трактор йиғув заводи аҳ-ли Улуг байрам нафаси билан пшамоқда.

Очерк

Шарифнинг отаси бор эди: Нурхон пайванд номи билан қишлоққа машҳур. Шарифнинг онаси бор эди: қўли косо, сочи сулуғри заифа. Шарифнинг тоғаси бор эди: Самад Махсум жиянини Ҳовузи Чордарага — шешър шинавандалари суҳбатига олиб борар, жўрабоши Садриддин Айний гоҳо: «Қани, йигитча, сиз ҳам янги байтларингиздан ўқинг» деб қоларди; Шариф ўқиб бергандан кейин: «Болада заковат бор», деб мақтар, қишлоқ домласи Махсуми Дағалнинг дарсларига қанда қилмай боришни уқтирар эди. Шарифларнинг уч танооб боғи ҳам бор эди: бунда жами мева навларидан экилган, Шариф отасига эргашиб уларни парваршилар, пайванд қилар эди. Шарифнинг яна ёли узун, қора эшаги ҳам бор эди: далада кесган юлғунларни шунга ортиб, Когонда сотиб келар эди. Шарифнинг пешанаси қашқа, говмиш сигири ҳам бор эди: уни отасининг жўраси Рўзи Иноқ: «Бузоғи манга, суғи силарга» деб бериб қўйган эди; Шариф уни чимзорларда ўтлатар, эрталаб қаймоғини ер эди... Шарифларнинг оиласи фақир эди — фақир оилаларга хос камтарлик ва олижаноблик ҳам бор эди...

Шариф отасини ҳам, онасини ҳам, тоғасини ҳам яхши кўрар, кўп ўқишни — ўқимшили киши бўлишни оруз қилар, чор-борлари, эшаклари сигирларини ҳам яхши кўрар эди. Шарифнинг ўзи ҳам фақир, камтар ва ажойиб эди...

Булардан ташқари, Шарифларнинг уйи орқасида маичт, маичт биқинида Холиқбойнинг дангилама ҳовлиси — башант безалган хоналари, катта қўй қўраси, хизматкорлари ва София исмли, «жияним» деб юрадиган чўраси; ҳовлининг орқасида паст-баланд адирлар, адирлар тугаш ерида темир йўл бор — соқоли кўксига тушган Николай исмли рус чол темир арабасини шигиллатиб, изларни қараб юрарди...

Шариф маичтнинг олдида ўтганда, у ердан чиқаётганларга қўлини кўксига қўйиб салом беради, Холиқбойдан ҳайичар, Софияга байтларидан айтиб кулдирадди, темир йўлчи Николай чол билан таниш эди: унинг пулига қишлоқдан тухум ва товуқ, гоҳо ниҳол элтиб беради, чол ҳақиқа «нони қоқ» — сухари ва копсерва берадди...

Шарифнинг ўзи хуш кўрган, отасига ҳам маъқул бўлган байти шу эди:

Тўқ данакдан кўкардинг, ўс бемалол, ниҳолчам,
Тағларингни юмшатай, тоғинг камол, ниҳолчам,
Ўғит бериб асрайн, ўсабергни кучу тун,
Шохларингни букмасин қуюн, шамол, ниҳолчам.

Шарифийда мақсад шу: дўстлар есин мевандан,
Пайванд қилайин, бўлсин ҳосилинг бой, ниҳолчам.

Ота ўғлини Холиқбойга етимликка берди. Холиқбой уни кўрасига олиб кириб:

— Мана қўйлар, чўпон бўласан,— деди.— Бозор кунлари уйингга яваб бераман... Лойингни юз айлантриб тепсалар ҳам, сандан ҳуштак чиқмайди. Ўқиш деб маичтга бориб юрма. Ишингни бил.

Бозор куни Самад Махсум уни Ҳовузи Чордарага олиб борганида, у Холиқбойнинг талабини айтди. Айний:

— Ундай бўлса, ўзим санга битта «ҳафтия» топиб бераман,— деди.

Бироқ бир тонгда Шариф кўрага кираверишдаги уйчада китобини ўқитган эди, бой келиб қолди.

— Шунинг учун чўзилиб ётган экансан-да! — деб «ҳафтия»ни тортиб олди... Шундай қилиб Шарифнинг ўқимшили бўлиш орузи сўнди.

Бой Самад Махсумга: «Жиянингиз манга сидқидилдан хизмат қилсин. Катта бўлса, Софиани бераман унга», деди. Буни тоғаси Нурхон пайванднинг уйига келиб айтди. Шариф ҳам хурсанд бўлиб кетди. Бу хабарни хотини Махтарга ҳам айтган экан. У Софияга: «Сиз бизга келин бўласиз. Тоғангиз айтибдилар» деди. Шариф билан София бир неча кун бир-биридан қочиб юрди. Орадан икки йил ўтиб, бир-бирига меҳр қўйиб қолди. София нон ёпар, кулга тушган бўлақларини девордан ошириб ташлар, кўчада турган Шариф уни ушлаб олар эди... Тўл тушган маҳал эди. Шариф далада қўй боқиб юрганида София ёрдамга борди. У кетгандан кейин Шариф ораларида ўтган суҳбатни шешъра содди:

Вир дилбари давронимсан, чўпон қиз,
Сут соғишга чаққонимсан, чўпон қиз,
Ҳам дилбарим, ҳам жонимсан, чўпон қиз,
Қирда бўлдинг меҳмонимсан, чўпон қиз.

Иброқ кетсам, менга атаб най чалдинг.
Раҳмат десам, яйраб қулиб уялдинг.
Секин-аста қалбим томон йўл олдинг,
Дил боғимда дилдоримсан, чўпон қиз.

Шарифим деб менга қилдинг назора,
Меҳрим қўйиб суйдинг сени тобора,
Хўсинг ҳаққи қилма мени овора,
Энди бўлган жонимни сан, чўпон қиз,

Аммо орадан бир қиш ўтиб, Холиқбой қизни олис қариндошига узатиб юборди. Шариф куйиб қақшаб қолди:

Водариг, ул нозанини ўзгага ёр этдилар,
Инглади ҳар кипригидан оқди ёшлар юз қатор.
Куйди бағрим, ёнди жияним, устиҳоним бўлди чўғ,
Ўртаниб бу ўтга жоним, қолмади сабри қарор.

Айрилиқ дарди йиқитди ғам теғирмоним аро,
Хор-зор жияним эзилди, бўлди гард ила губор.
Э, губорим, севгилимнинг юзларига қўнмангиз,
Бўлмасин ойдек жамоли хира нурили, доғдор —

— Жойлашиб қавшига қўйган кизининг остига,
Мен учун ўпинг оёғин, яйрасин ул дилфкор,
Юрса ҳам махсуми қавши тоғушига жўр бўлиб,
Бу Шариф Нурхон сўзи деб куйлашинг гулёр-ёр.

Бир йилдан сўнг София сил касалидан вафот этди. Махтар хоним унинг камзули инсседан Шарифнинг икки шеърни топиғанини айтди... Шариф Софиядан ҳам жудо бўлди.

Куз оқимсои айта бориб, оғилнинг орқаси тешилгани, қашқа сигирини ўғри уриб кетганини эшитди. Шариф таппи ва нишхурт ҳидига тўла оғилда серрайиб қолди:

Зўр гавмишдан туғилдинг, жунинг бароқ, сигирчам,
Кўзинг сариқ, шохинг тик, пешонанг оқ, сигирчам.

Дунёда кўп йил юриб, шикаст-офат кўрмасин,
Сени бизларга берган Рўзи Иноқ, сигирчам.

Доим сутингни ичиб, яйраб қулиб юрардинг,
Ҳар йил туғиб берардинг соғлом бузоқ, сигирчам.

Доим боқиб асардинг, ўйноқларинг семираиб,
Сени ўғирлаб кетди қайси айғоқ, сигирчам.

У ҳам сутингни ичиб, бузоқ олиб юрдим,
Е бўйинига қўйдимиз ўтқир пичоқ, сигирчам.

Энди Шарифий йнглаб ғуссаю ғамин ейдир,
Сен бўлганда ер эди мойли қаймоқ, сигирчам.

Рўзи Иноқ: «Ҳафа бўлмагн. Болаларингиз катта бўлса, қайтарар» деса ҳам, Нурхон пайванд Самад Махсум билан сигирнинг пулини тўлади...

Аммо ёли узун, қора эшак сотилди... Бу Шарифнинг елкасига яна бир ғам бўлиб тушди.

Эшаккинам, эшаккинам...
Ёлинг эди исли сымбул,
Пешонангда коқилинг гул,
Сенга тикдим тўқиму жул,
Ип йигириб, эшаккинам.

Юрсанг йўлни чанглар эдинг,
Сўзларимни англар эдинг
Сўфи каби ханграр эдинг,
Саҳар туриб, эшаккинам.

Очарчилик бўлди ёмон,
Сотдик сени айлаб фиғон.
Олиб кетди Усто Қурбон,
Юз сўм бериб, эшаккинам.

Бу Шарифий ғамга ботиб,
Орқасига ўтин ортиб,
Бозор элтиб келар сотиб,
Сенсиз юриб, эшаккинам...

Гузар эриги Нурхон пайванднинг девори тағидан ўтар эди. Бир кунни Очил Тўпчибоши девордан боққа қараб, катта қўлмакни кўрди-да, дарвозани лағг очиб кириб келди.

— Сувни нега ўғирладиларинг? — деб шовқин солди.

Нурхон пайванд илтико қилиб, сувни ўғирламагани, сувнинг ўзи девор сағидан сизиб чиққанини айтди.

Тўпчибоши бир зум боққа қараб турди-да:

— О-ҳо бо ер жаннат бўб кетган-ку? — деди. Эртасига келиб, — Нурхон пайванд сизни Когонга қози чақиряпти, — деди.

Нурхон пайванд Когонда қолиб кетди. Самад Махсум бозор куни Шарифни эргаштириб Ҳовузи Чордарага борди.

— Сизларда чирғили бир қиз, ё яхши бир от борми? — деб сўради Айний.

Оқибат, Тўпчибоши боққа эгаллик қилиш учун бу ишни қилганини англадилар. Холиқбой орага тушмаса, Нурхон пайванднинг қутулиши маҳол эканини айтди.

Холиқбой Шарифни ўн йил муҳлат билан хизматкорликка олган, шу муҳлат ўтганидан кейин унга ўнта қўй бериб жўнатиши керак эди.

— Олти йил ишладинг, олтига қўйинг бор. Шуларнинг бахридан кечсан, ёрдам бераман. Отанг бекорга қутулмайди, — деди Холиқбой.

Шариф рози бўлди.

Нурхон пайванд бир йилдан кейин обхонадан чиқиб келди ва кўксини ушлаб йўтала-йўтала қаза қилди... Шундай қилиб Шариф отадан ҳам ажралди.

Шариф темир йўлчи Николай чол билан ҳамон алоқада бўлиб турар эди. Бир куни чол:

— Ленин деган киши чиқипти. Оқ пошшонни йиқитипти. Амрири Бухоро ҳам таслим бўлибди. Яқинда Когонга келар

(Охири 12-бетда).

УЧ ШУХРАТ

Ҳамид НУРИИ

Зумрад далалар. Яшнаган боғлар. Қўшиқчи ариқлар. Бу ер — қишлоқ. Қадрдон қишлоқ ҳамша латофатли. Аммо шу баҳор фаслида у тагин ҳам дилбар, тагин ҳам соҳибжамол. Бузбуллар тоғ чоғиданоқ гулларни васф этиб, ғазал ўқийди, қалдирғочлар ҳовуз бўйида айланиб, тип-тиник сувга тўш уриб кетади. Янги бош кўтарган ниҳол кўшга интилади. Пахтазорда кимдир қўшиқ айтапти. Бу ерлик одамлар азалдан қўшиқчи. Ўтмишда дард билан, қандайдир мунг билан нола қилиб қўшиқ айтардилар. Эндликда шодон яллалар, жўшқин қўшиқлар шу ердан чиқади. Одамлар қалойда жўш ураётган қўшиқ бамисоли булоқнинг қайнашига ўхшаб кетади. Машҳур ҳофиз Жамолқори ҳам шу атрофдан.

Қумрак қишлоғидан бутун Ўзбекистонга таъинлик қўшиқчилар, ҳофизлар чиққан эди-ю, лекин то Абдигани фронтга жаънамагузача бошқа бирорта қаҳрамоннинг номи эшитилмагача эди.

...1942 йилнинг қаттол кунлари. Юрагида ҳамияти бор, ман-ман деган йигитлар жанг олов-оташларида жон бериб, жон олаётган, Сталинград остоналарида, азия рус дарёси соҳилларида халқимиз, Ватанимиз, эҳтимол, инсоният тақдирини ҳал қиладиган жуда нозик давлар эди. Абдигани Ҳарбий комиссарнатга тагин илтимос билан келиб:

— Мени ёш деманг. Халқимиз бошига шундай оғир мусибат тушган шайта жангга кирмасам йигитлигимни қачон қўрсатаман, — деб қаттиқ туриб олди.

Юрагида Ватан ишқи ёниб турган йигитнинг талаби инобатга олинди. У 1942 йил 7 июль кўни жанг майдонига отланди. Ҳарбийга қақрилган билан даров фронтга етиб борақолмайсан. Душмани маҳв қилиш учун олдин жанговар қуролларни ўраниши, манфур душманини қириб юбориш санъатини эгаллаш керак эди. Кечаги кетмончи йигит беш ой астойдил ўқиди, пулемётнинг барча қисмларини икки-чикиригача ўраниб, олди. Уша йилнинг охирида биринчи марта жангга кириб, ажал билан рўбарў келди, порох ҳиди қандайлигини, ҳар қадамда ажал пойлаб турган жанг майдонига одам ўзини йўқотмасдан, қўрқувга, ваҳимага сўз бермасдан жанг қилиши кераклигини яхши тушуниди.

Шарқнинг улуг дошмандларидан бири дунёда уч нарса асло унут бўлмайдиган, жаҳонда уч нарсани давр занги босолмайдиган, бундан бири — яхшининг иши, иккинчиси — дононинг сўзи, учинчиси — доворакнинг мардлиги деган экан. Одам боласи онасидан бирданга яхши-ёмон, доно ё бефаросат, доворак ё қўрқоқ бўлиб таваллуд топмайди. Донолик ҳам, яхшилик ҳам, жасурлик ҳам онлада тарбия чоғида камол топа бошлайди. Абдиганининг отаси Абдидвали ака меҳнаткаш, ҳалол деҳқонлардан эди. Онаси Мелихона она ҳам фарзандларини: «Олабўжи келди» демасдан, қўрқитмасдан ўстирган оқила аёл эди. Абдигани танти, дўстидан ҳеч нарсани аямайдиган, ҳамиятли, аҳдига вафодор, қўрқоқлардан ҳазар қиладиган ҳамқишлоқлари орасида, қишлоқ мактабидан тарбия топиб, ёшлагиданоқ ўз тақдирини Ленин комсомоли билан боғлади. Шунинг учун бўлса керак фронтда, жанг майдонларида ҳамқишлоқларининг ор-номуси тўғрисидаги гапларини, насихатларини такрор-такрор эслаб, ажал билан рўбарў келган пайтларида қўрқувни енга олди.

Иккинчи Украина fronti ўтган жойларда, Курск атрофларида, Великие Луки томонларида Абдигани жанговар дўстлари билан қадамба-қадам, қаричма-қарич босиб ўтган қанчадан-қанча жойлар бор.

Шиддатли уруш ҳеч кимни аямайди. Оддий солдат Абдигани ҳам қаттиқ яраланди. Ҳарбий госпиталдан уни қишлоққа жўнатилмоқчи бўлишди. Аҳдига содиқ жангчи шифокорлардан миғ илтимос қилиб, ялиниб-ёлвориб:

— Мени фронтга жўнатишлар. Ярам оғир эмас, тезда тувалиб кетади, — деб туриб олди.

Порох ҳидини алақачон ҳидлаган солдат биринчи марта яраланганга қадароқ «Жасурлик учун» медали билан мукофотланган эди. У ўзининг синашта бўлиб қолган полки, жанговар дўстлари ёнига қайтиб келди. Тагин сержантнинг, даҳшатли, тўғий ухлаб бўлмайдиган жанговар кунлар бошланди.

1944 йил бошларида Нарва дарёси соҳилларидаги жанглар айниқса қаттол бўлди. Гвардиячи солдат 15 киши билан дарёдан ўтиши, нариги соҳилдаги фашистларга ана шу озгина куч билан қаттиқ талафот етказиб, қўшинларимизнинг дарёдан эсон-омон ўтишини таъминлаши керак эди. Командирлар доворак, айриқ, сермулоҳаза Абдиганига бу шарафни, масъулиятни, хавфли операцияни топширишди. Уруш оловларида тобланган Абдигани олдин дарё оқимини, чуқурлигини яхшилаб ўрганди. Вунинг учун у душман ўқ ёмғирларидан, фашист снайперларидан қўрқмай пайт пойлаб туриб сувга тушди, унинг оқимини, чуқурлигини аниқлади. Ҳатто нариги соҳилда фашистлар қўйган тузоқни ҳам фаҳмлаб қолди. Немислар ҳар эҳти-молга қарши деб дарёнинг нариги қирғоғига сим тиконлардан ташқари худди бўйрадек келадиган, қадам қўйилганда киши оёғига қошқондек илашиб қоладиган, майда тикон симлардан тўқилган нарсаларни ўрнатиб қўйишган эди. Абдиганининг йигитлари ўзлари билан керакли нарсаларини олиб дарёдан охиёга сузиб ўтишди. Шолчасимон чодирлар тикон симлар устига ташлангач, душман траншеялари томонига эсон-омон ўтиб олинди. Қутилмаганда қўл пулемётларидан ўқ отган совет жангчилари гранаталарини, хусусан танкага қарши ишлатиладиган кучли гранаталарини душман бошига улоқтириб, муҳим истеҳкомларнинг кулини кўкка совуришди. Фашистлар доврираб қолди. Улар кейинчаликгина бу соҳилга бор-йўғи 15 киши сузиб ўтганлигини фаҳмлашгач, то асосий кучлар дарёни кечиб ўтгунча разведкачиларимизга вакил юбориб:

— Оз экансизлар. Таслим бўлинглар. Барибир ячиб таш-

лаймиз! — деб дўқ қилди. Абдигани Валиев бошлиқ мард солдатлар душманининг бундай сурбетлик билан қилган таклифига фашистлар устига янги ажал ёмғирларини ёғдириш, гранаталарни тагин ҳам олсироққа иритиш билан жавоб қайтардилар. Юздан ортиқ фашист қириб ташланди. Қўшинларимизга йўл очилди. Ана шу жангдан жасурлиги учун биринчи орден — учинчи даражали «Шухрат» нишони Абдиганининг кўкрагига тақилди.

Иккинчи даражали «Шухрат» ордени билан Шарқий Пруссияда 1944 йилнинг декабрь ойларида қўрсатган қаҳрамонлиги учун мукофотланган Абдигани дўстлари билан биргаликда ғалаба дақиқаларини яқинлаштириш учун ўлимни ҳам писанд қилмасди.

Старшина Абдигани Валиев фронтда, окопда ариза ёзиб шонли коммунистик партия сафига ўтди. Берлин остоналарида 3,5 миңдан ортиқ фашист солдатлари, офицерларини бори-йўғи 18 кишилик жанговар группа билан асир қилиб олди. Берлин кўчаларида жанг қилган мардлар, Рейхстаг устига Ғалаба байроғини, Совет байроғини ўрнатган совет солдатлари сафида наманганлик қаҳрамон, оддий пахтакор Абдигани Валиев ҳам бор эди. Берлин остоналаридаги довораклиги учун унинг кўкрагига биринчи даражали «Шухрат» ордени тақилди.

Ун бешта нишон, жанговар медалларнинг эгаси, эндликда милиция подполковниги Абдигани Валиев гоят қамтар, ишти-зомли, софдил ходим.

...Мабодо йўлнингиз Одесса шаҳрига тушиб қолса, бу ерда Пархоменко кўчасидаги бешинчи уйда ҳозир запасга чиққан полковник Николай Алексеевич Ветомов раффакси медицина хизматчи майори Тамара Павловна билан биргаликда истиқомат қилади. Николай Алексеевич Абдигани Валиев хизмат қилган полкнинг илгарги командири. У бундай деб ёзади:

«Ленин ордени, Қизил Байроқ ордени, Суворов ордени 61-ўқчи дивизия улкан жанговар йўли босиб ўтди. Жангчилар душманин ўз тупроғимизда ва ундан ташқарида тор-мор келтирдилар. Дивизия жангчилари қисм тарихига кўнгина шонли саҳифалар ёзишди. Полковник Гани Валиевнинг қаҳрамонлиги меннинг эсимдан асло бўлмайдиган. У Великие Луки остоналарида жангга кирган бўлса Берлингача етиб борди. Урушга кирганида у ҳали номи чиқмаган жангчи эди, урушини шон-шараф билан тамомлади. Гани Валиев «Шухрат» ордени билан тўла кавалеридир».

Гани Валиев ғалаба парадида қатнашди, қисм байроғини мағрур кўтариб ўтди. Уша баҳор айёмидеги ғалаба соатлари, ғалаба нашидаси, зафар қасидаси, то 1945 йилнинг 9 майига қадар қаттол жанг йўлларида, уруш йўлларида қолиб кетган номаълум қаҳрамон солдатлар, жанговар қуролдошлар, қийинчилар, бари-бари оддий жангчининг ёнида. У ҳамон посбонликда. Қаҳрамон Абдигани Валиев халқ бахт-саодати, халқ тинчлиги, осийишталиги посбонлигида!



Тошкент — Шарқнинг қадимдан машҳури. У энди Шарқ машъали бўлиб порламоқда. Бу нурга талпинган ўнлаб хорижий мамлакат йигит-қизлари ҳозир Тошкент қўйнида илмуҳикмат ўрганишяпти.

«Гулистон» журнаlining махсус муҳбири Дадахон Нурий Тошкентда билим олаётган айрим чет эллик талабалар билан суҳбатлашди.


Ҳиндистон

УДАЙ КУМАР ВАРМА

Тошкент Давлат университетининг аспиранти.



— «Тошкент тинчми? Одамлари қийналяптими? Биздан салом айтинг». Мен юртимга таътилга борганда бундай сўзларни жуда кўп эшитдим. Шундай кўп саволлар беришардики, фақат «яхши» деб жавоб қайтаришга улгурардим, ҳолос. Бу халқимизнинг Тошкентга бўлган меҳр-муҳаббати кесизлигининг ифодасидир.



Судан

АБДУЛЛО МАҒЗУБ

Тошкент Медицина институтининг студенти.

— Биз Тошкентнинг ўз одамларидаймиз. Бизга билим бериши билан бирга яхши шароитлар яратиб берган Совет Иттифоқига, хусусан Ўзбекистон ҳукуматиغا журналингиз орқали қизғин ташаккур изҳор қилишни хоҳлардим.

Мўғулистон

Клара БАЛДАНГИЙН,
Тошкент Политехника институтининг студенти.




— Тошкентда ер қимирлаганига анча вақт бўлиб кетди. Гапнинг тўғриси, ҳамон уйимдан хавотирли хатлар келиб турибди...

«Тошкентда тинчлик. Ҳаёт яна аввалгидай жиўқин. Хавотир олманглар. Бизлар ҳам табиий офатни мардонанор енгаётган қаҳрамон тошкентликлар сафидамиз». Мен шу мазмундаги хатларни узоқ Улан-Баторга жиўнатиб турадиган бўлдим.

ТО.ЛИ

МАР

ЖОН



Додлама, додлама, дод саси галди,

Қаршининг чўлидан ёр саси галди.

Эски қўшиқ

Календарда ҳали кеча билан кундуз тенглашмаган бўлса ҳам, тажрибанор ҳисобида ҳамал амали олиб келмаган бўлса ҳам жануб табиати уйғониб қолган эди. Биз буни мартнинг бошида Бухородан Қашқадарга кириб келгандаёқ сездик. Қашқа воҳасидан киш ғубори кетиб, баҳор кирмоқда эди. Далага кўш чиққанди. Етилган ер гупиллаб турарди. Тут дарахларининг майда новдалари кўк тугмачаларини ечишга шайланган. Уватлардаги майсалар ўтган йилги илдизларидан бош кўтариб, ер бетини қопламақда, дов-дарахтлар уйғонмоқда. Хуллас, республика жанубига муддатдан аввал амал кирганди.

Қарши кўчасида кўз олдимизда ўрик гуллади. Бу ўрик эрталаб Ленин номили кўчани безаб турган дарахтлар орасида, маданият уйининг рўпарисида қип-қизариб турган эди. Унинг катта-кичик шоҳларидаги гунчалар бўртиб, тонхўроздай товланарди. Кўёш кўтарилган заррин нурлари ўрик учига қўнди. Шу заҳоти ўрикнинг тепа шоҳлари товланиб, бодрондай бирин-кетин оқара бошлади. Ўрикнинг бу хил гуллашини биринчи марта кўришим. Атролнинг очилишини кўрганман. Тонгда ва бир зумда очилди. Ўрик гунчаси эса вақти-соати етган паллада кўёш тиги кўксига теккан ҳамон чарақлаб кулиб юбораркан. Шу тонгда биз кузатган ўрикнинг гунчадан қип-қизил бўлиб турган тепа шоҳлари бора-бора чўпга бодроқ териб нўйгандай бўлиб қолди.

Дўстим Сергей Петрович Бородин ҳам кўзларини янги туғилётган табиат неъматидан узолмай, уни суратга олаётгандай хуммор боқар ва мамнунлиқдан дили шодлиққа тўлиб, юз-кўзи нуларди.

Қашқадарё баҳори кўзимизни бу билангина шодлантиргани йўқ. Область партия комитетидаги харитадан тортиб, чўлдаги ўйилмаларгача кўзимизни қамаштирмай қолмади. Қадди-баста паҳлавонларни эслатадиган, аммо юзидан табассум аримайдиган, табиатан мулойим, аммо бу мулойимлик заминида қатъият кучи учқунлаб турган ўртоқ Асомов бизга Қарши чўли харитасини кўрсатди. Сапсариқ чўл топографияси бўлиб-бежаб юборилган эди, «Қарши чўли келанкада мана шундай бўлади!» деди ўртоқ Асомов. У Қашқадарё область партия комитетининг биринчи ноотиби кабинетига шу харитани қўлтиқлаб кирган ва бу янги масъулиятли ишини шу чўл муаммоларини бартараф қилиш иштиёқи билан бошла-

ган. Бу одамнинг режаларини синчиқлаб тингладик-да ўз кўзимиз билан кўргани Қарши чўлига жўнадик.

Қарши чўли гўё уфқдан уфқчача, чегарасиз, бепойн ётарди. Тинчилиб боққан кўзга у гоҳ тегсиз океан, гоҳ беҳад осмон бўлиб кўринарди. Унинг тўрига тушган одамга гўё дунё фақат шу чўлдан иборатдай бўлиб туюларди. Дарҳақиқат бу чўлда Албания, Нидерландия, Бельгияга тенг ерлар ётади. Аслида бу жой боши, учи ва оёғи, бир вақтлар боғи-бўстон, экинзор, гулзор бўлган уч дарё ўртасидоғи ажойиб водий эди. Унинг бир дарёсини қадим замонларда чўл ютган, дейдилар, у дарё ҳозир парма етмас чуқурликда узоқ денгизлар томон оқиб ётибди ёки ўзининг сарғи қатрасини сарфлаб ер ости жинсларини суғормоқда. Ушандан бери Қарши чўли қақраб қолган дейдилар. Амударё унинг қирғоқларини ювию оқаётган бўлса ҳам, суви ошиб-тошиб ётган бўлса ҳам қақраган чўлга мурувват қилмайди. Чунки у бир юз эллик метр пастиликда оқади: ўзининг 66 миллиард кубометр сувини Орол денгизига кўяди. Бундан ташқари йилга 270 миллион кубометр қимматли ҳосилдор кўйқани ҳам орол туз-хонасига тўнади. Унинг қирғоқларидаги ўн миллион гектар экинзор ер бундан бенаҳис.

Қашқадарё ҳам чўлда мурувват қилмайди. Чунки у бунга ожиз. Унинг борлиқ суви ирмоғидан 150—200 километр нарига бормай, ерга сингиб тугайди. У ҳам Зарафшондай бутунича, қатра намгача одамга, ҳаётга ўзини бағишлайди. Шундай қилиб афсонавий дарёнинг обод соҳили бўстонларидан баъзи номларгина қолган. Масалан, Толимаржон...

Биз ана шу Толимаржонга йўл олдик. Чўлни ёриб ўтган асфальт йўл ойнадай тинчилигидан кўёш нурида порлаб турарди. Йўлнинг икки ёнида йўлдош йўллар ҳам бор эди. У йўлдош йўлларда тракторлар ўрмалаб юрибди. Доим тракторлар йўл умрининг заволи, асфальтнинг офати эди. Эндиликда ҳаммасининг ўз йўли бор.

Бизга Қарши чўли қурилиши бошқарувчисининг ўринбосари Қобилжон Усмонов ҳамроҳ бўлиб бормоқда. Иқтисодчиликда кўзи пишиб ва кўп йиллар партия юмушида чиниққан бу одам бизга йўл-йўлақай Қарши китобини варақлаб адо қилолмас эди. Чўлнинг ҳар бир одими унинг чўтида! Чўлнинг узоқ ўтмишидан тортиб, ҳозирги ҳаёти ва келажаги ҳақида ривоят ва афсоналар, қизиқарли ҳикоялар айтиб чарчамасди. Мирза Бедил тугулиб усган жойлар, Чингизхон лашкар тортган лагерлар, Бибиқоним Шахрисабдан Самарқандга ўтган йўлақлар, биринчи марта Қорақўл кўзиси тугилган дўнглик, Темурланг кийик овлаган жойлар... Илгарӣ Қарши чўли кийикнинг макони бўлган. Улар тўда-тўда бўлиб юришарди. Овчиликнинг «янги усули» — машинада, вертолётда овлаш «усули» чиққандан кейин охулар бу ерни ташлаб кетди. Эндиликда бу чўлда биттаю-битта кийик турибди. У ҳам бўлса йўл бўйидаги ҳайнал. У кичик бир дўнгликда гўё, мени ташлаб қайларга кетдинг, жонли жайронлар, дегандай атрофга аланглаб турарди.

Оху орқада қолгач, Қобилжон Усмонов Қаршининг ҳозирги куни ҳақида сўз бошлади: «Чўлнинг ҳозирги бойлиги — қорақўл! Энг аъло қорақўл! Гўё бу ҳикоянинг бир исботидай олдимида майда-майда қора нунталар пайдо бўлди-да ўтлаб юрган қорақўл кўйларни бизга томон учиб кела бошлади. — «Бу ерда дунёда энг сифатли қорақўл етишади! Дунё қорақўлчилигининг илимий-тажриба лабораторияси ҳам шу чўлда. Халқро қорақўлчилик семинари кечагина таямов бўлди». — Қулониғиз ҳикоя тингласа ҳам кўзимиз ўтлаб юрган кўйларда эди. Ерни игнадай нишли ва бигиз нухса майса қоплаган. Белдор ва бўйдор кўйлар ана шу яшил игна ва бигиз нухса майсаларни лаби билан ердан суғуриб, майда оқ маржон тилшар билан юлиб оларди. Илк баҳор майсазоридоғи бу тирикчилик нақадар машаққатли бўлса ҳам кўйлар ундан сира зерикмасди. Онда-сонда кўзинчоқлар маърашиб юришибди. Уларнинг бу майса билан иши йўқ. Бу кенглик уларга гўё ипподром. Улар чопқиллаб келиб оналарини эмиш ва тўйиб олгач, яна чопқиллашарди. Эҳтимол, улар териси шилинмай қолганидан, белгусида она кўй бўлиш ва намёб териларни кўпайтиришга қолдирилгани учун мамнундир. Қавқад! Улар финқлашдан ожиз. Қўзи ҳам кўйда, кўйдан ювош, ундан беғам жонивор борми?!

Бирдан Қобилжон Усмоновнинг кўзлари ёнди. Қарши чўлининг келажаги тўғрисида унинг ҳикояси бошланди. Мана бу ерда пахтачилик совхоз бўлади. Бу ерда уй-жойлар, мана бу ерда механика устахонаси, ху, анави ерда бог... Бунақа совхозлардан жами юзта ташкил қилинади...

У бизга бўлажак пахтазорларни кўрсатиб, Қарши ерини маъташга тушди. Бу ерлардан олтин унади! Энг бурдоқи ерлардан йилга уч мартадан ҳосил олиш мумкин, Асрлардан бери кўёш нурини эмиб ётибди. Йилга 360 куннинг 214 кунни офтобли бўлади. Қиши ҳам нуздай ўтади. Қобилжон Усмонов иқтисодчи эмасми, пахта иқтисоди ҳақидаги нулоқ рақамларини ҳам ёддан билади. Қарши чўлининг ҳар гектари Мирзачўл еридан бир ярим баравар қимматга очилса ҳам охири бахайр, яъни унинг унуми Мирзачўлликдан икки баравар ортиқ бўлади. Энг муҳмини шунданми, юзта пахтакор совхоз қурилиб бўлгач, Фарғона водийсига тенг пахта майдони пайдо бўлади. Бунинг учта яхши ҳосилти бор. Аввало давлат омборига йилга кўшимча яна бир миллион тоннадан ортиқроқ пахта киради. Яна қандай пахта денг? Энг узун талапи ипаи талапи пахта! Қолаверса, бу ерларнинг пахтаси қадимий пахтазор ерларни монокультурадан қўтқизиб, яйраб нафас олишига имкон беради.

Ер билан ҳавонинг ўзи кифоя эмас, пахтага сув керак. Сув бўлса бу ерлардаги тошни ҳам ёнут қилса бўлади.

Бўлажак канал изидан бормоқдамиз. — деди ҳамроҳимиз, обиём сепретари Йўлдошев.

Бўлажак канал Амударёдан 152 метр баландликка юз минглаб кубометр сув кўтаради. Сувни кучли насослар чиқаради. Ҳозир насос станцияларининг тўрттаси қурилмоқда. Толимаржон йўлида тўртинчи насос станциясининг котлованида чуқурида урмалаётган машиналарга дуч келдик. Пастда, теран бўйи чуқурлигида энг янги хил электр экскаватор тинмай тупроқ сиқилмоқда. Ҳар чангали бир машина. «Мазлар электр экскаваторлардан тупроқ сўраб ўтирмайди, унинг олдига юк ортишни кутмайди ҳам. Экскаватор қатор келаятган автоколоннанинг ҳар бирига етарли



Афғонистон

Абдул ГАФФОР ВАРД
Тошкент Давлат
университетининг студенти.

— Тошкент билан Қобил қадимдан қондош ва жондош. Шу сабаб ўзимни бегона юрtdа ўқияйман демайман. Тошкент менинг иккинчи она шаҳримдир.

Шимолий Вьетнам

ВО ИНГОҚ ШИОНЧ
Тошкент Давлат
университетининг студенти.



— Асли вьетнамлик бўлсам ҳам, ҳақли равишда «Тошкент қизиман». Мен бу азим шаҳар баррида бешинчи йил яшаб, билим олялман.



Сьерра — Леоне


ЖОНСОН
Тошкент Давлат универси-
тетининг ва Тошкент кон-
серваториясининг студенти.

— Асли касбим кимёгарлик. Лекин музикани ҳам жон билан севаман. Шунинг учун яқинда яна бир эзгу орзуам амалга ошди. Мени Тошкент консерваториясига қабул қилди. Ҳозир икки олий ўқув юрtdа ўқияйман. Орзуга айб ўқ.



Проқ

Муҳаммад АСОҚОДИР
Тошкент Давлат Медицина институтининг студенти.



— Бизни ўқитишда ўз билимини, қимматли вақтини аямай сарфлайдиган устозларимиз — тошкентлик профессор ва ўқитувчиларга чексиз миннатдорчилик билдираман. Илтимос, шуни ёзиб қўйинг.




Куба
Мария КАРСУЭЛО ГОМЕС
Тошкент Тўқимачилик институтининг студенти.

— Ўқишлар яхши. Доимо меҳрибон кишилар орасидаман. Гавана каби Тошкент ҳам биз учун қадрдон бўлиб қолди.

Бирлашган Араб Республикаси

АЛ-ШАҲАД
ҲАСАН ал-САИД
Тошкент Сув хўжалиги институтининг аспиранти.



— Зеркиш қайда дейсиз. Атрофинда қулиб турган дўстларинг бўлгандан кейин хандон урмай бўлардимми!

юк ташлаб улгурмоқда. Бу ажойиб иш жараёнини ўз кўзимиз билан кўрдик. Юк ортиб нелаётган машиналарнинг тезлиги экскаватор олдида ўтириб ҳисобга олаётган махсус табелчи Тамара Бекқерни ҳам шоштириб қўймоқда. Жажжигина оқ-сарий қизчанинг икки кўзи «мазъларнинг номерида, кўли қалам тебратнишдан тўхтамайди, сосискадай бурнининг учигача терлаб кетибди.

Перм шаҳрида ўнинчи синфни битириб ўзини меҳнатга ташлаган бу қиз Пермдан тўппа-тўғри Норанка келди. Неча ойдирик Норандан келиб Қарши канали қурилишида табелчилик қилади. «Энг қизик иш» дейди у ўз касбидан мамнун бўлиб. Нега? Бир киши бекор турмайди. Ҳамма-нинг кўзи унда. Машинистлар, мазистлар ҳар минутда унга эгиллиб салом беради, бульдозерчи, скреперчиларнинг хушомади ҳам беҳисоб. Бундай эътибордан ёшгина Тамара жазирема офтобда ҳам яшнаб турибди. Қиз болага шунча йигитнинг эътиборидан бошқа яна нима ҳам керак!

Автотранспортчиларнинг бригадирин Андрей Григорьевич Соболевнинг шахсан ўзи ҳам Тамарага кунига неча мартадан салом беради. Чунки автоколоннанинг номаиаъмоли Тамаранинг қўлида. «Салом, Тамарочка, бугун нимга қандай баҳо қўйдинг?» деди Андрей Григорьевич.

Табелчи қиз Тамарага ҳамма рейслар ёд эди. «Назар Сахатовдан бошқасининг мазаси йўқроқ!» деб жавоб қилди қиз. — «Нега?» — «Баъзилари уч мартадан сув ичгани боришди...» Андрей Григорьевич ҳазиллаш одам эмасми: «Нега сувсизлик пули олишяпти бўлмасам» деб ҳазиллашди. Амударёдан келган водопроводнинг бир учи котлованга киритилсин» деди суҳбатга аралашган Қобилжон Усмонов. Унинг бу сўзини ҳам ҳазилга йўйишди: «Бошқарма сувсизлик йигирма процентдан қўтилоқчимми?» Қаҳ-қаҳа кўтарилди.

Бу кулги Назар Сахатов рейсдан қайтиб келганда янада авж олди. Чунки бу қотма қорача йигит ҳар яшанба шаҳарма-шаҳар юриб бир ҳафталик боржом гамлаб келаркан. «Нима қилай, чўлнинг энг яхши машаати меннинг учун минерал сув...» деди у ҳазилга жавобан.

Владимир Мочаликин, машинист, ҳазил қилиб бош чайқади: «Минерал сув баҳонаю, ўзига қиз қидиради бу йигит, Тўй сарполари ҳам тайёр. Узим кўрганман». Шундан кейин аския кучайди. «Тўй сарпосини мен эмас, Владимир Давидович қидиряпти», — деди Сахатов. — Мана, Тамара гувоҳлик бера қолсин... Ниноҳ сарпоси тополмай биздан ўча олади. Уч ҳафтадан бери олти марта «Шимол атругли» фильмини кўрсатди. Эртага тагин «Шимол атругли»ни кўрсатса керак...».

Бу ҳазилга киномеҳаник Владимир Давидовичнинг жавоби тайёр эди: «Мен машина сотиб олиш ишқида юрибман. Тамарани Шаҳрисабз районига даки «Қизил юлдуз» колхозига ўзимнинг яп-янгил Волгамда олиб бораман» Яна кулги бошланди. «Мазақламанлар,— деди Андрей Григорьевич уни ҳимоя қилиб. — Бу йигит Тамарага уйланмоқчи. У ерда «бахт уйи» бор. Келин-куёвни ҳам ўша ерда ясантирармиш. Базм, маишатхонаси ҳам бормиш».

«Ҳозир сотиладиган битта мотоцикл бор, Марҳамат!» — деди Қобилжон Усмонов. — «Жонимдан тўйибманми», дейди Владимир Давидович. — Булмас «Запорожец» ёки «Москвич». Бу танлифга мазистлар ҳам «йўқ», деб жавоб қилдилар. «Запорожец»нинг даври ўтганмиш. «Москвич» қонитирмасмиш. Тўртинчи насос станция қурувчилари фақат «Волга» олиб минармиш. Бригадирнинг қўлидаги рўйхат «юз процент «Волгалар» рўйхати эмиш.

Бу ердан Толимаржон бордир. Толимаржон! Бир вақтлар кўп обод бўлган бу қишлоқ мажнунтоли билан машҳур эди, деб таърифладилар. Қишлоқ сув қидириб Амударё соҳилига кўчиб кетгандан кейин ҳам мажнун тоғлар узоқ вақт яшаган. Айниқса бир тоғ яқин-яқинларгача нокилини ослтириб маржон тақиб турган. Чунки кийинлар Амударёдан оғизларидан сув келтириб уни сугориб турганмиш. Овчилар кийинларни қиравергач ва кийинлар ўз «қотиллари»дан қўтилиш учун Амударёдан нарига ўтиб кетгач, бу тоғ ҳам қуриганмиш. Ҳозир бу қақраган жой Қарши «ули»нинг маркази. Толимаржон шаҳар тусига кириб қолган. У ўз почтаси, ўз паспорт столи, мгазинлари, маданият саройига, кичкина бўлса ҳам ўз стадионига эга. Қурувчилар янги Толимаржон қурилишини стадион қуришдан бошлаган. Янги толимаржонликлар биринчи марта бу йил Ўзбекистон парламентига депутат сайладилар. Сайловчилар ўз депутатларига: «Чўлга бир вагон ёғоч қошиқ юборинг» деб топшириқ берган эмишлар. Нега? Бундан бошқа ишлар жойида эмиш.

— Толимаржон денгизи шу ерда бўлади!.

Бўлажак денгиз билан танишдик. Кўз илғамас паскам майдонни майса қоплаган. Балки бир вақтлар қурилган қадимги сув омборининг ўрнидир, балки бунинг ости бебаҳо маъданлар нонидир, ҳар ҳолда нўзга яқин, чўлга хос шинам жой. Салкам бир ярим миллиард кубометр сув сақлайдиган ҳавзанинг атрофи бог қилинади. Толимаржонликлар бу ишга эрта баҳордаёқ киришиб кетдилар. Биз қаторлашиб узум кўчати ўтқазаётган, мева дарахтлари экётган одамларни кўрдик. Ҳали бунга бог, деб бўлмайди. Ҳозирча шаҳар ичига толимаржонликларнинг ўзига ярашаси энкиломоқда. Аммо сал вақт ўтгач, бу ерларда энг шарбатли боғлар бўлиб, атрофда консерва заводлари қад кўтаришига ҳамма ишонади!

Биз яна афсонавий дарё ва қадимги каналлар изидан Қаршига қайтдик.

Бу жойлардан дарё оққани ва ер остига чўккани хануз миш-миш гап бўлса ҳам эрамизгача ўтган биринчи минг йилликларда ва эрамиздан кейинги асрларда ҳам «Манас» ва «Эски ангор» каналлари оққани ва минглаб сув ишоотлари орқали Қарши чўли гуллагани аниқ. Минглаб ҳужжатлар ва топилдиқлар бунга гувоҳ. Агар қирғинлик урушлари бўлмаганида босқинчилар — Чингизхонлар, араб истилочилари, Искандар Зулқарнайн юришлари топтамаганда эди, ҳалиқимиз бунчалик қийинчиликларни босидан кечирмасди. Ҳалиқимиз Қарши чўлида тарихнинг ана шу янглишларини тузатмоқда ва албатта тузатади. Қарши чўли мамлакатимизнинг энг гуллаган водийларидан бири бўлади! Ҳозир Қарши чўлининг ҳамма муҳим участкаларида катта ишлар қилинмоқда. Базалар яратилмоқда. Хуллас, Қаршидан Қизилбўёқча бўлган иш фронти авнига чиқмоқда. Аммо бу ҳали хамир учидан патир!

ОНА

Рачия Кочар

ХИКОЯ

1

Биз уч солдат қисмимизни йўқотиб қўйиб, қор аралаш ёғаетган ёмғирда уни топиш учун қишлоқ йўлларидида хўп адашиб-улоқиб юрди, роса ҳориб-чарчади, бурнимиздан тортса йиңилладиган ҳолга келдик. Қайқа қараманг, ёмғиру лой, уфқ зулуमत қўйнига фарқ бўлган. Узоқдан гувуллаган товуш эшитдик.

Украина ортда қолиб кетган, олд томонимизда Россиянинг нирқоронғи даштлари қўлоқ кериб ётарди. Урмон четларида ва ялангилларда хувуллаб қолган қишлоқлари хуторлар шумшайиб турар, вайрона кичик станцияларда абжани чиққан паровозлар кўзга ташланар эди.

Қоронғилик қуюқлашди-ю, мудҳиш тун ер юзига ўзининг қора чодирини ёйди.

— Қадам босишга ҳолим қолмади, тинча-мадорим кўриди,— деди бир шерғимиз. У орамиздаги энг кичик солдат эди.

Урушдан илгарирқоқ у Ленинград консерваториясини битирган, жонажон шаҳаридида машхур скрипкачи сифатиди доврқ таратишни орзу қилган эди. У кундирини у куйларни хуштанча солиб чалмас, чурқ этмасдан оёғини аранг судараб босиб орқамиздан келмоқда эди. Дам олиш учун бир нафас тўхтадик. Скрипкачи пичан уюми устига гурс этиб қўлаб тушди.

— Юрломмайман, оёғимди оёқ қолмади... Зим-зёё қоронғилидида унинг башарасини нўрмадик, бирқ аянчили қиёфасини кўз олдимизга келтирдик.

Икинчи дўстини — харьковлик бақувват чилангар унинг олдига борди-да, устига энгашди ва кўлидан ушлаб:

— Тура қол, Степа, жигарим, ана қишлоқ ҳам кўриниб йўқди, этиб борамиз маза қилиб дам оламиз,— деди.

Биз икковлашиб силласи қуриган скрипкачини турғиздик-да, йўлга тушдик. Йўлнинг охири нўрнимасди. Мана ниҳот уйларнинг томлари кўзга чалинди. На одамларнинг говури эшитилди, на итларнинг вовуллаши. Дуч келган биринчи эшикни тақиллатдик. Аёл нишининг:

— Қимди?— деган зафр товуши эшитилди. — Ким, онажон, солдат... Эшик очилди. Биз уй бенасини нўрмаймиз, ленин, унинг охишта товушини эшитамиз.

— Уз панохингда асра, э тангрим...

— Қўрқма, онажон, биз солдатларимиз, ўртоғимизнинг мазаси қочиб қолди, бир оз дам оламизу, қиңиб кетамиз.

— Кираверинглар, бемалол... Нега энди кўрқай, болажонларим... Киринглар, исиниб олинглар.

Лом-ним демай унинг орқасидан уйга кирдик. Кампир рус печининг четида турган чирқоқнинг пилигини нўтарди-да, ўгирилиб бизга разм солди. У нигоҳини ҳолдан тойган, орқ скрипкачига тинди.

— Вой болам бечора-ей, жуда уриниб қопти-ку... Ечининглар, ҳозир печга ўт қўйиб юбораман, исиниб оласизлар.

Эти суялгига ёпишган увоқини ба аёл бошига дурра ўраб, оёғига тор, эси этик кийиб олган эди. Кичкина нўзалари ажин босган ба шарасида гўё заиф пилпичоронден жилосиз милтилларди. Унга қараган одам беихтиёр:

ёпирай, бу хотин қандай бола туққан-а, қандай ер чопган-а, обнашда қандай сув ташиган-а, деб ўйлаб қоларди.

Кампир скрипкачининг қоқ суяк елкасини пайпаслаб:

— Жуда уриниб қолибди-да,— деди ва:— Бор, анави ердаги пичан устида ётиб дамнингни ол,— деб қўшимча қилди.

Биз шундагина устларига шинел ёпиб, ерда ётган солдатларни нўрдик. Улар бешта ёки олтига эди.

— Булар ҳам сизга ўхшаганлардан... Бир ҳафтадирки, уларнинг кети узилмайди, биттаси келди, икинчиси кетади, ё худо...

Скрипкачи боши ерга тегмасданқоқ уйқуга кетди. Хийла вақтдан кейин улар қайтиб келишиди, харьковлик бир боғлам ўтин, кампир бир қучоқ қуруқ пичан келтирди. Салдан кейин рус печаси гуриллаб ёниб, сариқ аланга жилва қила бошлади.

Харьковлик скрипкачи солдатчининг ботинкасини ечди, кампир эса унинг пайтавасини олди-да, печ устига осиб қўйди.

Ҳарорат одамни бўшаптириб, эринқоқ қили қўяди.

Кампир харьковликча негадир гуноҳ қилган одамден хижолатли боқиб:

— Олдингизга кўйя десаам, қайнатилган картошнадан бошқа ҳеч нарсамай йўқ, болажонларим... Сиздан илгарии озмунча одам келиб кетдим...— деди.

Биз унга:

— Бизда ёр бор,— дедим.

— Бўлмаса, картошка қовуриб бера қолам,— деди кампир қувониб.

Мен бу ушоқ кампирнинг эпчиллик билан картошка аришишга, тўғрашига, кейин уни ёр билан товага солиб, темир носовда товани печ ичига итариб, това атрофига ёпиб турган ўтин қалашига қараб турдим.

Картошка пишиди. Кампир товани печ ичидан чиқариб-да, латта билан дастасидан ушлаб кичкина стол устига келтириб қўйди.

— Олинглар, болажонларим.

Кампир шундай деб скрипкачини уйғотган кетди. Солдат донг қотиб ухлаб ётарди, Кампир қўлини унинг малла сочили боши тагига қўйиб, кўтарди-да, пешанасини силлади:

— Тур, ўғлим. Тура қол, тамадди қилиб ол. Кейин харьковлик инковлари скрипкачини суяб стол ёнига олиб келдилар.

Ерда ётган солдатлардан биронтаси уйғонмади. Ҳаммаси ширин уйғунда эди. Қорнимиз тўйғач, биз йўл азобини, қисматимизнинг нонинчилиги тўғрисидаги ўй-ташвишларимизни унутгандек бўлдик. Ерга қўзилдигу қаттиқ уйқуга кетдик.

Эрталаб кампир бизларни галма-галдан туртиб:

— Туринглар, болажонларим. Ҳойна-ҳой нечиңиб қолгандирсиз,— деди.

Хонада биздан бошқа ҳеч ким қолмабди. Бошқа солдатлар барвақт уйғониб, жўнаб кетишибди. Товадаги қовурилган картошнадан ҳовур нўтарилгати.

Кампир бизни столга таилф қилди. Узи эса нарироқдаги қоқина снамейка олдига бориб, қўлини кўксидида чалкаштириб ўтирди. Унинг башарасидидаги ажиллари ҳозир яққол кўриниб турибди. Кичкина нўзалари ҳар биримизни алоҳида-алоҳида кузатаётгандек туюлди. Ҳар қанча тақлиф қилсак ҳам кампир дастурхон тепасига келмади.

— Бахузур олзевринглар...

Қўшни хотин чиқиб, картошка сўради. Кампир кастриолдан унинг этагига картошка солиб берди-да, яна жойига бориб ўтирди. Чукўр хўрсиниб:

— Унинг уйдида ҳам солдатлар бор,— деб шивирлади.

Мен хижолат ченаман. Бирон ширин сўз билан бу ажойиб аёлнинг кўнглини нўтармоқчи бўламану лекин тилимга сира тузуорқоқ гап келмади.

Кампирга миннатдорчилик билдириб, ўрнимиздан турдик. Мен чўнтагимдан юғозга ўроғлик бир бўлақ ёр олдим-да, сенингизга стол устига қўйдим. Скрипкачига мулойим товушда насиҳат қилаётган кампир бунди нўрмади.

Унинг қишлоқ четидаги уйдан биз тўппа-тўғри қиров босган далага чиқиб кетдик.

Дунё ҳам энди кўзимизга кечагидек қоронғи эмас. Скрипкачи яна аллақандай икунни хуштанча чала бошлади. У бошини баланд нўтариб, шаҳдам қадам ташлаб борарди.

Қишлоқдан сал узоқлашган эдик ҳамки, ор-

қамизда хотин кишининг қақирганини эшитиб қолдик:

— Солдатлар, солдат болаларим!..

Тўхтадик-да, орқамизга ўгирилдик. Қарасан, кичкина бир қизалоқ биз томонга юғуриб келди. Йўқ, қизалоқ эмас, бизга бошпана берган кампир. «Нима бўлдинки!» деб ўйлади. Кампир эса юғуриб келди-ю, ёр уралган юғозни узатиб:

— Унутиб қолдирибсиз, олинглар,— деди.

Мен ҳайрон бўлиб, орқамга тисарилдик:

— Унутганимиз йўқ, онажон, сизга қолдириб эдик.

— Керанмас, олинглар, йўлда асқатади. Мен очдан ўлайман. Манг, олинг...

У энтиқиб нафас олади, ранг янада оқариб кетган, кўзалари изгириндан ёшланган.

— Манг...

Шундай деб у ёғни чўнтагимга тинди.

Биз чурқ этмай турибмиз:

— Сафарингиз бехатар бўлсин, болажонларим...

У орқасига бурилиб кетмоқчи бўлди-ю, бирқ тўхтаб:

— Менинг ҳам ўғилларим фронтда...— деди.— Ҳойна-ҳой улардан бирини танисангиз керак, катта номандир у... Коля Ватутин... Николай Федорович Ватутин. Дийдор кўришгудек бўлсангиз унга, мени нўрганингизни айтинг, соғ-саломат юрибди, денг...

Кампир шу гапларни айтиди-ю, музлаган ерда тийғана-тийғана келган йўлга қайтиб кетди.

2

Биз шу кунийёқ Валуйка станциясида қисмимизнинг бўлиналарини топдик ва унга қўшилиб Волчанск шаҳри томон йўл олдик.

Урушнинг дастлабки таҳликали йили эди. Ушандан бери биз — неча марталаб қишлоқ уйларидида тунаб қолдик, бир неча бор қор ва ёмғир остида траншеялари онопларда ётдик, бирқ ўлғига соғ-саломат эканлигини хабар қилишимизни сўраган Чепухин қишлоғида турарди кампирнинг чехраси сира нўз ўнгимиздан кетмади. У вақтларда биз унинг ўғли тўғрисида эшитмагандик.

Кейинчалик генерал Николай Федорович Ватутин доврғуи бутун дунёга кетгач, солдат Степан Филатов фронт командирининг онаси билан учрашганимизни, у бизни меҳмон қилганини, унинг жуда меҳрибон, яхши хотин эканлигини ҳаммага гапириб юрди. Кейин кунлардан бир кун генерал Ватутинга хат ёзиб, шу гапларни оқизмай-томизмай унга ҳийона қилди. Степан Филатов хатига жаовб олди. У генералнинг мактубини нўқрақ чўнтағида сақлар, уни деярли ҳар куни солдатларга ўқиб берад эди.

Биз Сталинградда жон олиб, жон бериб жанг қилдик, Волгадан Дон томонга юрдик. Сўнг Курск сари силжиб, Орлов дугасига яқинлашдик.

Олдинда энди Украина жон эди.

Кейин кўшинларимиз улкан жанг жадалда голиб чиқиб, шаҳар кетидан шаҳарни озод этиб, кузнинг охирида Днепрга етиб келди.

Ҳар сафар қўшинларимиз эришган галаба тўғрисидаги хабарни эшитганимда, назаримда, ҳаммамнинг олдиди ўша увоқинда аёлнинг ўғли қадам ташлаб борётганди бўларди. Уқ ўтмайидиган бу баҳайбат пахлазонини гўё онанинг пои ва муқаддас севгиси ўқлару ҳар қандай фалокатлардан худди сеҳрли тилсимот янглиғ ҳийона қилаётгандек туюларди. Она ҳамма вақт, барча ҳуқумларда унинг ёнида. Замонанинг зайли билан Украинадан шимолга келиб қолдик.

Бир кун навбахорда қисмимизнинг солдатлари концерт кўрган ўрмон ёқасида тўплашилди. Ҳеч нуқталаганда мен шу ерда Степан Филатовни кўриб қолдим. Яқинда ундан милтиқ олиб, кўлига скрипка берилган экан.

У гағсинг эди. Мени кўриши билан кўзи жиқди ёшга тўлди. Эски дўстини кўриб скрипкачининг кўнгли бузилдинини, асаби бузилганимнинг ёки севган қизи бевафалик қилдинини? Ахир у севгилсининг хати билан Ватутиннинг мактубини нўқрақ чўнтағида олиб юрарди-ку.

— Степа, сенга нима бўлди?—

— Ватутин ҳалок бўлди... генерал Ватутин...

(охири 13-бетда)

ОДАМЛАР ВА РАҚАМЛАР

Н. Ҳақимов

Зулайхо

Юлдузнинг кўксига юлдузча қадаб мактабга жўна-таётган бу қўллар ун йил муқаддам Москвада Олтин Юлдуз медали ва Ленин орденини қабул қилиб олган эди. Ушанда Зулайхога олий мукофот ана шу захмат-каш қўллари мавсумда йиғирма-йиғирма беш тонна «оқ олтин» тергани учун берилган эди. Йиғирма ёшда эди Зулайхо қаҳрамон бўлган йил!

Уша йиллар газета-журнал саҳифаларидан ним та-бассум билан боққан бу моҳирани энди бутун Зараф-шон билади.

Мана шу қўллар Самарқанд қишлоқ хўжалик инсти-тутида китоб varaқлади. Норпойдаги Охунбобоев номли колхозда тажрибага экин ўстирди. Зулайхо институтдан қайтиб агроном бўлди. Тугилиб ўсган қишлоғида меҳ-нат қилди. Колхоз партия ташкилотининг секретари бў-либ ишлади. Кейин ёш коммунистни Норпой район пар-тия комитетининг секретарлигига сайладилар. 1961 йил охирида Охунбобоев номли колхоз аъзолари Зулайхони ўзларига раис қилиб олдилар.

Колхоз анча оқсаб қолган эди. Ҳадеганда олдинга силжиб кетолмади. Бор-йўғи 18,6 центнердан пахта хирмони кўтарилди. Колхозчиларда мўмайроқ пул те-мади. Лекин бундан ҳеч ким ўксимади. Зулайхонинг ҳа-ракати аъзоларда яхши умид тугдириб турарди. Негаки у раис бўлиб сайланган биринчи кундан оқ дала ишла-рини тўла механизациялаш йўлини тутди. Бусиз даро-мадни ошириб бўлмаслигини Зулайхо Норқулова бил-ларди. Пахтачилик бригадаларига механизаторлар бош-чилик қилиши, кўпчилик звено бошлиқлари механизаторлардан танланиши керак эди. Шундай қилди ҳам. Натижа ёмон бўлмади. Механизатор бригада, звено бошлиқлари ерни ҳайдаш-у чигит экишдан тортиб ҳо-

силни йиғиштириб олишгача ҳамма ишларни ўзлари эпладилар. Бунда ишнинг сифатини назорат қилишга, ортиқча харажатни камайтир деб «панд-насиҳат» қи-лишга ҳожат қолмади. Ишларнинг сифатли бажарили-шидан, харажатнинг камайишидан энг аввало бригадир, звено бошлиқларининг ўзлари манфаатдор эдилар.

Бунинг фойда-зарари тез орада кўринди-қолди: 1965 йилга келиб ҳосилдорлик 29,7 центнерга етди. Уч йил бурун колхоз бор-йўғи 18,6 центнердан хирмон кўтар-ганди. Даромад қарийб икки баравар кўнади.

Зулайхо меҳнатнинг қимматини ошириш ҳақида кўп уринди. Натижаси ёмон бўлмади: колхозчилар 1962 йилдагидан уч баравар кўп ҳақ ола бошладилар.

Бу, албатта, ёш раиснинг табдиркорлиги, ишнинг кўзини билиши, ҳақ гамини егани, ҳисоб-китобни тўғ-ри йўлга қўйиб, хўжаликни оқилона бошқарганининг дастлабки мукофоти эди.

Суянг пахтазорда қотган қаҳрамонни бу ютуқлар ҳали қаноатлантира олмади. Эл-юрт ишончини ҳалол меҳнати билан оқлашга ўранган Зулайхо янги марра-ларни кўзларди. Келаси йили пахта ҳосилдорлиги яна 2,2 центнер ортди. Етиштирилган «оқ олтин»нинг ярми-дан озроғи машиналарда териб олинди.

Зулайхонинг ташвиши кўп. Фақат пахта етиштири-нинг ўзи билангина иш битмаслигини яхши тушунади. У раис бўлгандан бери олти ярм гектар ерда янги туз-зор барпо қилинди. Бултур колхоз пиллачиликда район-да энг юқори кўрсаткичга эришди; ҳар қуту қурт уру-ғидан 70 килограмдан пилла топширди. Чорвачилик ҳам хўжаликнинг сердаромад тармоғига айлана бош-лади.

Пахта ҳосилдорлигининг ортиши, бошқа тармоқлар-нинг сердаромад бўлиши меҳнаткашларнинг фаровон турмушида ўз ифодасини топиши керак, албатта. Режа-лар муттасил ошириб бажарилаверса-у, колхозчилар-нинг аҳволи ҳадеганда яхшиланмаса — бу раҳбарнинг ношуд, нўноқлигини, ишнинг кўзини билмаслигини кўр-сатади. Зулайхо бу тоифа раислардан эмасди. У колхоз қишлоқларини обод қилишни ҳам фарз, ҳам қарз деб билди. Шунинг учун икки-уч йилдаёқ колхозда болалар боғчаси, қишки клуб, ҳаммом, ёзги кинотеатр бинолари қад кўтарди, қишлоқ йўллари бамисоли ойнадек.

Зулайхо сидқидил меҳнат қилмади, колхоз иши деб вақтин, билим-маҳоратини асло аямайди. Бу унинг обрўсига обрў қўйди. Колхозчиларнинг ўттиз ёшли «онахони» Самарқанд область партия ташкилотидан КПСС XXIII съездида вакила қилиб юборилди. Зулайхо бу улуг анжуман ҳайъатида ўтирди.

(Боши 6-бетда)

миш. Ҳамма бойларни ўлдириб, мол-дунёсини камбағалларга олиб берармиш, — деди

Шариф қўрага етгунча шундай шеър тўқиди:

...Севимли мушкулосоним, улуг йўлбошчи Ленин, кел,
Юрагим, танга дармоним, улуг йўлбошчи Ленин, кел.
Сўраб ҳоли паршоним улуг йўлбошчи Ленин, кел.
Сени кўрсам йўқ армоним, улуг йўлбошчи Ленин, кел...

Шу оқшом Шариф шеърни бошқа хизматкорларга ҳам ай-тиб берди. Эртаси бозор куни эди. Бойнинг ҳовлисида қичиб, кўчадан уяларига ўтиб бораётганда, маичт айвонда ўтиришган бир неча кишини кўриб, эгилиб салом берди. Шунда Махсуми Дағал қўли билан имлаб қолди. Яқин бориб, ўрталаридаги тар-вузни кўрди ва «Менга ҳам тарвуз берар экан-да», деб ўйлади. Пойгадқа тиз чўқди.

— Шарифча, «Ленин» деган шеър тўқибсан. Айтиб бер, — деди Очил Тўпчибоши. Шариф бир четда ўтирган тоғасига қа-раб ранги оқариб кетганини кўрди. Махсуми Дағал:

— Бу жуда ростгўй бола, айтди. Менинг талабам, — деди. Шариф соддалик билан айтиб берди.

— Балли! — деди Тўпчибоши. — Қани манга яқин кел. Шариф эгилиб унинг ёнига борган эди, у зардўзи этиги бил-ан боланинг кўкрагига тешиб юборди. Шарифнинг боши ай-ланди йиқилди. Тўпчибоши ириб туриб уни текилай кетди. Самад Махсум унинг оёғига йиқилди.

— Тақсир, тавба қилди. Иккинчи мартаба бундай номаъ-қулчиликни қилмайди...

Ҳолиқбой ҳам келиб қолди, орага тушиб, Шарифни қўт-қарди.

Махсум ўсмирни уйига кўтариб келтирди. Унинг икки қо-вирғаси ва оёғи синган эди. Лўли шикастабанд келиб тузатди.

Шариф қирқ кун деганда ўрнидан турди. Ҳовузи Чордарага боришни истаб тоғасини сўради. Самад Махсум келмайдиган бўлиб кетганини билди...

Шариф бойнинг уйига борди.

— Энди сан чўпонлик қилолмайсан, — деди Ҳолиқбой. — Санинг манга керагинг йўқ. Улимдан қўтқариб қолдим. Шу-нинг учун ўлгунигча манинг ҳақинга дуо қилишнинг керак.

Икки ойдан кейин онаси вафот этди.

Боғдан ёлғиз қолган Шариф чўлоқланиб, дарахзорда кеза бошладди. Шафтоли тағига ўтириб, бир вақтлар ўзи хуш кўрган шеърни эслади:

Тўқ даяқдан кўвардинг, ўс бемалол, ниҳолчам,
Тағларингни юмшатай, топгин камол, ниҳолчам...

Шунда боғ Шарифнинг кўзига жуда иссиқ, яқин, ҳамдард кўришиб кетди. Шариф дарахга суяниб ўйлади: «Буллар ўл-майди. Булар хиёнатин билмайди. Булар алдамайди... Буларни угриллаб ҳам бўлмайди, сотиб ҳам бўлмайди... Булар мени ур-майди, мени ардоқлайди. Менинг борим шулар»...

Эллик йил ўтди. Шариф Нурхон ҳозир Бухоро областидаги Бухоро райони, «Ленин йўли» колхозида донг таратган боғбон. У, уч миллиондан ортиқ кўчат ўстирди... Утмишда ўзи эгалик қилган бойликларидан икки нарсаси: камтарлик ва олийжаноблик ўзида қолди. Шеър эса унга йўлдош бўлди.

Унинг ҳозир энг хуш кўрган, аҳтимол отаси ҳам маъқул кўриши мумкин бўлган шеъри мана бу:

Васият шу: кўзим юрсам, ёронлар, тутмангиз мотам,
Қазинг қабрим мазорин эл босиб ўтувчи ёғидан.
Кўриб қабримни ошнолар дусунлар бу эди боғбон,
Гул ҳидлаб мева еганмиз гелистон бирда боғидан...
Сизга хизматни оз қилган Шарифийман, кечиринг деб,
Лабим тўпроқлари ўлар қадронлар оёғидан.

Зулайхо Норқулова партия съезидан катта режалар билан қайтди.

— Биринчи вазифа шуки,— дейди раиса,— ҳосилнинг камида 90 процентини машинада териб олсак, қўл меҳнати ҳам, пахтанинг таннари ҳам камайди. Бу — мингнинг сўм қўшимча даромад деган сўз.

Колхознинг истиқболи катта. Бу илғор ҳўжаликни моҳир қўллар бошқармоқда.

Рақамлар таронаси

Зарафишоннинг икки зар кокили — Оқдарё билан Қорадарё ораллигидаги қўм-қўк водийда Иштихон ерлари жойлашган. «Халқобод» — шу районнинг энг йирик ҳўжалиги. Бу колхоз йигирма олти қишлоқни бирлаштирган. Сафоҳўжа ўша обод қишлоқларнинг бири.

Улуғ Ватан урушидан илгари илк бор Сафоҳўжадан Исоқ Муҳаммадийёров билан Жунайдулла Зубайдуллаев Самарқандга ўқига кетиб, педагогика билим юртида таълим олди. Исоқ урушнинг бошларидаёқ ҳалок бўлди. Жунайдулла бўлса ҳозир «Халқобод» колхозни партия ташкилотининг секретари.

Бир маҳаллар Иштихондан Самарқандга ўқигача жўнаганларга ҳажга бораётган одамдай ҳайратланиб қарашарди. Бугун Сафоҳўжанинг ўнлаб йигит-қизлари Тошкент, Андижон, Москва, Ленинград шаҳарларидаги билим маконларида таълим олмоқдалар. Шундай бўлса-да ҳеч кимнинг оғзини «Вожаби!» деган ҳайратомуз хитобни эшитмайсан, киши.

Бугун шу кичкина бир қишлоқдан чиққан мутахассисларни кўп жойларда учратишингиз мумкин. Қаламкаш Ибодхон Баҳодирова, жарроҳ Пирмуҳаммад Саидмуродов, иқтисодчи Шоди Раҳмоновни Иштихонда ҳамма танийди.

Бир маҳаллар бу яқин-атрофда темирчию табиб, мисгар ё машиноққа хизирга йўлиққандай қараларди. Мана энди Халқободнинг ўз шиқорлари, зоотехниклари, чет тилларда дарс берадиган муаллимлари бор.

Инқилобдан илгари Сафоҳўжа қишлоғида бор-йўғи беш-олти кишигина ўқий-ёзишни биларди, энди саводсиз одамни қидириб ҳам тополмайсиз.

«Халқобод» колхозининг бошқа қишлоқлари ҳақида ҳам шу гапларни айтиши мумкин.

Колхоз таърифини қилмай қўя қолай: еттита мактаб, қўша-қўша кутубхона, ҳар хонадонда радиокарнай,

Ильич чироғи, телевизор, газ ёқоқлар меҳнаткашларнинг қандай яшаётганлигидан сувоҳлик бера олади.

Колхознинг янги Халқобод генколекси шаҳардан фарқ қилмайди. Ҳаммом, охинона, озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, чойхона, икки қаватлик маданий-маиший комбинат, меҳмонхона, қишки ва ёзги клублар, коммутатор, радиоюзел, интернат-мактаб, икки қаватли болалар комбинати, бахт уйи, туғруқхона... — қишлоқдаги маданий-маиший муассасаларни санаб тугатиши қийин. Бунга қўшимча: маданият саройи ҳам қурилаётганини айтсаммикин.

Дарвоқе, йўллар... Бир вақтлар, одамларни ҳолдан тойдирган ва аламига чидамай «йўл азоби — ёғир азоби» деган мақолни тўқитган йўллардан ном-нишон қолмаган энди. Кейинги йилларда колхознинг етмиш чақирим йўлга асфальт ётқизилди. Ҳамма бригадаларга телефон симлари тортиляпти.

Колхоз раиси Мурод Жўраев иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиши учун диссертация тайёрлади. У ўз илмий ишини бўлинмас фондлардан оқилнона фойдаланиши масаласига бағишлаган.

— Қишлоқларимизда олти минг киши истиқомат қилади,— дейди Муроджон.— Уч минг гектар суғориладиган еримиз бор. Шундан 2400 гектари — пахтазор. 150 гектари бог-бўстон. Ички ҳўжалик ҳисобига ўтдик. Пул даромадимиз уч йил орасида икки баравардан зиёд ўсди, сарфланган ҳар бир сўм пулимиз икки сўм бўлиб қайтмоқда. Шу давр мобайнида ҳар бир колхозчининг ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда 40 сўмдан 100 сўмга, ҳар бир иш кунининг қиймати 1 сўм-у 13 тийиндан 4 сўмга кўтарилди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига етиштирилган пахта эса 3 тоннадан 5 тоннага етди. Ҳосилдорлик 7,5 центнер ошди. Плана қўшимча етиштирилган маҳсулотдан келган даромаднинг ярми ва тежаланг маблағнинг етмиш фойизи колхозчиларга мукофот тариқасида тақсимлаб берилляпти. Бундан ташқари, мавсумий қийинчиликларга ҳамда ишнинг сифатида қараб ўн процентдан йигирма беш процентгача қўшимча ҳақ тўланапти. Масалан, Зоир Даминов бригадаси аэзоларининг ҳар бири ойига ўрта ҳисобда 120 сўмдан маъш олган бўлсалар, шундан 40 сўми меҳнат унумдорлигини оширгани, маҳсулот таннарини камайтиргани учун берилди.

Хуллас, раис билан нуқул одамлар-у рақамлар хусусида суҳбатлашдик. Бунақа сerratкам суҳбат қуруқ чиқади дейишарди. Бироқ мен бунни сезмадим, чунки Мурод Жўраев бу рақамларга жило берарди шекилли, менга ажойиб-ғаройиб бўлиб эшитиларди. Мен бу рақамлардан илҳомбахш меҳнат таронасини тинлардим.

ОНА

3

У ҳозир штабдан келибди: Штабдагилар бу қайғули хабарни яқинда олишибди.

Концерт қолдирилди. Биз иссиқ ертўлада ўтириб, ўтган ишларни эсга олдик. Стёпа чўнтағидан Ватутиннинг харфлари ўчиб, гижим бўлиб кетган мантибунни олди.

«Уртоқ Филатов, онами кўрганнингиз тўғрисида ёзган мантибунингиз учун Сизга жуда катта раҳмат!...»

Стёпа мантибунни авайлаб тахлади-да, тиззасига қўйди. Кўзини қисиб, рўпарасидаги деворга паршонхўл боқди ва башарасини ўғирмай шивирлади:

— Онаси эсингдами?..

Орадан бир зум ўтар-ўтмас скрипкасини қўлга олди. У юрандан чиқариб чалди, мен умрим бино бўлиб бундай ҳазин куйни эшитманман.

Орадан бир неча йил ўтди. Уруш тугади. Вайрон қилинган шаҳарлар тикланиб, эски яраларнинг ўрни битди. Оналарнинг кўзларидан ёш ариди. Урушнинг дастлабки йилларидаги болалар ота, қизалоқлар она бўлишди. Ер-кўни чақалоқларнинг «инга-ингасию» кўнги-роқден кулгуси тутиб кетди.

Совет Украинаси барпо этилганининг ўттиз йиллиги нишонланмоқда эди. Бу тантанали байрамга — Киев шаҳрига мамлакатнинг ҳар томонидан меҳмон чақирилди.

Ҳар бир байрамнинг нўхояси бор. Шаҳар четига, фусункор Днепрнинг бўйидаги баланд тепалинда ҳар бир украин номини эъозлаб тилга оладиган одамга ўрнатилган ҳайналнинг тантанали очилиш маросими бўлиши керак эди. Соҳилдаги ларика чор атрофдан тинмай одамлар келарди.

Меҳмонларга йўл беришди-ю, биз ҳали устидан оқ чойшаб олинмаган ҳайнал олдига келдик. Тумонат одам бу азиз жойни ўраб турарди.

Чойшаб олиб ташланди-ю, тошга битилган сиймо жамол нўрсатди. Ҳамма бараварига шапкасини олди. Орага улуғвор сунуқат чўмди. Кейин бирдан одамлар орасида шивир-шивир эшитилди. Бу говур тобора кучайиб, ҳаяжонга тўлган минглаб одамлар устида қанот

қоқди: «Онасини олиб келишди! Онаси келди...»

Ҳайнал олдида кўйларини кўсида чалиштирганча она турар ва ўғлига термулар эди. У ҳамон ўша-ўша увоқ, башараси серанин, кўзлари кичкина, тўғилиб ўсган қишлоғида кўрганнимиздек кийимида, дехонча тор этикда эди...

Оломон беаён бугдойзордек чайқалиб кетди. Ҳар бир одамнинг яқинроқ нелгуси, саркарданинг онасига меҳр билан боққиси келарди. Унинг кичкина кўзларининг қорачиги кенгайди, гезаранг лаблари қимирлаб алланарса деб пичирлади. Унинг нима деганини ҳеч ним эшитмади.

Она ўғлининг тошда нақш этилган сиймоси ва унинг қалиб билан унсиз сўзлашмоқда эди. Онанинг чеҳрасидаги биронта томир қилт этмади, гўё икки ҳайнал — она-бала юзма-юз тургандек, асрлар буйи шу тариқа безавол турадигандек кўринарди.

Шу денабар куйни қаттиқ совуқ бўлишига қарамай, ҳаяжонланиб кетган одамлар шапкаларини кийишга шошилишмасди...

Орадан ўн йил ўтди. Бироқ назаримда ҳа-нузгача қахрамон ўғлининг ҳайнали олдида онанинг сўнмас сиймоси тургандек.

Мирзиёв МИРЗОҲИДОВ
таржимаси.



Абдулла Қодирий оиласи билан. Чапдан ўнгга. Раҳбаройи — аёли (тизаси да қўзи Аниса), Адиба — қизи, Жосият биби — онаси, А. Қодирийнинг ўзи, Масъуд — угли, Назифа — қизи, Ҳабибулла — угли.

АДИБ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР

Дадам Абдулла Қодирий ўрта бўй, кенг елка, қора таял эди. Унинг юзи тўғаракка мойил, узун тим қора сочлари сийлиқ таралган; кенг пешана, қора яси қош, кичикрок, жозибали қора кўзлари ҳамшира узоқни кўргандек, бурун қанотлари бир оз керилган, қисқа қора мўйловли, лаблари юпқа-қалин оралигида, пастки жағи сезилмас кенг-сизик, ияги чўққидан келган эди. Сўл юзи билан иягининг ўнг томонидан уч тийинлик чақадек билинар-билинимас ямоқ, яра изи бор; юз, пешана ва бурун устларига сийрак бўлса-да, қора сепкил доғлари кўринар; ўнг қулоғида эса, «зийрак тақши учун» бўлса керак, чақалоқликда тешилган тешик ўрин бор эди. Мен ёшлиқда дадамдан сўрадим:

— Дада, нега қулоғингиз тешилган, сиз ойна эмасиз-ку?..
Дадам бир турли ранж оҳангида Жосият бибимга ишора қилиб дерди:

— Ана, онангдан (бибимни «она» дердик) сўра-чи, нега қулоғини тешиб мени кули қилди экан?!

Бибим Ўзбек оймага ўхшаш табиатли эмасми, айбани сира бўйинга олишни билмас, аксинча, баланд веларди:

— Нега тешмайин! Дадангиз ўн уч болаин ерга қўйиб топганмай, қулоғини ердан тешиб олганман, — дерди ва ўқиниб қўярди: — Агар ҳамма болаларим турганда, бир маҳалла бўлар эди...

Бу томондан қаралса, бибим шундай ирим-чиримлар қилишга ҳақлидай эди. Бибим ўн беш фарзанд кўрган. Шундан тўнчики — Раҳимберди амаким билан дадам ўртасида ўн уч бола нобуд бўлган. Ниҳоят, дадам ва Қудратилла (ичкик) амакиларига туршиган. Раҳимберди амаким дадамдан ўн беш ёш катта эди.

Дадам умуман европача кийинарди. Лекин қора ёки мош ранг бахмал дўшписини, қиш кезларида эса узун беқасам ёки чит тўнни, совсар теллак, маҳси-қалонини киймас эди. Ойим: «Пальтоингизни киймайсизми?» деса, «сиқилиб кетаман» дерди...

У ёлғиз чоқларда ҳамшира ўйчан, гўё зўр бир ташвини бордай, қайғу чеккандай, хаёл сургандай кўринар эди. Даданинг бу сиймо-сифатларига Ойбек домланинг қуйидаги хотирасини ҳам кўшсак, Қодирий тўғрисидаги тасаввуримиз янада тўлиқроқ, аниқроқ бўлур, дейман:

«Абдулла Қодирий ўрта бўйли ва миқтидан келган, доимо тўн ва бахмал дўшпи кийиб юрадиган, кўринишдан деҳқонларга ўхшаган, тим қора кўзлари кичик, ўткир, шўхчан, синовчан боқувчи, гоҳо эса худди ўзи билан банд бўлгандай бепарво кўринар эди.

Қодирий қалби бутун ва ўзига хос равишдаги шахс эди. Сиртдан қараганда босиқ, камгал кўринар, чунки у ҳар бир сўзини тарозига солиб кўрар, оғзинга келган ҳар бир сўзини айтивермас, секин ва худди ўзига ҳалал бераётгандек ёқинқирамай гап бошларди. Ў ақлий меҳнат кишиларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнатга ўч киши эди».

Дадам кўча-кўйда аста ёлғиз борса қўлларини орқадан енглари ичига тиқиб оларди-да, тўн учларини шалвиратиб, бошини ўнг томонга мойил ҳам тутиб, кўзларини ердаги бир нуқтага тиккан ҳолда ўйланиб кетаверарди. Мен эзмаланиб:

— Нега ерга қараб юрасиз-а, дада? — сўрадим...
— Пул қидираман... — деб куларди, сўнг жиддий

тус оларди, — ҳар кимга тикилиб юриш дуруст эмас. Еш-яланг, очилган аёллар уялиши, танишлар гапга тутиши, вақтни олиши мумкин...

У юрганда, чамаси, бирон ижодий хаёл билан борар, йўлдаги учрашувлар унга ҳалал берар эди. Шундан бўлса керак, у доим авлоқ йўллардан юрар, сайр этар эди. Масалан, боғимиздан Чорсуга тушмоқчи бўлса, кенг, текис, тош йўл «Самарқанд дарвоза» кўчасидан юрмай, «Ўтган кунлар»да тасвирланган паст-баланд, жар-жилгаллик «Чақар», «Сузук ота», «Чуқур қишлоқ», «Эски номозгоҳ» маҳаллалари орқали бозорга борар эди. Бу йўллар ўзининг табиий манзараси, тарихийлиги билан ҳам дадамга илҳом бахш этса керак-да...

Дадам трамвайга ҳам сийрак тушарди, узундан-узоқ масофаларни қадамлаб босарди. Албатта даданинг бу одати менга ёқмасди, бундай чоқларда унга хамроҳ бўлишдан безанглардим...

— Чорсу бозорига пиёда тушиш-ку энди майли; бу ёқларда трамвай, машина йўқ... Аммо, трамвайни қўйиб, Янги шаҳарга пиёда юришингиз нима жазо, дада?! — дердим ранжиб.

— Қўйвер, ўрганиш-да, — кулиб қўярди дадам, — сенга ўхшаш ҳар кун қатнармиди; оёқинг чигили ёзилди, тикчилиқда ҳар кимга суйкалиб юргандан кўра...

Дадамнинг оила ва кишилар билан муомаласи ҳам турли чоқда турлича. Ижод чоғида у жуда жиддий, асабий, одамий бўларди. Бундай чоқларда унга ҳалал бермасликка тиришар, койишидан кўриқиб аста оёқ босар эди. Агар зарурат туғилиб, фикрини бўлишга тўғри келса, дарҳол у жавоб қилмас, қаршисиданини куттириб бош кўтарар эди:

— Нима дединг?
Сўз тақорлангач, у «ҳа» ё «йўқ» деб қисқа жавоб бериб, яна ишига — фикрига берилар эди. Ташқи кишиларни эса мумкин қадар қабул қилмасликка тиришар эди.

Баъзан, гарчи дадам: «Мени сўраб келувчиларга, адам йўқлар, дегин!» деб пишиқлаб қўйган бўлса ҳам, мен эшик тақиллатиб келувчининг: «Дадангиз бормилар?» саволига, шонин «ҳа, борлар» деб кўйар эдим... Дадам келувчини кузатгач, мени койир эди:

— Сенга айтмабидим, йўқлар дегин, деб?!

Бундай кезларда, агар даданинг кайфи дурустлигини сезсам, бўш келмас эдим:

— Ўзингиз, ёлғон сўзлашга ўрганма, дейсиз-ку... Бор оданин йўқ дейишга тидим бормади-да... — дердим ва даданим қулдириб юборар эдим.

Албатта даданинг юқоридан жиддий, қатъий ҳолатлари иш-ижодга берилган кезларда вақт ва фикрни қизгангандан бўлар эди. Ижоддан йироқлашиб дам олган чоқларда эса у бутунлай бошқача: оилада, дўстлар орасида бўлмасин, жуда хуш таъб, серкулик, ҳазилманд бўлар эди.

У ижодиётга асосан қиш кезларидагина қаттиқ ўтирар, мутгаеил ишлаб, жуда баракали иш қилар эди. Ез ойларига эса, бирор зарурат туғилмаса, қўлга қалам олмас; боғ ишларига қараш, деҳқончилик қилиш, дам олиш, саёҳатга чикиш, дўстлар мулоқотида бўлиш, улфатчилик қилиш, янги асарга режалар тузиш, материаллар тўпала билан шуғулланар эди. Даданинг ёзда бундай «ишбўлма» бўлиб олиш сабабини қуйидаги ҳангамадан пайқаш мумкин.

Дадам Чўлпон билан дўст, ҳазилманд, бир-бирларини «сен» деб аташар эди. Чўлпон бизникка тез-тез келар, ётиб ҳам кетар эди. Бир гал улфатчиликда дадам муносабати келиб, дейди:

— Мен ёзда ёза олмайман. Иссиқдан бошим «қайнаб» кетади...

Чўлпон дадамга «ёла» дейди:
— Менинг қишда ҳам, ёзда ҳам ёлғим келаверди... Ҳатто, зарурат чоғида ҳам...

— Ҳа-а — дейди кулиб дадам, — шунинг учун экан-да, баъзан ёлғанларингдан ёмон ҳол келди...

1930 йилгача бизнинг иккита жойимиз бўларди. Бир «Эшонгузар» маҳалласида — «шаҳар ҳовлимиз», иккинчиси «Самарқанд дарвоза» мавзусида — «боғимиз» деб атардик. Шаҳар ҳовлимиз бирор таноб катталигида бўлиб, иккинга бўлинган эди. Бир қисмида Раҳимберди ва Қудратилла амакиларим туршиар, иккинчи қисмида биз яшар эдик. Аммо, кўча эшигимиз бир эди.

Боғимиз эса уч ярим таноб, шаҳар ҳовлимиз билан оралиги икки-икки ярим чакрими масофа эди. Боғимизнинг бир қиммати шундаки, у, Тошкентнинг тарихий ўн икки дарвозасидан бири бўлган «Самарқанд дарвозаси» яқинига жойлаш; еримизнинг даярли этак қисмидан собиқ шаҳар кўрғови ўтар эди. Бу кўрғон «Ўтган кунлар» романида яхши тасвирланган.

Боғимизнинг иккинчи чиройи шундаки, у текис ерда эмас; терак бўйи чуқурликдан оқувчи Чақар ариғи ва Бўз сувларининг қўшилиш ерида, жар-

жилгалар бўйида; шунинг учун манзараси гўзал, томоша қилса бахри-дил очилдиган, ҳордиқ чиқарадиган жойдир.

Апрель ойидан кунлар илиб, шаҳар ҳовлимиз гўё торлқ қила бошларди. Қиши билан зикланиб чиққан кўнгиб аллақандай қитиқланиб кенгликка, далага томон ошқча бошларди. Бир неча ойлаб кунт ўтирган дадам ҳам ёзишни сусайтириб аста бор ишлари ҳаракатига тушар, кетмон дастасига қора кўмгони илиб елкага қўярди-да, рўмонга нон, қант тутиб боққа қатнай бошлар эди. Мен ҳам кўпичча унга ҳамроҳ...

У вақтларда бор кўпчилар қишлоьда қолмас, ҳаммалари шаҳарга кўчиб тушишар эди. Шунинг учун биз чиққанда тор кўчалар, боғлар ҳувуллаб ётар, аммо, ўт-улан ва меза гулларига беланган бор бўлбуллар навоси, чумчуқ ва яна аллақандай кушлар садоси, ариқ сувининг майин шалдираши, ҳовуз бақаларининг тинимсиз, ҳатто, қўлоқларим битирувчи сайроғи билан тўлгандай, тошгандай туюларди.

Воғда иш жуда қайнарди. Ҳовуз лабидаги поя толларни кесиб, бутанг, сикланг, чириб қолган иш-комларни бўзиб, ўринга янги поя қдаш, эгиб иш-ком қилиш, тоқларин очиб, бардиларин йиғиштириб бир чеккага гарам қилиш, ариқ қазиб, ер чопиб экнига жой ҳозирлаш, уйнинг бузилган-ёрилган ерларини тузатиш, суванг, ҳовли юзини ўт-хаслардан тозаллаб кўчиб чиқнига ҳозирлаш, тол нўстлойдан чипта қилиб ток соларга тайёргарлик кўриш ва ҳоказо...

Албатта бу ишларда амакиларим ҳам биргалашиб турарди... Мен у вақтларда ёшимаз; қилар ишим: кўйини тўлдириб довулча териб; турли гул, кўнжориши йиғиш, шаҳардан олиб чиққан варрагимни учирши ва «ажина кафш» тўкиш бўларди. «Ажина кафш» нима, дерсиз? Бу тинчан ўтдан бармоқча ўраб тўқилган кичкина «кафш»ча. Биз болалар бу «кафш»чани ўт ичига қўйиб кетилса, кечас «ажиналар келиб» кияди ва бизга пул ташлаб кетади, деб ўйлардик... Аммо, афсуски, «кафш»имизни ажиналар сира олиб кетмас; биз бўлсак тўқимизни қўймас эдик. Баъзан дадам иш қила туриб, ўт орасида ўтирган мейдан сўраб қўярди:

- Нима қилгансан, Ҳабибулла?
- Ажинага кафш тўқияман.
- Пул ташлаб кетганими?..
- Йўқ, — дердим хўрсиниб.
- Нега ташламайдикни, а?

Мен нима дейишни билмай жим қолардим.

— Тўқилган «кафш»ларинг ажиналарга ёқмас керак ёки оёнига тўғри келмас керак-да. Бўлмаса албатта ташлаб кетарди...

Мен дадамнинг ҳазилига чиндан ишонардим. Жинлар оёғининг катта-кичиқлигини дадамдан сўрагим келар эди-ку, лекин, унинг «эзама бўлма!» деб койиб беришидан чўчирдим-да...

Дадам, амакиларим ишлаб-ишлаб чарчашгач, тепа лабидан қазилган ўчоқчага қора кўмгони илиб чой қайнатиб турарди ва меза қилиб ичиб дам олишарди. (Аммо, мен чой ичишдан нонни сувга оқизок қилиб ейишни аъло кўрардим...) Баъзан эса, боғларини ишлагани келган кўшнлар «ҳорма-бор бў!» қилиб чиқиб турарди-да, биргалашиб чой ичишар, қизгин суҳбат кўришар эди.

Бу «ҳорма-бор бў!»чилардан иккитаси айниқса мени қизиқтирар, тўғриси бир оз қўрқувга солар эди. Улар ака-ука, бир-бирларига ўхшаш, қон-қора, мош-гуруч соч-соқоли, эллик-олтмиш ёшли кишилар бўлиб, бириниси Абдулла мағзум, иккинчисини Ҳамро мағзум деб аташарди. Буларнинг на хотин-бала-чақаси, на уруғ-аймоғи бор; биздан икки бор нарида, Бўзасув лабида, тепадан ўйиб ясалган ғорда яшар эдилар. Қандай даҳшат, бўри-тулкилар уяси бўлган авлоқ жойда қишин-ёзини ғорда яшаи!

Икковлари ҳам дадамга дўш; қиши билан соғинишганиданми, боққа борганимиз билан ҳол сўрагани ичишар, баъзан дадамни ўз уйларига чойга таклиф этишар эди. «Ўйларни қоқ ер — қора шип ертўла, ҳатто эшикисиз... Билмадим, эллик-олтмиш йил умрларини қоронғи бу ғорда қандай ўтказишни экан... Дадам чой ичиб уларни тинглаб ўтирар эди. Ҳамро мағзум, ҳатто суҳбат чоғи ҳам, осмонда бирор зағча кўриб қолса:

— Қозоқча-қув! — деб қақириб қўярди.

Дадамнинг айтишича, Ҳамро мағзум бир вақтлар бир зағча боққан, отини «Қозоқча-қув» қўйган. Ўрганган зағча бир кун узиди-да, бадар кетади... Шу-шу, у зағча, меники эмасмикни, деб қақириб қўяди...

Абдулла мағзум шинаванда, босиқ, бамаян киши эди. У сўзлаб-сўзлаб:

— Ана шу ерларнинг ҳаммаси бизники бўлган, мулла Абдулла, ноинсофлар тегирмон, хумдон курман деб олиб қўйишган. Ўзимиз ертўлада ўтиб борамиз, — деб қўярди.

Айтишларича уларнинг келиб чиқиши қўллардан. Оталари хонлар замонида қайсидаир Тошкент беги-

нинг қули бўлган. Руслар келиб қўлчилик бекор қилинган, мазкур бек ўзининг содиқ қўлини озод этади ва ана шу жар-жилғали ерларни унга инъом қилади. Қулдан икки фарзанд — Абдулла ҳам Ҳамро мағзумлар қолади ва ерлар буларга мерос ўтади. Бироқ, ҳужжатсизликданми ёки бўлса ҳам йўқотганиданми, баҳарқол, кейинроқ, мазкур ерларга бошқа кишилар эга чиқади. Еш, бўш-баёв мағзумлар эса кичкина жойда, назардан йироқда, кимсасиз, ғариб-фақирликда, ҳатто, «қул фарзанди» бўлганлари учун уйланилмай ўтадилар...

Бу юқоридagi кичкина тарих дадамнинг ўсиб-унган, ўраб олган мухитидан бир лаъча. Лаъҳани эслаб баъзан шундай хаёлларга толаман: гўё, «Ўтган кунлар»даги олижаноб Юсуфбек ҳожи ўз қули Ҳасаналини озод қилгану ерининг бир қисмини ҳам унга инъом этган. Ҳасаналидан эса мазкур икки фарзанд — мағзумлар қолган... Демак, Юсуфбек ҳожи-лар бизга боғ қўшми... иккинчи ёқдан, дадамнинг (гарчи қулиб бўлса-да) «Кумуш Эскижува (хотин-қизлар клуби ўрнидаги қабристонга дафн этилган... дейишидан гўё шаҳар қўшини ҳам бўлган эканларда... Чунки, у вақтларда бизнинг ҳовли Эскижувада бўлган...

Албатта бу менинг шахсан хаёлим, тасаввурим. Эҳтимол рояндаги ҳолатлар, қаҳрамонлар сира ҳам мен ўхшатгандай эмасдир. Аммо, муаллиф, асардаги воқеа, шахс ва ўринларга шу қадар яқиндан ҳаётки қараган, ўйлаганки, у ўз яшаган мухитидан, маҳалласидан йироққа изланиб чиқмаган; ҳамма керакли нарсани ўз атрофидан, уйдан топган... (Албатта, асардаги воқеалар йироқни ўрганишни тақозо этмаса). Масалан, Ўзбек ойининг «Косият биёямга, Нигор ойининг Раҳбар ойинга, Кумуш биёининг Ойкумуш омам (Раҳимберди амакининг тўнчи қизига) характер ва ташқи сифат жиҳатларидан жуда ўхшаш кетишлари...

Табиий, ёзувчи у чоқларда, хотин-қизлар характерини ўз уйдан ташқаринда чандон ўргана олмас ҳам эди. Чунки, улар у вақтларда паранжиди, ич-карида эдилар...

Бор юмушларидан «тоқсолар» иши майда ва возик ҳисобланади. Ҳни бир киши қила олмайди; камиди икки-уч киши керак бўлади. Бириси («Кенжорак» иш билармонроғи) тоқнинг пуштасида туриб ток қўндоқларини ечиб бир-бирига аймашиб, чирмашиб кетган мўрт шўраларни аста-авайлаб синдирилай ажратиб ёзиб, ишком устига расаматлаб олиб қўйиб туриши; икки киши эса икки ёқ ишком ичиди туриб, қўйилган ток новда-шўраларни бағазларга боғлаб бориши керак. Бу иш борбонга жуда «алам»лик: битта шўра синса, бир бош узум кетди, дейилерин... «Тоқсолар» чоғида бутун оиламиз билан боққа «кўчиб» чиқардик, ҳашар қилардик. Бундай ҳашар чоқларда дадам жуда асабий, сержаҳл бўларди. Чунки, биз, унинг олиб бериб турган шўраларини эҳтиётсиз пала-партиш боғлаб кўпичча синдириб қўяр эдик...

Аммо, иш шунчалик майда, зерикари бўлса-да, ҳашарнинг ўзинга хос гапни бор. Аҳамиятига бирор вазифа юкланган, бекор ўтириш йўқ... Иш қила-қила чарчагач, ўтлар орасига ёнбошлаб пешинлик қиламиз. Ойим бўлса қизик бир «таом» тайёрларди: у, ариқдаги шилдираб оқиб турган мусофир сувдан бир сопол товоқан тўлдириб оларди-да, устига ёвойи шиб баргларида, бир-иккита қуритилган қизил гармдоридан майдалаб тўғрар ва туз қўшар эди. Бунинг оти «аччиқ-чучук»... Нон ботириб ейсизу «ху-ув!» деб кетаверасиз. Биз бу хушхўр «таом»ни талашиб ер, кўпичча шаҳардан келтирган ноимиз этишмай қолар эди...

Кечқурун ғира-шира чоқларда ҳорғин, локин юрак тўла ҳиссиёт, шаҳарга қайтамиз... Боғдан шаҳар ҳовлимизга уч тур йўл бор. Аммо, масофа жиҳатдан энг яқини «Жин кўча». У номи билан қўрқинчли, кенглиги қариб бир қулоч, эгри-бурғи, ҳатто баъзи ўринларда майдондан ҳам ошпади, теварағи кимсасиз, бўм-бўш ҳувуллаган боғлар. Айниқса қоронғида юриш... Дадам, ҳар гал, юрагимга даҳшат солиб, ана шу «жин кўча»дан йўл бошларди...

«Хавф-хатарли» бу кўчадан аста ортда борарканман, дадамнинг «Жинлар базми» ҳикоясини (балки ўқигандирсиз?) беихтиёр эслаймам. Чунки, худди ўша Қодир бобом ҳикоя қилган воғда поля-ток ишлаб ва ўша «жинларга йўлққан» боғ-майдонлардан тунда ўтиб борардик-да... Аста мен сўрадим:

— Дада, Қодир бобомлар ана шу ерда жинларга йўлққанмилар?..

Дадам, менинг бундай тўғри ҳис-тасаввурларимдан балки ичда ажабланарди. Аммо, ўсмоқчилаб аста сўраб қўяр эди:

— Нега бундай ўйлайсан?..

— Билмадим... ишқилиб, шу «Жин кўча»дан юрсам, ўша «Жинлар базми» ёдимга тушади-да...

Дадам индамай қоларди-да:

— Жин, бўлмаган гап, — деб қўярди...

ХАБИБУЛЛА
ҚОДИРИЙ

БОЛАЛАР
ОТАЛАР
ҲАКИДА



Саъдулла Кароматов

Шақшақ ХОНИМ

Хикоя



Миргани Улугбеович ташқарига чиқди. Катта кўчани несиб ўтиб, ўнг томондаги йўлгага бурилди. Кўчада одам сыйранлашиб юлган. Атрофда тиқ этган товуш йўқ. Оёғи остидаги хазонларнинг чирсиллаши ҳам юрагига сизмади. Тўхтаб соатига қаради. Ун бирдан ошибди. Ҳаво айнипти. Дуруной билан бўладиган тўн-нашувни ўйлаб, баттар асабийлашди.

* * *

Дуруной қирқ ёшлар чамасидаги жуссадоргина аёл. Гапирганда бўйни хиёб олдинга чўзилиб, кўзлари қисила бошлаша, жазаваси тутгани шу. Бундай кезларда унинг башараси ҳам аллақандай кўринчли тусга кириб, ҳаммаша қора қалам суртиб юрадиган ингичка қошларининг бир учини кенг пешанасининг яримгача кўтарилди. Ана шу дамда унга яқинлашмаган маънуд. Қай кунги қизи Турғуной дадасига ён босиб, балага қолди. Дуруной қайноқ чойнани даст кўтарди-ю, дуч келган томонга иргитиб, бобиллай нетди.

Бугун ҳам Турсуной дугоналарининг таъна-сидан уялиб, онасига тўшунтиришга ҳаракат қилди.

— Ойижон, ўртоқларимдан уялланман. Унақа қаттиқ гапириб, ҳадеб, уришаверманг, жон охи, хўпми?

Дуруной бошда қизига ўқрайиб қараб индамади. Бирпас туриб наша қилди шекилли, қизининг тепасига парларондай учиб борди. Лаби пириллайди-ю, овоз ўлгур чиқмади. Узини ўнглаб олгандан кейин бошланди томоша.

— Сен ҳали кучун боласан, билдингми? Менга ақл ўргатадиган бўлдингми, а? Е даданг гап ўргатаптими? Бўйинг етиб қолди. Эрта-индин бировнинг этагини ушлаганда шунақа феъл-атворинг билан латта бўлиб ўтирсанг, кун кўролмайсан, балага йўлиққур. Эрикан дегани гаҳ деганда нафтинга кўнадиган қилломасанг, унақа турмушга вой. Мана мени ол. Синфдошларимдан кўпи олий маълумотли бўламан деб, милларини эритишди, бири врач, бири муаллим, яна бири инженер бўлиб опти. Хўш, нима қилти? Қай кунги Замирани кўриб азбарой раҳмин келгандан йилгазорибман. Озиб чўп бўпти. На мунча? десам, иш, болачақа дейди. «Же кўйдирги чиқсин ишингга», дедиму аммо ичимдан ачиндим. «Эрингни қовур, ҳол-жонига қўйма, захар сочиб тур, ишдан кеч қайтдими, айюханнос сол, сўз берма», дедим. Қарасам, ранги оқариб, мен билан уришиб кетяпти. Ҳой, дегунимча йўқ, хайрлашмай жўнаб қолди. Хе сендақа инженердан ўргилди!.. Етгини битирдим уйда ўтириб дўппи тиндим. Пул билан ўйнардим. Мана, хо-зирам бир уйнинг эрига бекаси бўлиб ўтирибман. Емоний! Олти унча шамалоқдай ясаглиқ. Сандигим тўла қат-қат бисот.

— Ахир ойижон, ҳаёт пул, буюм билан улчанмайди-ку! Одамлар кўпчиликка бирор фойда тегсин деб ишлайди-да.

— Бўлди, алкирайвермай, бас қил. Узингни бил, ўзгани қўй!

Кўчага қараган деразанингни сенин тиқиллаши она-боланингни суҳбатни бўлди.

Дуруной деразага қараб бир хўмрайди-ю, хурпайиб:

— Бор, эшикни оч, келди.— деди. Ленин қизи ўрта эшикка етмасдан тўхтади.— Шошма, яшшамагур уйга киргунчаам чидамайди-ганга ўхшайман, ўзим чиқаман.

Ёмгир болги шаҳтидан анча қайтган. Аммо ҳаливери тинадиганга ўншамасди. Дуруной ёмгир томчиларидан сескангандай налтагина бўйини баттар ичига тортиб, дарвозага яқинлашди.

— Ким?!— деди жаҳл билан ва жавоб кутмасдан вағг этиб ёнди.— Келардингиз-да! Енингизда жарақ-жарақ пул, маншатиңизни қилиб юравермайсиңми?

Миргани Улугбеович бундай муқаддима зарбага йўл-йўланай узини тайёрлаб келгани учун индамай ичнарига кирди. Энди бир қандай қўйган эди, хотини тўхтади:

— Ие, қаёққа бойвачча! Эшинки ёпишгаям қўлингиз етмай қолдими?

— Хотин бошим билан эриклар ишини қилверибам, адою тамом бўлдим! Энди орқангиздан эшиниңиям ёпайми?!— шундай дедю жаҳл билан уй томон юрди.— Ҳаҳ, шўргинам

курсин мани. Бахти қаро бўлмасам, натта бир хонадоннинг бекаси, топармон-тутармон бир эриканнинг эриқаси бўлиб ўтирмасидим. Отамнинг юзига оёқ қўйиб, раҳматлиқ ойимнинг жаврашига қўлоқ солмай, сизга тегаримди! Кимлар олмасди мани. Кимми қарасам мани галим. «Вой шўрлигей, оёдай юзини адо этиб, шу эрикан билан дунёдан ўтиб кетяпти-я, кош-ки у эр ўлгуртам эрикларга ўхшаб беш-олти бўлмай уйига қелақолса, ҳамма бир уйқун олганда келиб, тағин одамларни безовта қилиб жанжалам қилармиш» дегани деган.

— Ахир, ҳамманинг гапига қўлоқ солаверасизми, Дуруной. Мен фақат бугун кеч қолдим! Шогирдим диссертация ёллаган эди, уч-тўрт нишига дастурхон ёзган эман, шунга бордим. Ҳалим ўтиришпти. Мен секин нела қолдим.

Миргани Улугбеович шу сўзларни ийманибгина айтиб уйга кирди. Аммо Дурунойнинг жиги энди очилди:

— Бир кун шогирдим, бир кун мажлис, бир кун иш, яна бир кун меҳмон келди дейсиз, кўчадан бери келмайсиз.

— Ёлгон гапириб нима қиласиз? Бу яқин орада энди кеч қолдим!

— Вой-вой, ҳали ёлгончиам бўлдимми? Шўрим курсин, шўргинам курсин. Эрим нелари деб, соат ўн икки бўлсам, икки уйқудан қолиб ухламай ўтирсаму, ёлгончи деб мени ҳақорат қиласизми? Вой-дод пешанам ўлсин...

Дуруной овоз чиқариб йиғлай бошлади. Бу ҳам етмагандай коридор эшигини очиб қўйди. Миргани Улугбеович унинг орқасидан чиқиб, эшикни ёпаётган эди, қўли хотинининг тирсагига тегиб нетди. Дуруной эшикни оёғи билан бир тепиб ҳовлининг ўртасига тушиб олиб бақира бошлади:

— Мусулмонлеер, бормисилеер! Жаллотти қўлидан мани кўтқариб олинглеер?! Вой қўлем, вой қўлем!?!

— Дуруной, уйга кириңг, номусга ўлдирдингиз-ку одамни! Қўни-қўшниллар нима дейди?!

— Вой-дод, манга яқинлашма, жаллот! Қўни-қўшниллар сани нимлигингни яхши билади. Вой!

Миргани Улугбеович уйга кирди. Бурчанка ўтириб пиқ-пиқ йиғлаётган қизининг бошини силади:

— Хафа бўлма, қизим, тинчиб қолар... Кучи оғзида қолди.

Учиб кирган Дуруной қизининг қўлидан бир силтаб, ичнари уйга киритди, сўнгра овозини янаям бандароқ кўтарди:

— Номард, энди қизини мендан айитиб, гап ўргатпасми? Ҳа, гапир, гапир дейман!! Шу хунаринг қолганмиди! Ман сани одам қаторига кўшгизда, энди найраң қиялпасми, номард! Шошмай тур, маньям арз-родимини эшитадиган идора бордир, ахир! Қачонгача лахта қон ютиб эзилламан. Сани дастиндан баданларимга эзема тошипти, қанг-қанг йўталиб, бошимни кўтаролмайман. Йўқ, шармандгини чиқармангунча қўймайман, ҳа, биллиб қўй шуни...

Миргани Улугбеович ортиқ чидай олмади. У ҳовлига тушди. Хотинининг шангиллаган овози ёмгирнинг шитирлашига жўр бўлиб юрагини баттар сиқди. Кўчага чиқди. Асфальт ялтирайди. Дарвоза устидаги чироқнинг ёришра ёруғида ёмгир зарралари мажж урарди. У беихтиёр шунга тиқилиб қолди. Сўнгра катта кўчага қиқиб тўғрига қараб юрди. Тонг ёриши олдидан уйга қайтди. Киравериндаги яқинда солиingan уйга кирди. Стулга омонатгина ўтириб бирпасгина мизгиб олди.

Соат тўққизга ўн беш минут қолганда ишхонасига келиб, кабинетини очди. Боши ганг. Қўлоғи остида ари ни қўйгандай. Стол тортамсини очиб, қоғозларини олди. Кўзи ҳарфлар устида жимирлай бошлади. Қўлини чамбаран қилиб, бош қўйди, шу зайилда қанча ухлаганини билмайди. Ҳақимовнинг овозидан чўчиб тушди.

— Ҳа, Миргани, кечаги ярим рюмка оғирлик қилдими?

Миргани гапиршга ҳам ҳоли йўқлигиндан: — Йўқ, ўзим... сал бош оғрияпти,— деб қўя қолди.

Валижон, унинг кетидан аспирант Каримов хонага киришди. Валижон натта папкисини стол устига қўйиб, Миргани Улугбеовичга мурожаат қилди:

— Ҳа, неча нуён бўп қопси-да, оғайни. Бу қандоғ бўлди.

— Бир оз тобим келишмади.

— Ҳимм. Валижон истеҳзо билан куйиб қўйиб, энди гапиршга оғиз ростлаган эди, телефоннинг жиринглаши уни тўхташиб қўйди. Трубкани Миргани Улуғбекович кўтарди.

— Алло...

Миргани Улуғбековичнинг ранги қув оқариб, гапиролмай қолди. Трубкани қўлдан ташлаб, стол устига қўйди. Шанғиллаган овоз хонага барала эшитилиб турарди:

— Ҳа, бойзаоча! Бошқаларга нозик қилиб «аллоооо» дейишга тилингиз бор-а! Шу ширин тилини уйга, бола-чақага қилинг. Уйим-жойим денг. Устихонларим шпир-шпир этиб оғрийдилар, бошимни кўтаролмайман, юрагим қиндан чиқаялпти. Қилгиленини қилдингиз. Менга тез дўхтур жўнатинг, бойзаоча. Дардимга қариндош-уруғлар-чм ҳам куйиб юрмасин. Дўхтурини жўнатингу бугундан эътиборан уйимга қадам босманг, билдингизми, бойзаоча! Келсангизам дод соламан, кемасангизам...

Миргани Улуғбекович трубкани жаҳд билан илди-ю, хонадан чиқиб кетди.

...Орадан икки кун ўтди. Секретарь қиз келиб Миргани Улуғбековични директор ҳузурига таклиф этди.

Миргани Улуғбекович директор хонасига кириб, бир ченадаги стулга бориб ўтирди. Директор гапни узондан бошлади:

— Миргани Улуғбекович, илмий ишингиз юзасидан чақирган эдим. Сизнинг қобилиятингизга ҳаммамиз қўйил қолганмиз, илмий мулоҳазаларингиз кўпчилигининг диққатига сазовор. Булар ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Мана, бу ерда сиз ишлаётган бўлим бошлиғи ўртоқ Ҳанимов, институтнинг илмий нотиби, партия ташкилотининг секретари Вали Азимовлар ўтиришпти. Орани очиб қилиб олсан...

Миргани Улуғбекович бундай кескин гапни раҳбар оғзидан биринчи бор эшитаятгани учун алланечук бўлиб кетди-ю, ўзини босди.

— Докторлик диссертациянгнингизнинг халқ хўжалиги учун аҳамияти жуда катта,— дея сўзини давом эттирди директор.— Мана, тема-магнзининг номи ҳам бунни яққол кўрсатиб турпти.— Директор қорозга қараб ўқийди:— «Жанубий Урта Осиё тузлари геологияси ва минералогияси ҳақида уларнинг халқ хўжалигида тўтган ўрни».— У қорозни бир чеккага суриб қўйиб, Ҳанимовга қаради.

— Тўғри, бунни ўзи ҳам яхши билади,— дея босиб овозда сўз бошлади профессор.— Аммо негадир иш ҳақиқатанам чўзиялпти. Беш йил бўлди. Ушанда диссертация муҳоама қилинган, айрим тузатишлар, аниқлиқлар киритилгач, ёқланиши керак эди. Билмадим, нега бунча чўзилди.

Ҳанимов Мирганига бир қараб олгач, ётиги билан давом этди.

— Манимча, ишингиз бунчалик чўзилиб кетишига Кўлоб районидagi тузларнинг пайдо бўлган даври сабаб бўлган бўлса керак. Миргани Улуғбекович уларни тўртламчи даврда пайдо бўлган деб ўқиради. Биз кўпчилик геологлар эса тўртламчи даврда ҳосил бўлган тузлар ичиде албатта натрий сульфат тузлари бўлиши шарт дейимиз. Аммо кўлоб суви ичиде бу йўқ. Шунинг учун ҳам Кўлоб районидagi туз конлари тўртламчи даврда эмас, юра даврида ҳосил бўлган дейимиз. Бу гапга жон бору, Миргани Улуғбекович эътироф этишга журъат этолмаляпти шекилли.

Сўзга аралашмай ўтирган Вали Азимов кўлай фурсатдан фойдаланиб қолди.

— Ужарлик,— деди киноя билан.

Ҳанимов энди сўз бошлаётган эди, Вали Азимов унга гал бермай фикрини давом эттирди:

— Ҳа, ҳа ужарлик. Шу ужарлик туфайли оилада ҳам тинчлик йўқ.

Ҳанимов ялт этиб Мирганига қараган эди, у бошини эгди. Бу ҳолини кўрган Валижон баланд келди:

— Бўлмаса, хотинингиз ёрган мана бу шикоятни нима деб тушуноғиз беркан?— у ёнидан икки буклоглиқ қорозни чиқарди.

Миргани Улуғбекович беихтиёр қўлини чўзган эди, Валижон силтаб ташлади:

— Йўқ, Миргани Улуғбекович! Бунни партбюрода ўзимиз ўқиб эшиттирмайми! Уйлайманки, эртагача чидай оларсиз.

Орага жимлик чўнди. Кутилмаган бу ходисадан Миргани Улуғбекович дийнса гапигиб қолди. У ўрнидан туриб, рухсатини дегандай директорга қаради. Директор ҳам ишора билан унга жавоб бера туриб, бошқаларга муноаат қилди:

— Яхши, бўлмаса, қолган гапни эртага партбюрода ҳал қилармиз.

...Партбюро йиғилишида Валижон яна ҳам дадиллашиб олган эди. У нечаги шикоятномани баланд овоз билан ўқиб бўлгач тушунтирди:

— Биз шикоят юзасидан текшириш ўтказдик. Миргани Улуғбековичнинг умр йўлдоши билан бақамти ўтириб, гаплагани олдик. Ҳамма гап аён. Қўлоб, ичкиликбоз, уйига кеч қайтади. Ҳатто икки кунлаб келмаган пайтлари ҳам бўлган, қўни-қўшинларига тинчлик бермайди. Хўш, ўзингиз нима дейсиз, Миргани Улуғбекович?

Миргани индамай ўтирар, тўғриси гапиршига эҳтиёж ҳам сезмади. «Уйингдан илон чиқса, кўчиб кутиласан!» деб уйларида у аччиқ киноя билан.— Хотининг илон бўлса қаёққа қочасан. Нима ҳам қила олардинг...»

— Менда бир савол бор,— деб сўзини давом эттирди Валижон.— Айтингчи, Миргани Улуғбекович, сиз кейинги ойларида хотинингизнинг маданий савиясини ошириш учун қандай китобларни олиб бориб бердингиз?

Миргани Улуғбекович жавоб бермади.

— Яна бир савол,— деди Валижон.— Хотинингиз билан бирга газета ўқийсизми?

Бу саволга ҳам рад жавоби олгач, у узоқ маъруза айтиб, Миргани Улуғбековични федаллинда айблади. Яна аллақанча айбномаларни санаб ўтиб, диссертация ишини атайин чўзиб юрибди,— деди. Утирганларга бир разм солгач, сўзини давом эттирди.— Бундай одам институт учун нолойиб, биз унинг партилда қилиш қолмаслигини ҳам ҳал этмоғимиз даркор. Совет хотин-қизларига зуғум ўтказувчи бундай шахсларни, уйлайманки, насбдошларимиз ҳам қоралашар. Чунки ҳаммамиз сиёсий етук кишиларимиз.

Валижон голибона назар билан партбюро аъзоларига бир-бир қараб олиб, кейинги нотиққа сўз берди. Яна икки ниши гапирди. Уларнинг гапи мумжал бўлиб, биттаси Валижоннинг фикрига қўшиламан деди-ю, сўзини калта қилди. Утирганлар бир-бирига қаради-ю, лекин фикр айтишга журъат этолмади. Профессор Ҳақиқовнинг жон куйдириб айтган сўзлари ҳам кор қилмади.

Директор сўз олди. У Миргани Улуғбекович хизматларини ҳисобга олиш зарурлигини айтиб, ҳайфсан билан партия сафида қолдирилсин, аммо ишда қилиш-қолмаслигини маъмурий йўл билан ҳал қилиш керак, деб ўтирди.

Вали Азимов аниқ йўлланма олгандай бўлди. Урниндан ғоз туриб, партбюрога янун асди:

— Демак, масъала ойдин: таклиф битта. Ҳайфсан билан партия сафида қолдирилсин. Ишда қилиш-қолмаслигини маъмурий йўл билан ҳал қилинсин. Бошқа таклиф йўқми? Овозга қўлман. Кимда-ким шу таклифга қўшиламан деса, кўл кўтарсин.

Биринчи бўлиб Валижоннинг ўзи кўл кўтарди. Директор телефонда гапираятган эди, икки ниши нима қиларини билмай, гоҳ директорга, гоҳ Валижонга қараб жовдираб қолди. Йўқ, ҳар тугул директор телефондаги суҳбатдоши билан хайрлашиб, кўл кўтарди-ю, ҳалиги икки ўртоқ ҳам хижолатдан кутулди.

Бюродан кейин Миргани Улуғбекович ўз хонасига кириб, қорозларини папкасига солаётганда, Ҳанимов кириб келди. У хомуш бош чайқарди. Мирганининг олдида келиб тўхтади. Миргани Улуғбекович ўзини тўхтатолмади:

— Биласизми, домла, хотиним айтган гаплар тўғри эмас.

— Биламан, Миргани. Аммо на чора! Уларнинг гапига кўпроқ эътибор берилмапти. Валики бу вақтинчалиқдир. Ким билади дейсан...

— Домла, ахир бунақада гуноҳсиз одамни майиб қилиб қўйишди-ку!

Ҳанимов аниқ бир жавоб қайтаролмаслигига ақли етиб, гапни бошқа ёққа бурди.

— Не, кўй, хафа бўлма. Энди нима қилмоқчисан?

— Кечаги гапнингизни ўйлаб кўрдим. Кўлоб районидagi туз конларининг ҳосил бўлган даври ҳақида чинданам янглишяётганга ўхшайман. Уша ёққа бориб бирор йил ишламоқчиман. Ундан кейин билмадим...

Ҳанимов унинг сўзини оғзидан олди.

— Ундан кейин докторлик диссертациянгни ёқлайсан, келин бола билан ўзим яраштириб кўяман, хўпми? Оқ йўл, Миргани, ишинг ўнгиндан келсин.

Миргани Улуғбекович устозининг бағрига отилди. Кўзларидан ёш ҳалқаланарди...



Ёзувчи балоғати

Болалар насрининг отахон адибларидан кири Ҳақим Назир эллика кири. Ҳазилкаш дўстлари уни Деҳқонбой деб сўздилар. Бу хазилнинг рости ҳам бор. Ҳақим Назир адабиётининг деҳқонидай эканини ўндириб келаятган адиб, деҳқонлар тилини, дилини биладиган ва уларнинг ҳаётини яхши талқин қилган очеркчи, ҳикоянавис, замонавий мавзюлар қўғнини очатган адабиёт кетмончилиридан биридир. «Кўк-орол чироқлари»ни ёққан, қишлоқдаги «Жияндари»ни эъзолаган бобо деҳқондир.

Эллик йиллигида Ҳақимжоннинг адабий деҳқончилигига ривож тилайди, эканини ўндириб, тикканини кўкартириб, очеркдан қисса, қиссадан роман хирмони кўтаршини истаймиз!

Дунай мавжлари

Қардош Венгер халқининг Улуғ фарзанди, оташнафас инқилобчи, озодлик ва мустақиллик учун кураш қаҳрамони Шандор Петегфининг «Янош Ботир» деган аjoyиб эртақ-достони бор.

Достода Янош подачининг севгилисига етишни орузида олам кезиб чеккан машаққати, саргузаштлари, орзу йўлидаги қаҳрамонликлари ҳикоя қилинади.


Минг азоб, минг ўлимни енгиб она юртига қайтади... Аммо...

Янош орузига етишмайди. Музлар ўлкасида ҳамма нарса жонсиз, қотиб ётади...

Лекин Шандор Петегфи бу ёрқин кунларимизга ишонар эди. Шу ишонч, шу туйғу уни юксалтирган, оламга номини ёйди.

Дунай билан Аму дарёси кўшиги ҳамоҳанг, Бугун бахтни бирга қўйлайди бу икки асим дарё. Тожкент билан Будапешт кўш турган чинордек олам узра юксалган.

Бугун қардош Венгер халқининг адабиёт ва санъат ахиллари Ўзбекистонимиз кўчогига ташриф буюрган экан, «Салом сенга Шандор! Сенинг Яношнинг бизнинг Алломиш билан қуқоқ очиб дийдор қўришиди «деймиз».



ЕР ВА ОДАМЛАР



Тошбақа ва кучат...
Мозор ва ҳаёт...
Чўл сайёҳлари сафари тамом бўлди. Энди бу ер
боғлар шовуллайди гўзалар яшнайди!

Халқ орасида шундай гап бор: «Момикдан юмшоқроқ нима бор дунёда? — Она юраги. Тошдан қаттигроқ нима бор дунёда? — Она юраги». Ер тўғрисида ҳам шундоғ деса бўлади.

Одам боласи қаёққа интилмасин, қаёққа бормасин, қанчалик оқис жойга кетмасин, барибир, момикдэк юмшоқ, томдек қаттиқ ер, бир кафт азиз тупроқ унга ҳамини муътабар, азиз. Бу шундай бир заминки, Инсон унга узр ҳаёт баҳшида этган уни эъзозлаб яшнатган, узр жон берган ерда ияқ ҳосил кўтарган, шу ерга куч-қувватгина сарфлаб қолмай, унга латофат ҳам совға этган.

Мен ўн беш йил муқаддам Мирзачўлда биринчи дафъа бўлган эдим. Июль ойида борганим боғидек эсимда. Кўз олдимизда жиганайи чиққан ер ёниб ётарди: на бир туп дарахт, на тангадек соя! Боядан буён чўли маликка лард-хасрат билан боқаётган ўртоғим Аҳмаджон бирдан таттириб қолди.

— Биласанми, дўстим, чўлдан ниманинг иси келяпти?

— Ниманинг иси?

— Ноннинг иси келяпти...

Менинг ҳайрон бўлганимни фаҳмлади: шекилли, гапида давом этди:

— Қачон шу чўлни кўрсам, онам ширин нон, мулча ёпиб берадиган тандирни эслаймаи. Бу чўл ҳам бамисоли тандир. Биз шундоқ қилганимизки, бу чўл — тандир дастурхонимизни безайдиган бўлади.

Мен унга қараб турдим-да бирдан Аҳмаджоннинг бақувват, забардаст, қадок қўлларини, кафтидаги тарам-тарам чиққиларни кўрдим. Унинг қаттақон кафтидаги чиққилар бизнинг олдимизда ястайиб ётган бепоён ернинг пешанасидаги ажинларга ўхшарди. Шунда менинг ҳам димоғимга йесик пен иси урилгандек бўлди. Чунки бу ер рус печида ёпилган ноннинг синиб пилган қирмочидек кўринарди. Онам оламда ҳамманикидан ширин таттидиган нон ёшандиги эсимга тушиб кетди. Ушанда билдимки, Аҳмаджон билан мен ўртоққича эмас, дўст ҳам эканмиз, оғанини ҳам эканмиз. Нега десангиз, худди тандирдек ёниётган мана шу чўлда икковимиз ҳам нон ҳилити сездик.

Яна шундай бир воқеа эсимда бор. Бепоён тақирда тошбақалар ўрмалаб юрарди. Улар ўрмаларди-ю ҳаракати сезилмасди, уларнинг қадами шунчалик секин эди.

— Биласанми, тошбақалар қаёққа борапти? — тағин сўради Аҳмаджон.

— Қаёққа?

— Сув деб борапти. Юз йилдан бери ўрмалайди, тағин юз йил боради, ўшанда ҳам тақирнинг чоракам бир қисмича йўт босади, қолос.

Қачонлардир бу ерларда боғлар яшнаб турган, гўза гуллаган, бугдой бошоқлари денгиздек тўлқинланган, яхшилик ҳарчилари — лайлақлар банд дарахтларга уя кўйган. Ҳамма ўз иши билан машғул бўлган. Тошбақаларгина офтобда исёнлиб, ҳеч иш қилмасдан бекор ётаверган. Кимдир қалта-уйлик қилиб, уларга сувга қараб туриш, дебди. Тошбақаларга сувнинг кераги бўлмаган, шунинг учун ҳам тошбақалар ариқларда сув камайиб кетаётганидан ташвиш торлмаган.

— Улкамизни суғораётган улуғ дарё соҳилига бориб келинглар. Нега сув камчил бўлиб қолди, билиб келинглар. Ҳамма иш билан банд, сиз, тошбақаларгина бўшсиз, — дейишибди соҳибвор дехқонлар.

Мана, ушанда буён тошбақалар юргани-юрган, яна юз йил юради, ундан ҳам кўпроқ юради. Сув деб юради.

Бу бир афсона, қолос. Халқимиз юрагидаги минг-минглаб афсоналардан бири бу.

Халқда хикоя қилиб берган яхши-ю, уни кўрсатган тағин ҳам сўз деган гап бор.

Мана, бизнинг ўша она еримиз — Мирзачўл. Бу ердан нон иси келяпти. Сахий кузақда далалар қаҳ-қаҳ уради. Пахта гарамлари қад кўтарарди. Ер нозилмағларини Инсонга инъонга этади. Бу ер — одамларники. Бу ерга таъзим!

В. СВАРИЧЕВСКИЙ фоторепортажи.

НОН


ЗАРВАРАҚДА КЎРИБ ТУР-
ГАНИНГИЗ НОНЛАРНИ РЕС-
ПУБЛИКАМИЗНИНГ ТУРЛИ
ШАҲАРЛАРИДА ҲАЛИ ҲАМ
БОР НОДИР УСТАЛАРНИ ТО-
ПИБ. „ГУЛИСТОН“ УЧУН
АТАЙ ЁПДИРИБ КЕЛДИК.

1. Нони Тароқ, устаси—Аб-
дурахмон Неъматов (Шаҳри-
сабз).
2. Оби жим-жима, устаси—
Ғуломжон Жўраев (Тошкент).
3. Сутлик патир, устаси—
Бибижон Жўраева (Тошкент).
4. Пўлотий нон, устаси—
Ҳазраткул Эгамов (Самар-
қанд).
5. Ёғлиқ патир, устаси—
Ҳикматхон Исмоилова (Тош-
кент).
6. Тафтон, устаси—Эргаш
Тўраев (Шаҳрисабз).
7. Савготий нон, устала-
ри—Саодат ва Раҳим Мардо-
новлар (Самарқанд).
8. Осиёби нон, устаси—
Хадича биби Хурсанова (Са-
марқанд).
9. Қўшалоқ кулча (шир-
мой), устаси—Ғуломжон Жў-
раев (Тошкент).
10. Сохта (ширмой), уста-
си—Абдуллажон Ҳалимов
(Наманган).
11. Оби хол олча гули (шир-
мой), усталари—Ғуломжон
Жўраев ва Бибижон Жўраева
(Тошкент).
12. Уй нони, устаси—Ка-
роматхон Юсупова (Андижон).
13. Забони гав (ширмой),
устаси—Фозил Камолов (Ки-
тоб).
14. Чал-чап, устаси—Саттор
Йўлдошев (Қўқон).
15. Пайванд (ширмой), у-
стаси—Ҳошим Қодиров (Мар-
ғилон).
16. Ширмой кулча, устаси—
Мамадали Аҳмадалиев (Фар-
ғона).
17. Гижда, устаси—Мамат-
хон Соқиев (Андижон).



- ◆ Нон ўн беш минг ёшда...
- ◆ Нондек азиз бўлинг...
- ◆ Бўрсилдоқ ноннинг лаззатига
не етсин...
- ◆ Тандирий нон—парҳез
таом...
- ◆ Нонвой меҳнати—жоннинг
роҳати...






*Мирзачўлда сув демак —
рангба-ранг гул, боғ-бўстон,
қувонч, ҳаёт демакдир.*



*Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти кувядиган
бу ер, бу ташна тупроқ асрлар мобайнида
куйиб-ёниб, ҳансираб, жизганак бўлиб ётди.
Бахил дарё сувидан оқалли бир пиёла, ҳеч
бўлмаса бир қултим узатмади. Совет кишиси
дарёнинг томоғидан хиппа бўғиб, чўлга сув*

*етақлаб келди. Мирзачўл эндиликда маъмур-
чилик ўлкаси, Ўзбекистонимизнинг иккинчи
ғўзал Фарғонасига айланяпти. Мирзачўлнинг
сийнаси — «оқ олтин» ҳазинаси дейилади ян-
ги замон деҳқонлари тўқиган мақолда.*



ЕР ВА ОДАМЛАР

Техника «жанг»га тайёр!




Пешанамни йилтиратган

Чўл шамоли, ёр-ёр.

Юрагимни зирқиратган

Ёр жамоли, ёр-ёр.

Чўлда ҳам шеъринг шинавандаси кўп...



Сенинг киндик қонинг шу ерда тўкилган. Сен Мирзачўл фарзандисан. Шу она ерда ухла, ором ол!



— Сув келди. Ҳаёт дарёси ўз елкасида қувонч, нур олиб келди. Ернинггина эмас, одамларнинг ҳам чанқоғи қонади.



Асрлар мобайнида халқуми қуриб ётган ер ҳаёт сувига қониб, сабзалардан либос киймоқда. Эндиликда Мирзачўл Ўзбекистонимизнинг иккинчи гўзал Фарғонасига айланмоқда. Деҳқонлар: «Мирзачўлнинг сийнаси, — оқ олтин хазинаси» деб бекорга айтмайдилар. Мирзачўлнинг чанқоғини қондирган Улуғ мироб, Мирзачўлни гулистон қилган Улуғ боғбон — Владимир Ильич Ленинга раҳмат!



«...БҮРСИЛДОҚҚИНА ПИШ-
ГАН БУҒДОИ НОННИ СИНДИ-
РИБ ЕЙИЛАЕТГАНДА, МАНА
ШУ МАҲСУЛОТ ИНСОНИЯТ
ДОНОЛИГИНИНГ БУЮК КАШ-
ФИЕТЛАРИДАН БИРИ ЭКАН-
ЛИГИ ҲАММАНИНГ ҲАМ ЭСИ-
ГА КЕЛАВЕРМАЙДИ».

К. А. ТИМИРЯЗЕВ.



Бизда одамнинг ҳар тонги «нонушта» билан бошланади. Икки ёнинг тақдир иллари ула-нишида ҳам нон ушатилади. Тўйларимиз бош-ланадиган кунининг номи ҳам «нон едиз» деб аталади. Одатга кўра, узоқ сафарга, жан-жедалга жўнатилаётган йиғида яхши ният билан бутун патирни бир тиллатиб олинади. Боболаримиз йўлга чиққанда ҳамроҳ бўлсин деб белларига нон боғлаб юришган. Нон шун-дай улуг ва азиз. Унинг бир ушогини ерда кўрган одам отдан тушади, авайлаб олиб ча-гини пуфлайди ва кўзига суртиб, баланд жой-га қистириб кетади. Чунки нон — одамнинг тоза қони, тирикчилик насибаси. Одам нон билан тирик. Ҳеч нарса, энг ширин, энг қим-матли таом ҳам ноннинг ўрнини босолмайди, ҳеч нарса қонга нон шартбичлик қувват бўла олмайди. У ҳеч вақт меъдага тегмайди, киши авзои уни доимо тўсаб туради ва нон-дан хамиша ярайди. Шунинг учун одам уни доимо азиз қилади, ўз жонидай билади. Бас, шундай эди, нонимизнинг номи аломини бил-иб кўймоғимиз фарз ва қарз.

Нон — машаққатли меҳнат самараси. Нонни одамнинг ақли ва меҳнати яратган.

Ўзбек элида нон истеъмол қилиш жуда қад-дим замонларда бошланган. Фарғона водийси-нинг серҳосил ерларидан то Орол денгизи со-ҳилларигача, Термиздан Тошкент тупроғигача бўлган майдон хилма-хил ўсимликларнинг кўҳна ватандир. Аввало бу азиз тупроқ инсон насибасининг мағзи — дон ўсимликларини ет-казиб беради. Машҳур тарихчилимизнинг тадқиқотича, донни озғун сифатида қўлланиш

тарихи узун. Дон-дун озғунини истеъмол қи-лиш бундан 15 минг йил муқаддам бошланган бўлса керак деб тахмин қилинади. Чунки ўша даврларда олов кашф этилган бўлиб, бошоқни ўсимликларни пишириб ейишга имкон туғил-ган. Дастававал бошоқ ўзи ейилиб, кейинчалик инчиб ун ва хамир тайёрлаш усуллари топи-ланган.

Нон пишириш ҳам инсоннинг узоқ тажриба-сида юзага чиққан. Хамиртуруш кашф қилин-гунча нонлар «чевати», «қотирма», «кўмач» усулида тайёрланган бўлса эҳтимол. Ерма тош ўша замонда чиққан, унда галла тортил-ган, ун хамир қилиниб қизитилган ҳарсан-ларга ёпиб пиширилган, ёки зувала қилиб кўрға кўмилган; кейинчалик сопол рапидалар орасида олинган хамир ўрага солиниб устидан гулхан ёқиб пиширилган чиқар. Ҳар ҳолда та-рих қазилмалари бунни исботламақда.

Тандир кулликнинг келиб чиқиши, яъни варварликнинг қўйи босқичида пайдо бўлган бўлса эҳтимол.

Тандирни ҳам овқат тайёрланадиган лой идишлар орасида энг ибтидоиси десак бўлади. Аммо тандир асрлар оша деярли ўзгартирил-май бизнинг давримизгача етиб келган.

Хамиртурушнинг кашф қилинган вақтини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди. Бу тасо-дий топилган негмат бўлса керак. Негаки хамиртуруш ачиқиси кўзга кўринмайдиган майда жониворлар бўлганлигидан ибтидоий одамлар уни кўриб-билиб ишлатмаганлар. Эҳ-тимол, сопол тоғарада қолдирилган хамира хамиртуруш жонворининг тушиб қолиши, ха-мирни ошириши, тоғарадан тошириб тушири-ши ибтидоий нонвойни ҳайратга солгандир. Ҳар ҳолда аввало тандир, қолаверса, хамир-туруш, нонга эзгиқоднинг ортиши, нонлар хилининг кўпайишига сабаб бўлган.

Нон тарихини ўрганиб чиқиш катта илмий асар доирасидаги иш. Бу — тарихчи, этнограф олимларимизнинг вазифаси. Ноннинг келиб чиқиш ибтидоисидан гап бошлаганимизни са-баби — 150 асрлик тарихи бўлган насибамиз-нинг ажойиб хиллари унутилиб кетаятганли-гини бир эсга солиш, холос.

Илгари бизда ноннинг неча ўнлаб турлари бўлиб, булардан айримларининг номи халқ орасида сақланиб қолган. Шу нонлардан бир нечасини республика бўйлаб қилган саёхатла-римда ёзиб олганман: Қўшалоқ қулча, Тан-дир чўрак, Як қафа, Зарашон, Хиндўзи, Қаш-қар патир, Қашқар гижда, Нони Тафтон, Но-ни Тафтони ду без, Нони тароқи, Нони Осий-би, Нони Пўлотий, Пилдироқ ширмой, Ёғлик қулча, Чапчап, Жим-жима, Аммит нон, Тўр-пон нон, Хамак, Лочира, Нони Кулободи, Но-ни забони гов, Ширмой патир, Сохта, Седона пайванд, Кунградор, Обихол олма гули, Жизза ва ёғитқўйма қўшиб ёпилган нонлар ва ҳоказо.

Билдиган одамларнинг айтишига қараганда ана шу нонлар гоят лазиз, шифобаҳи, ороми-жон ва жуда чиройли.

Тасаввур учун баъзиларини қисқа изоҳлаб ўтамиз.

ШИРМОЙ ПАТИР — вази уч килограмм, айланаси ярм метр келадиган, хўшбўй, оғиз-да эрийдиган нон. Эўйларда ва уйда азиз маъ-мон келганда дастурхон зийнати бўлган.

КУНГУРАДОР — бу ноннинг юз бегаги Са-марқанд, Бухоро ва Хива минораларининг нақшларини эслатади. Совға-салом учун ёпилган.

ОБИХОЛ ОЛЧА ГУЛИ — ойнада баҳор ча-мани акс этгандек ёғзал кўринида, юзидеги гул тандирда сув севалаш йўли билан чиқари-лади. Кўпинча бемор кўришга борганда олиб борилади.

СЕДОНА ПАЙВАНД — бети қип-қизил, се-пилган седонаси қора хоаларини эслатади. Тўй, байрамларда дастурхон бевази.

Афсуски, ана шу нонларнинг усталарини то-пиш эндиликда жуда қийин масала бўлиб қолди. Бу усталарнинг борлари ҳам бошқа хўнар билан машғул бўлиб кетишган.

Сабаб? Айрим сабаби шунки, хўнарманд нон-войларга бўлган эътибор жойларда пайсабий кетди. Шу соҳага бевосита жавобгар бўлган

ташкilotлар бу ишга аҳамият бермай қўйди-лар.

Юқориди номи аталган нонларнинг айри-ларини баъзи шахарларимизда ҳайтавур топса бўлади. Мисол учун ширмойнинг айрим тур-ларини, гижда ва пайвандни, тафтонни, Пў-лотий ва Осийби нон усталари ҳали бор. Афсуски, маҳаллий ташкilotлар уларни шу касбни равақат топтириша рағбатлантирмай-дилар. Уларга ёпиб сотишга улар милициядан ҳурқадилар. Мана шу ҳол, совет журналисти, В. Песков қаламига ҳам тушди. У Самар-қанднинг 2500 йиллигига бағишланган мақо-ласида Самарқанд нонларини ҳам тилга ола-ди. «Йўл кўрсатувчи мўйсафид билан бошлан-ган саёхатимизни бозорда тунатдик,— дейди у.— Кун кеч бўлагач мен сўрадим:

— Ҳар қалай, Самарқанднинг шўхрати кўп-роқ нима билан машғур?

Мўйсафид йўга толди:

— Нони билан.

Мен буну ҳазил ва «меҳнат кунини» муно-сиб аяқуллашак десан ишора деб қулдим. Бир-роқ, мўйсафид ҳазил қилмаётган эди. Энди мен Самарқанд нони тўғрисида мўйсафиднинг узундан узоқ ҳикоясини такрорлаб ўтиришдан ўзимни тийишми керак.

Ҳақиқатан ҳам Самарқанд нони ҳақидаги ҳикоя «Саёхатнома»га ёзилмаган. Унда: Амир Темирнинг Самарқанд нонвойини сафарига олиб юрканлиги: нон ёпишининг киши ақли бо-вар қилмайдиёюн сирлари борлиги; буюени кунда бозорда хусусий нонвойларни қўлаётган милиционерлар; бу хусусийлар шўхрат қоз-ongan нон сирларини... ҳали-ҳали сақлаб ке-лятганликлари ҳақида афсоналар бор.

Мана биз бозорда туширилган арава-арава қовунлар ёғида турибмиз. Нон синдиридик, уни шамолдан сақланган узум ва олмалар билан еллимиз. Мен бир вақтлар бундан ҳам тоғлироқ нон еб кўрганам борми деб эслаялман. Дар-воқе уни фақат ўрушида еган бўлсам керак. Биз хайраларим эканмиз, «Самарқанддан са-лом!» деб рус ва ўзбек ҳарфлари билан чўғда ёзилган нонни ситиб олдик».

Бу хил нонларни қўллаб ишлаб чиқаришни давлат нонвойхоналари ўз ихтиёрларига ола-са бўлмасмикан? Шунда уста нонвойлар давлат корхоналарига уношарди, ноннинг лозатли хиллари кўпаярди, такрор айтаман, тегишли министрлик ва савдо ташкilotлари бу ишга бўлган эътиборисизликдан қўтулсалар, халқ уларни олқиярди.

Бизда нон масаласи аллақачонлар ҳал қи-линганд, миқдори ҳам кўп, сифати ҳам яхши, ўзинени ва бошқаларнинг бошини қотириб ни-ма қиласан? дейдиган ўртоқлар ҳам бўлади. Аммо бундай ўртоқларга жавоб шунки, ўзбек нонлари қайта тикланса, хил кўпайса бунинг жамоат овқатланишида аҳамияти зўр бўлади.

Нонларимиз тарихида тахминан 30—35 фойиз оқси; 60—70 фойиз шакар моддаси (крахмал) бор. Яна унда В. В., РР белиши дармондор, фосфор, кальций ва темир каби маъдан мод-далари, яна бирмунча фойдали ганиматлар бор. Ҳозирги тайёрланаётган барча турдаги нонлар орасида ўзбекча нонларнинг озғунлик қиммати баланд, мағзи ширин, хўшбўй, кўн-гилга урмайди ва тез ҳазм бўлади. Тандир нонларини биокимёвий жиҳатдан текшириб кўрган олимлар бу хил нонлар таркибида бўлбаларга нисбатан жавҳар кам бўлиб, нор-дон эмаслигини айтишган. Бундай нон еди-лганда жигилдонни қайнатмайди.

Ноннинг яхши пишгани энгил ҳазм бўлади. Кўпчилигидан хамирда пиширилиши жараёнида жуда майда ғовақлар ҳосил бўлади. Тандир-дан узилган ноннинг мағзи галвирка-галвирка бўлади. Намлиги имтроқизил нуллар ва тан-дир деворининг таптида асосан буғлашиб ке-тади. Нон ҳам юмшоқ, ҳам қуп-қуриқ ва эн-гил бўлади. Совидага унинг сифати қоямай-ди, кўза илғамас ғовақлари гоят кўп бўлганли-гидан меъда ажратган ширани ўзига яхши қўйлаб олади, ошқозонга тушган нон парча-ланиб, молекулалари содда таркибий қисмлар-га ажраб кетади. Бу энди икки деворлариди батамом сўрилиб қон ва лимфа суяқлигига қўйилади. Ноннинг хўшбўй ҳўди ва лазиз мазаси ҳали оғизда эканлигидаёқ меъда шира-си қўллаб чиқишга сабаб бўлади. Ноннинг таркибидеги ҳўжайра моддаси ўзи ҳазм бў-ламагани билан нонга қўшиб ёпилган овқатлар-нинг сингиб кетишига ёрдам беради.

Нонларимизнинг исрофланмаслик хусусият-

лари тўғрисида икки оғиз сўз. Сув қочган нонни халқ асло ташлаб юбормайди. Бундай нон наллаб иситилса, асли ҳолига келади. Бурдаланган нонни қовурмага солиб картошка ва ўғит билан дамланса яна овқат. Қотган нон бўлакчаларини шўрвага ботириб есанлар бунинг ҳузурини бир эслашин! Қотиб қолган ноннинг шакарга қоритирилган талқони сўт билан истеъмол этилгандаги шифолигини айтмайсизми!

Патир ва ширмой нонлар ҳатто қотиб қолган бўлса ҳам исроф қилинмайди. Ривоятларга кўра, улўғ Бобир ўз лашкарлари билан шикорга чиққанда доим қотирилган ширмой олиб юришларини буюрган. Ширмой кулчанинг келиб чиқишини ўша даврларга боғлашди. Ширмой кулча ясалиб тандирга тўрт донаси бирлаштирилиб қўйалоқ қилиб ёпилади. Ўртасида тешикчаси бўлади. Ана шу тешикчасидан чилвирга тизиб офтобда қуритиб олинган кулчаларни Бобир аскарлари отларнинг бўйнига боғлаб ёки ўз елкаларига осиб сафарга чиқишар эканлар. Чашмаларга етгач, сувга ботирилган бу кулчалар билқиллаб жуда ейишлик бўлиб қолар экан. Қотган ширмойни сутга ботириб қўйилса яна янгиланар экан. Ойлаб давом этган сафарларда нон сақлашининг бу усули ўша вақтларда ҳарбий ахмиятга ҳам эга бўлган. Қотирилган ширмой ёки патир нонни халқ табиблари ичбуруқ касалига дори сифатида тавсия қилишган. Дарвоқе, буни замонавий шифокорларимиз ҳам инкор этмасалар керак.

Мана шундай хусусиятлари бўлган нонларимизни қайта тиклаш зарур эмасми! Зарур албатта. Чунки биз олий жамият қураймиз. Ушбу жамиятга инсониятнинг ўтмиш даврларида вужудга келтирган барча яхши маданий намуналарини тўпламоғимиз лозим.

Таом тайёрлаш инсоният донолигининг буюк кашфиётларидан бири ва кишилик маданиятининг ажралмас қисmidир. Бизнинг жамиятимизда аҳолининг ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама ва тўла қондириши мақсад қилиб қўйилган экан, нон бу ишда биринчи ўринда туради. Мулоҳазаларимни ниҳоятга етказиб, аҳолини нон билан таъминлаш ишини ўз зиммасига олган ташкилотларга қўйидаги тавсияларни айтиб ўтмоқчи эдим:

Мўтаassis халқ нонвойларини сурштириб топиб, бир жойга тўплаб ўзбекча нонларнинг тақдирини тўғрисида кенгашиб олинса;

ҳар турли широйли нон ёпувчиларнинг мусобақаси ташкил этилса ва нонларнинг ҳали унутилиб кетмаган турлари аниқланса;

аниқланган нонларнинг рецепти ва технологиясини тиклайдиган комиссия тузилса, шу мақсадда халқ нонвойлари, илмий ходимлар ва жамоат овқатланиш тармоқларининг инженер-технологлари баббаробар ҳўқуқ билан жалб этилса;

ўзбекча нонлар пиширишни механизациялаш мақсадида тандирнинг янги замонавий конструкциясини тузиш учун нонпаз инженер-технологларнинг кен оммаси ўртасида конкурс эълон қилинса;

Андижон, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хива каби йирик шаҳарлардаги нонвойхоналарда жайдари нонларни ёпиш мўжмин бўлган лаборатория ёки пунктлар ташкил этилса, вақтинча бўлса ҳам тандирлар қуриб, тандир нонларига бўлган халқ талаби ўранилса.

Шу мўаммони ечишда сидқидил иштирок этган ҳар бир киши, халқимиз тили билан айтганда, чинакам савоб иш қилган бўлади.

Карим МАҲМУДОВ.



байтлари

Ҳар кун ул нону сувни, олур эди.
Нонни бир гўша ичра солур эди.
Кесмиш эрди аёғлардин банд,
Нон иси бирла бор эди хурсанд.

А. НАВОИЙ.

Ҳазратим очликдан ўлдим,
егани нон бер менга,
Билло демасман сенга,
нури имон бер менга.
МАҲМУР.

Тинчлигин қадрин билмас ҳормаган,
Беклик қила билмас берим бермаган.
Чўлда очлик машаққатин кўрмаган,
Уйда иссиқ ноннинг қадрин ҳеч билмас.

МАҲТУМҚУЛИ.

Чопушир ёнтоғ ўтин марду заиф иссиқда куйиб,
Ер зағора нонини, топса отин қанд қўйиб.
МУҚИМИЙ.

Ожиз,
Маҳкум,
Хор ва бетадбир
— Нон — дея,
— Нон — дея,
Суриниб кечмишдир.

Ғ. ҒУЛОМ.

Йўлга солди ўзи бўлиб бош
Ва одамга бахт берди ўша.
Очларга нон, кийим уст-бош,
Ерсизларга ерни ҳамаша.

Ҳ. ОЛИМЖОН.

Ўттиз икки хил донимиз,
Оқ олтиннинг конимиз,
Оқ буғдойлар нонимиз,
Бор бўлсин бизнинг ватан.

ИСЛОМ ШОИР.


Колхозда биз яшаймиз,
Ширмой нони тишлаймиз.

ХАЛҚ ҚЎШИҒИ.



тўғрисида мақоллар

- Ҳар супраннынг нони бор.
- Қўйнида нони борнинг қорни тўқ.
- Бели оғрмаганнинг нон ейишини кўр.
- Оч қоринда нон турмас.
- Очнинг кўзи нонда.



Шабда

ва

япроқлар

Туркумдан

Дилафруз

Опамга атаганим

Шовиллаган она боғдан гўзал нишона,
Кўланкангда ором олай бирпас, Дилафруз.
Қанча сувлар ва мавсумлар бўлди равона,
Мана, бу ёз қолибмиз, боқ, иккимиз ёлғиз.

...Уч-тўрт олма, қўш тол — бизнинг ҳовлига безак,
Кўк шохларда гул даройи узум, аймоқи.
Нақш олмалар кенг ҳавода чайқалар кузак,
Уйлар эдим: фасл боқий, умримиз боқий!

Сен жамалак таққан ва шўх қизалоқлардай,
Бир чеккада барг ёзардинг, дилафруз-ниҳол.
Ҳар япроғинг жонга яқин, юрак баргидай
Шитирласа, сезар эдим, сенда не аҳвол.

Сен ҳам ширин куйлар айтиб, бошимни силаб,
Боқар эдинг кўзларимга майин, меҳрибон.
Дердинг гўё омадим ва бахтимни тилаб:
«Мартабанг кўп улур бўлсин, бошгинанг омон!..»

Бугун келдим, атрофингда янги боғ, дарахт,
Кексаси сен, гир атрофинг — навниҳол, гулшан.
Йўлдошимдир — сен тилаган мартаба ва бахт,
Умидимнинг юлдузи ҳам қаршимда равшан.

Бу ерларнинг иқболига ҳамон жоним нақд.
Опоқ бошим силаб, сийпаб мени чорлаган.
Ғолибларнинг қаторида бўлдим ҳамма вақт,
Ором олдир, қалбим фақат бир оз чарчаган.

Келдим, мана, ҳузурингга, қондош фарзона,
Гулдай тоза баргларингга суртиб юзу кўз,
Ором олай кўлангангда бир оз, Дилафруз,
Шовиллаган она-боғдан гўзал нишона!

Ариқ бўйида

Йўқотгандим уч нарсам.
Доғда, —
Тополмайман энди, девдим, ҳеч.
Куйчи ариқ бўйида, боғда
Топиб олдим учин ҳам шу кеч,
Опоқ ойдин, нурли кучоғда.

Сўлим қирғоқ, ухлабман,
Куйдан —

Майин оқиб онам алласи.
Сув оқади куйлаб куйидан
Ва кечанинг сокин палласи.
Ойдин. Боғда ухлабман куйдан.

Мен бу кеча шодликдан сархуш!..
(Доктор тийган майдан, бўзадан)
«Қилқ-қилқ» оққан сувнинг таъми хуш —
Май куйилар гўё кўзадан.
Мен бу кеча шодликдан сархуш.

Учинчиси, жасур ёшлигим,
Орзуларнинг чексиз осмони.
(Бу ҳам ариқ куйин эҳсони)
Ошиқлигим — шайдойилигим,
Учинчиси, масрур ёшлигим...

Мен буларни энди
Ҳеч ёқдан
Тополмайман, деган эдим ҳеч.
Шилдираган куйчи ариқдан
Топиб олдим шу мавсум, шу кеч.

Боғ эшигидаги хаёлот скамейкасида

(хотима ўрнида)

Ултирибман бунда суяниб.
Қадам нари —
Кетган пахтазор
Уфққача яшил товланиб.
Бир дунёки, хаёлимча бор.

Достонини куйлаганим боғ
Оддий боғмас, шеърхон.
Кўркам —
Бир боғистон, айланаси тоғ,
Бу гулистон — каттакон ўлкам.

Боғ кўчадан кенг водига боқ,
Ҳо, кўкўлар мирзатераклар.
Сукунат ва хаёлот ўртоқ,
Шеър билан тепар юраклар.

Хаёл учар бу кенг оламга
Кабутардай эркин, ўйноқи.
Югураман боққа, хонамга,
Дафтаримнинг тўлди варағи.

Ҳозир ҳам у, хаёл,
Бўстонлар —
Осмонида айланиб қолди.
Бирор нуқта банд қилди,
Онлар —
Бургут каби байланиб қолди.

Гул, чечакка толпинар учиб,
Шавқу-завқдан куйлар қалб аста...
Қабул этинг, азиз ўқувчим,
Бинафшадай кичик гулдастам.
1966 йил.

Дўрмон.

ШЕЪРИЯТ
ШАЙДОЛАРИГА

ЧАШМАЛАР

Қардош Тожикистоннинг назм бўстонига, наср гулистонига жавлон ураётган анчагина қаламкашлар бор. Уларнинг бир қанчаси ўзбек тилида ёзади. Бу қалам соҳибларининг пешқадамларидақ бўлган марҳум Аширмат Назаров,

Маҳмуд Тўлқин ўзбек китобхоналарига яхши маълум.

«Ирфон» нашриёти ўзбек тилида ижод қилаётган йигирма олти ҳаваскорнинг шеър ва ҳикояларини китобхоналарга тўхфа қилди.

Умидли, ҳароратли ёш адибларнинг бири Ҳисордан бўлса, иккинчиси Новдан, тагин бири Конибодомдан, Душанба шаҳридан, Кўрғонтепадан, Ленинободдан, тоғлар этагидан, «қоқ олтин» макони — саҳий қишлоқлардан чиққан йигитлар, қиз-жувонлардир.

Конибодомлик Музаффар Зулфиқоров адабиёт муаллими, Душанбалик Восит Муҳамедов «Совет Тожикистони» газетасининг хохими, қишлоқавис Санобар Нишанова қишлоқ муаллимаси бўл-

са, Абдуқодир Аҳмедов уруш заҳматларини тортган, бир қўлида қалам, бир қўлида найза билан душман бағрини тилган шоирдир. Конибодомлик филология фанлари кандидати Эргашали Шодий «Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиётига муносабати масаласига доир» деган мавзуда диссертация ёзди. Олим шеър ёзиша, Ватан қўшиғини куйлаша ҳам вақт топмоқда.

Адабий тўплам «Чашмалар» доқ номланган. Бу чашмалар тобора жейшиб, одамларни баҳраманд қилиши турган гап. «Ирфон» нашриёти ёш қалам соҳибларининг асарлари олдибан уларнинг суратларини босиб, таржима ҳоллари билан таништирибди,

«Гулистон» Совет Тожикистонига яшаб, ўзбек тилида ижод қилаётган умидбахилларга оқ йўл тилайди. Бу ихчам тақризни ёш шоира Ашура Назарованич «Илҳом» сарлавҳали шеъри билан яқинлашув:

Оқайинми дарёдек тошиб,
Чопқилайин, айт-чи, қайларга?
Кирганинда қалбимга шошиб,
Солмаёсан қандай куйларга!
Учқур қўшдек питирлайсан гоҳ,
Булбул бўлиб қониш қилсан
Ва сабога айланиб ноҳоҳ,
Тонгни чаман аро еласан...
Хаёлимнинг қаноти ўзинг,
Қалбим тўри сенга сохона,
Эзю тўйғум, эркактойим кел,
Шеърлар ёзай ёна ва ёна.

Ҳамза
муқофотига
сазovor асар

ҲАЁТБАХШ ОПЕРА

Опера. Бу ягона сўз заминидан катта эстетик ва сиёсий маъно бор. Опера — музика ҳамда театр санъатининг энг юксак ва мураккаб туринигина эмас, балки ҳар бир халқнинг миллий маданияти қанчалик савияга эришганлигини ҳам белгилайди. У ўз ичига драматургия, шеъринат ва музикани, сахна нутқи, актёрлик ва чолғучилик маҳоратини, ашула, рақс, рассомлик ва мезморлик санъатини қамраб олган. Шунинг учун ҳам етув опера ярагиш муаллифдан бадий ижодиётнинг ана шу турларини, музика ва сахна драматургиясининг қонуналарини чуқур билишни, катта маҳоратни ҳамда ижодий маъсулятини талаб қилади. Истеъодли бастакор Рашид Ҳамроев ана шу талабларни яхши англаган ҳолда ўзининг тўнғич асари — «Зулматдан зиё» операсини яратиб Ҳамза муқофотини олишга музаффақ бўлди.

Операга атоқли ёзувчимиз Ойбекнинг машҳур «Қутлуг қон» романи асос бўлган. Шоир Туроб Тўла романда мавжуд бой манбадан опера учун мансуб бўла оладиган қаҳрамон ва улар билан боғлиқ бўлган энг муҳим воқеаларни моҳирона танлаган. Бунинг диққатга сазовор томони шунданки, либреттода романнинг асосий гоъяий йўналиши — Октябр инқилоби арафасида кенг меҳнаткашлар оmmasи онгига миллий озодлик гоъяларининг тобора сингиб бораётганлиги, ишчи ва деҳқонлар орасида инқилобий кунларнинг шаклланаётганлиги ўзининг ёрқин ифодасини тслган ва операнинг мазмунини белгиллаган.

Операнинг фазилати ва афзаллиги фақат унинг мазмур гоъяий мазмунида эмас, музикасининг ёзилш услуби, шакли билан ҳам аввал яратилган опералардан сезиларли фарқ қилади.

Миллий опера санъатимиз энди шаклланиб келаётган дастлабки даврда маҳаллий истеъодлардан етув мутахассис бастакорлар, ижрочи ва чолғучилар етишмаганлигини, опера жанри ўзбек шинаванда томошабинлари учун ҳали янглики бўлганлигини эътиборга олиб, миллий опера яратишда халқимиз орасида кенг оммалашган мақом ва халқ куйларидан тўғридан-тўғри олиб фойдаланилди. Бу услуб ўша давр учун тарихан тўғри эди. Кейинчалик республикамизда миллий ижодий мутахассислар етишиб чиққандан сўнг, хусусан С. Юдановнинг «Майсара» ва С. Бобоевнинг «Ҳамза» операларидан бошлаб, бастакорларимиз бу услубдан аста-секин воз кеча бошладилар. Бу борада Р. Ҳамроевнинг диққатга сазовор хизмати шунданки, у ўз асарини тайёр қўшиқ-куйлар заминидан эмас, балки бошдан-оёқ миллий оҳанглар асосига қурган.

Ҳамроев музикани яратишга ўзига ҳос мустақил йўл тутганлиги операнинг шаклида ҳам кўринади. Унда (Гулнор ариясидан мустанго) бирорта тугалланган арияни ва (охирги кўринишдаги ансамбль эътиборга олинмас) дуэт, трио, кuartет, хуллас ансамбллари учратмайсиз. Дастлаб, қараганда бу ҳол кишини таажжублантиради. Чунки тингловчининг қулгои опералардаги ария ва ансамбллари зшитавериб ўрганиб қолган. Бу ўринда ёш бастакорнинг маҳорати етишмай қолган деб ўйлаш ҳам мумкин. Чуночки Гулнор арияси, ярми икки овозда, ярми унисон шаклида ёзилган йўлчи билан Гулнор дуэтчи, ниҳоят охирги кўринишдаги ансамблга қараганда бастакор оҳанги ҳам, ашула санъатининг шакллари ҳам чуқур ҳис қилиши ва яхши тушунишини яққол кўрсатиб турибди. Фиримизча, Ҳамроев, операни ёзишда аввало жанр қондаларидан эмас, балки асар моҳияти, ундаги ижтимоий масалалар ва унинг инқилобий йўналишидан келиб чиққан. Операнинг мазмуни эса, айна вақтда муаллифдан

илдам ва кескин ривожланидиган, ёрқин хилма-хилликка эга бўлган музикани талаб қилади. Шунинг учун ҳам бастакор гарчи голт мураккаб бўлса ҳам, музиканинг иўпчилик қисмини армоза шаклида ёзган. Борди-ю ҳар бир бош қаҳрамон ўртача икки-учтадан ария айтса, бунинг устига бир қанча ансамбллар, рақслар киритилса: биринчидан — операнинг ҳажми кенгайди. икки ярим соат эса, энг نامида беш соатга чўзилади. Бундан чиқдики, операнинг мазмуни ўзгартириш ёхуд шакллardan воз кечш керак. Агар операнинг мазмуни ўзгартирилиб, ҳатер ариялар, ансамбллар, рэцелар киритилса, унда нузатилган мақсад йўқолиб, асар, илгари яратилган айрим опералар сингари, театрлаштирилган концертга айланади. Шунинг учун ҳам композитор ария ва ансамбллардан деярли воз кечган; иккинчидан — драмада монолог ва диалоглар сахна ҳаракатини, воқеалар ривожини қанчалик ушлаб турса, операда ҳам ария ва ансамбллар қаҳрамонлар ва тўқнашувининг ўсиб боришига тўсиқлик қилади. Мазмур операнинг мазмуни эса, доимий ҳаракатни, ривожни таъозо қилади.

Мана шулар Р. Ҳамроевнинг операни ёзишда тутган йўли тўғри деб айтишга асос бўла олади. Бу ҳол умуман операда ария ва ансамблларнинг мутлақо бўлмаслиги керак экан, деган гап эсам, албатта. Назаримизда, бу асарнинг мазмунига, гоъяий тузилишига боғлиқдир.

Бастакор музикани арчоъа шаклида яратганлиги чолғунинг фаолияти учун ҳам кенг йўл очиб берган. Авваллари айрим операларда (масалан, «Фарҳад ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Дилором» набилар) чолғу четга чиқарилган бўлиб, фақат ашула ва рақсларнинг оддий жўрчисига айлантирилган эди. Бунинг сабаби шу эдики, бу операларда ашула, ария, дуэт, хор ва рақслар гоът кўп бўлиб, чолғунинг мустақил бадий ифода воситаси сифатидаги иштироки ниҳоятда кам бўлган. Ҳамроев эса, ўз асарига чолғуну операнинг фаол иштирончиси даражасига кўтарган. Бу ҳол созандаларга, хусусан дирижерга (Ф. Шамсидинов) ўзининг юксак маҳоратини кўрсатибгина қолмай, балки асарнинг бадий бошқарувчиси даражасига кўтарилшишга имкон берган.

Шуни ҳам таъиндлаш зарурки, айрим сахналар, айниқса тўртинчи кўринишда чолғуға чанг, най, рубоб, доира, ғижжак каби миллий асбобларнинг киритилиши операнинг чиройига чирой қўшган, қаҳрамонларнинг миллий хусусиятларини ёрқинроқ очинга кўмаклашган.

Р. Ҳамроевнинг чолғу масаласини бу тарзда ҳал қилганлигининг яна бир инобий томони — режиссёр ва артистларнинг ижодий тафаккурини уйғотган, уларга ўз истеъодларини кенг қулоч ёйишига шароит яратган. Балки, шунинг учун ҳам режиссёр (М. Муҳамедов) масалан «Гулсара», «Майсаранинг иши» операларида бўлганидек, бу спектаклда ҳам ҳар жиҳатдан яхлит ансамблга эришгандир. Хуллас, композиторнинг чолғу масаласини тўғри ҳал қилганлиги унинг ўзига ҳос ижодий услубидан далолат берибгина қолмай, операнинг бошқа тарихий қисмларининг ижодий ривожланишига ҳам қулдай имкониятлар берган.

Шундай қилиб, Р. Ҳамроев басталаган музика операнинг гоъяий йўналишини, ижтимоий моҳиятини, қаҳрамонлар ва воқеаларнинг ҳолатини, асарнинг умумий мазмунини тўғри ҳал бериш билан, миллий опера санъатимизнинг ривожини йўлида катта ижодий қадам бўлди.

Ф. ЖУРАЕВ.

Темур Тузуклари

Форсидан Алихон Соғуний таржумаси

Йигирма биринчи. Дорис-салом (Бағдод)ни, араб Ироқини олишдаги кенгашлар

Форси, Ажам Ироқини фатҳ қилдим эрса, авлиёлар бошлиги пириمدин хат келди: «Икки Ироқ эгаси — инновини ҳам сенга топширди» демиш эди. Бу сўздин кўнглим нуватланиб, Бағдод ҳокими Султон Аҳмад жалоийр ҳолини ва ҳам унинг лашнақларини чоғлаб келиш учун Бағдодга элчи юбордим. Элчилар бориб етгач, ёзган хатнинг мазмуни: «Султон Аҳмад эса икки кўзли бир тўда гўшт экан» демишдир.

Мен тангрига сунйиб, Бағдод устига лашнақ тортидим. Келаётганимни эшитиб, Султон Аҳмад жалоийр Карболо томонга қочиб кетмишдир. Шу билан Бағдод вилояти ҳам менга тобун бўлиб қолди.

Тўхтамишхонни йўқотиш учун иккинчи юриш

Тўхтамишхон мендин енгилгач, Жўжи улусини ташлаб, ўзи қочмиш эди. Мен қайтгондин нейин фурсатдин фойдаланиб, тарналгон аскарларини йигмишдир. Дарбанд — Ширвон йўли орқалиқ ўлжа олиш учун қалин аскар юбормишдир. Улар эрса Озарбайжон вилоятларига киришиб, талон-талаш қилишга кўл сумиш эдилар.

Мен буни англадим эрса, Темур чогу — Дарбанд йўли билан Дашти Қипчоққа яна нирмоқчи бўлдим. Юриш олдига кўрик ўтказган куним, қарасам, меним аскарларим ёсол тузиб, тўрт тош ерни тутмиш эрдилар. Буни кўргач, тангрига бош қўйиб, шукр сажда қилдим.

Сўнгра йўл тортиб, Тема дарёсидин ўтгач, Дашти Қипчоқ улусларига қарата шу мазмунда ёрлиқ йўлладим:

«Им менга келса қутилади, ким осилса ютлади». Шундай қилиб, 797 йилинда Дашти Қипчоққа кирдим. Бу ернинг энг шимолий четларигача бориб, Жўжи улусини ораладим. Булар ичидан қаршилиқ қилувчиларни тубилдиэлари билан йўқотдим.

Йигирма иккинчи. Ҳиндистонни тобун этишда қилинган кенгашлар

Хиндистонга бориш-қўюш тўғрисида дастлаб амирларим ва ўғилларим билан кенгаш ўтқуздим. Бундин меним мақсади буларнинг кўнглиларини билиб, бу ҳанда алардан фирқ олиш эди. Анда ўғлим амирзода Пирмуҳаммад* «агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтуни билан бутун ер юзюни олурмиз» деди. Анда Муҳаммад Султон: «Ҳиндистонни олғали бўлур, лекин унга кириш олдига нурғун тўсқинликлар бордир. Биринчи — дарёлар, иккинчи — ўрмон, тўғайлар, учинчи — тўлиқ нурулланган сипоҳлар, тўр-

тинчи — одамхўр, жанговар филлари кўпдир» деди. Анда Султон Хусайн: «Агар Ҳиндистонни кўлимизга киргиза олсан, етти иқлим ердин тўрт иқлимига ҳукмрон бўлурмиз» деди. Бунинг сўнгида Шоҳрух Мирзо туриб айтдиким: «Мен турк қонунномасида ўқидим. Дунё бўйича беш улуг подшо бордир, Буларни хурмат юзасидин отларини атамай, лақаamlари билан айтадилар. Ҳинд подшосини — Рой, Рум подшосини — Қайсар, Хитой хонини — Фағфур, Туркистон подшосини — Ҳоқон, Эрон-Тўрон подшосини — Шаҳаншоҳ дейдилар. Илгаридан бери Шаҳаншоҳ хуми Ҳиндистонга ўтар эди. Эрон-Тўрон иқлимлари эрса, бизнинг кўлимиздадир. Бундай бўлгач, Ҳиндистонни ҳам олиб, ўзимизга тобун қилишимиз керақдир» деди.

Анда аскар бошчи амирлар: «Агар биз Ҳиндистонни олганимизда шу ерда туриб қолсак наслимиз йўқолади. Кейинги бўлган болаларимиз туриликларидин ажрашиб, тиллари ҳиндича бўлиб кетади» дейишиб, бормаслим томонига ўтидилар.

Мен бўлсам ўз кўнглимда Ҳиндистонни олиш учун бел боғлагон эдим. Буларга қараб, ўз ниятимдан қайтишни хоҳламадим.

Ўзима кенгашиб, шу Ҳиндистон сафарига розилиги йўқ амирларни ўринларидан олиб ташлаб, кўлдошларини кўймоқчи бўлиб эдим, лекин ўзим кўнартган кўчталарин эдилар, юлб ташлашни хоҳламай, яна уларга юмшоқлиқ қилдим.

Бу тўғрида улар юрагимни ҳар қанча қон қилган бўлсалардаги охири бу ишга титтифоқ бўлишуб, кўнглимдин чичардилар. Энди у хафалидин ҳеч нарса кўнглимда йўқдир.

Сўнгра аскар амирлари билан қайтадин кенгаш тўхтатгач, ифоб кўлини Ҳиндистонга қарата кўтариб, фотиҳа қилдим.

Йигирма учинчи. Ҳиндистон пойтахти—Деҳлига лашкақ тортиш кенгаш

Пирмуҳаммад Жаҳонгирзода ўттиз минг жангаран аснари билан Кобулда турмиш эди. Унга ёрлиқ юбордим: Сулаймон тоғи йўли орқалиқ юрүб, Синд суйидин ўтгач, Мултон ўлкаси устига чогул қилиб, уни ўзига тобун қилгай.

Султон Муҳаммадхон билан амирзода Рустам — бу икковларига қарашлиқ амирларига буюрдим: ўттиз минг барангар аснари билан Синд дарёсидин ўтиб, Кашмир тоғининг этақ йўлидин юриб, Лохур вилоятига туринтоз қилсунлар.

Ўттиз икки минг гўл аснари эрса мен билан қолди.

Ҳинд юришига чиққан бу қўшиннинг сони тўқсон икки мингга етмиш эди. Бу эса исмишариф Муҳаммад сонига тўғри келганлиги* учун бундин яхши пол олиб отландим.

Бадахшон чегараси — Андароб деган жойга келиб тушдим. Бу ерда бир неча кун туриб, Катур тоғининг кофирларига танбех берганимдин сўнгра Ҳиндистон газотига юзландим.

Шу орада менга арз қилдиларким, Ҳиндистон йўлида афгон қароқчилари кундин-кунга кучаймақдадилар. Айинкиса булардин Каркас қабиласининг раиси Мусо афгон ҳақдидин ўтмиш эди. Меним тобунларимдин бўлгон Лашнақшоҳ афгоним, буни Пирмуҳаммад Жаҳонгир Эроб қалъасига соқчи қўйиш экан. Уни ўлтириб борлиқ мол-товонларини талаб

нетмишдир. Шунинг устига Лашнақшоҳнинг иниси Малик Муҳаммад огасини ўлтирган Мусо афгон жавр-зулмидин арз қилиб келди. Мен унинг сўзига қулоқ солмагон бўлиб, «қой киши, Мусо афгон эрса, меним давлатхоҳимдир» деб, ўзини қамоққа буюрдим. Бу шунинг тубига тушунмаган амирларим мени унга зулм қилди деб ўйладилар. Бу хабар Мусо афгонга англашиб, кўнгли кўтарилмиш эди. Сўнгра уни қақириб баргон* юбордим эрса, тортинмасдин дарҳол келиб, қалъани менга тортиқ қилди.

Мен қалъани кўриш учун ичига кирган чоғда унинг сипоҳларидан бириси мени ўлтириш учун ўқ отмиш эди, Шунинг билан Мусо афгон бошлиқ бутун қароқчиларнинг жазосини бериб, Ҳиндистон йўлини олдим.

Йигирма тўртинчи. Султон Маҳмуд билан Талувхон аскарини синдириш, Деҳлини олиш кенгаш

Султон Маҳмудхон, Талувхон — бу иннови Деҳлини сақлаш учун эллик минг отлиқ пибёда аскар билан бир юз йигирма занжир уруш филларини тайёрламыш эдилар.

Мен ҳам қалъани қамал қилиб, уруш бошламоқчи бўлиб эдим, лекин иш ўзалиб кетишини сақланиб, шу тадбирни кўнглимдин: шундоқки, уларга ўзимни кучиса кўрсатиш учун шаҳардан узнокроқ ерга тушиб, хандақ қоздирдим. Бутун аскарим билан унинг ичига кириб урнашқанимдин сўнгра душманга қарши бир бўлук аскар гўндирдим. Душман қаршисига бергач, ўзларини кучиса кўрсатиб, қўриқондек бўлиб, орқага кечинишга буюрдим.

Буларга тўқинишқанлариди мен айтқондек қилиш эдилар. Буни кўргач ганим аскарлари ўзларини енгган чоғлаб, кечинган аскар ортидин келишиб, қахрамон аскарга йўлиқдилар.

Султон Маҳмуд эрса, бир оз урушқондин сўнгра енгилди, тоғ тарафига қочди. Бутун хазина-дафinalesлар, ҳар турлик мол-мулклар ўлкага олиниб, меним аскарларимга насиб бўлди.

Йигирма бешинчи. Гуржистон мамлакатларини олишда қилғон кенгашларим

Хиндистон сафаридин зафар нусрат билан қайтдим эрса, бунинг хордиги чиқмай туриб, икки Ироқ ҳокимларидин менга арззалаб келгани турди: шундоқки, Гуржистон кофирлари ўз ҳақларидин ошиб, чегарадан ташқари қаддан кўйиш эдилар.

Подшоларга кофирлар билан ғазот қилишдан, жаҳон олишдин яхшироқ иш йўқ деб ўйлар эдим. Шунинг учун Гуржистон имонсизларининг чорасини қилишга тезроқ киришдим.

* Аслида, набираси.

* Муҳаммаднинг тўқсон икки исми борлигига ишора.

* Қақириб хат.

Агар бу иш кеңиктирилиб қолса, бузуқ одамларнинг ривожланишига йўл очилур эди.

«Ҳинд сафаридин келган сипоҳлардан ҳоҳлаган киши мен билан босин, хоҳласа қолсин» деб уларга эркинлик бердим.

Хуросон, Қандаҳор, Сийстон, Кирмон, Табаристон, Гийлон, Мозондарон, Форс — шу жойлардаги аскарлар ёсоқ жамалгусини қилиб. Исфаҳонга келсунлар деб буйруқ юбордим. Мен кетганимдин кейин фурсатдин фойдаланиб, ҳар ернинг гарданкашлари яна кўзголон қилмасунлар учун улардан кўпларини Тўрон ерига тарқатиб, гумонли кишилардин у жойни тозаладим.

Сўнгра Гуржистон ўлкасининг қалъаларини олиш учун отимнинг жиловини шувёққа буриб, тўғри топгон кенгашларимизни амалга оширдим. Бошимга пўлат дубулгасини кўйдим. Довудий совутини эгнинга кийдим. Белимга Миср қилчини боғлаб, баҳодинлик тахтига ўлтурдим. Тўрон қаҳрамонларига, Хуросон паҳлавонларига, Гийлон, Мозондарон ботирларига буйруқ бериб, ҳайбат кўрсатдим. Шу билан Сивас, Гуржистон, қалъаларини бутунлай олиб, ўзимга тобун қилдим. Қалъа ичиндин чиқмай қаршилик кўрсатқанларни таг-туби билан йўқотиб, улардан олган ўлма-молларни қаҳрамон аскарларга улашдим. Озарбайжон бузуқ, бевош кишиларига танбех бердим.

Ундин сўнгра Малотияга бориб, у томондаги барча қалъаларни ҳам боқиндирдим. Буёндаги бутун қалъа-шаҳарларни олиб бушангонимдан сўнгра Ҳалаб, Ҳиммас вилоятларини олишга юзланиб, бир оз ҳаракат билан буларни ҳам ўзимга қаратдим.

Йигирма олтинчи. Миср, Шом ўлкаларини олишда қилғон кенгашларим

Меним шон-шавкатим Йилдирим Боязит Қайсар кўлоғига етди. Севос, Малотия қалъаларини олиб, уларга қўйилган сойчи аскарларини барини, тарқатиб ташлагонимни англади эрса, унинг бутун гайрат томирлари ҳаракатга келиб кўзголдди.

Меним аскарларим зарбасидин қочиб келиб, унинг паҳошига сингиган Қора Юсуф туркман иғвоси билан меним устима лашкар тортмоқчи бўлди. Узининг ҳам кўрғулиги етиб, давлат заволи яқинлашмиш эди. Қора Юсуф сўзига алданиб, оғир лашкар олиб ҳаракатга кирди. Миср, Шом аскарларини ҳам ёрдамга чақирмиш эди. Буларга қараб мен ҳам аскарларимни учга бўлмакчи бўлдим. Ленин енгис-енгилиш ишлари эрса тақдир пардаси остида яширин бўлгонлиқдин бу тўғрида аскал бошчи амирларим билан кенгаш ўтказдим. Булардаги сипоҳлик йўлини тутиб, уруш очмоққа маслаҳат бердилар, Шундай бўлса ҳам мен Қайсарнинг гайрат ўтини сўндириш учун иссиқ-совуқ суви селиб, шу мазмулда хат ёзиб гўндирдим. «Еру нўк яратувчи тангрига чексиз шурлар бўлсиним, етти инчим мамлакатларининг кўпчилиги меним фармонимга бўйин қўймишдир. Ер усти оламининг султонлари эрса, менга эгилиб, итоат ҳалқасини кўлоқларига тақмишдир. Ўз қадрини билиб, ўз чекиндин ташқари қадам қўймаган кишини тангри ёрлиқасин. Сени асли — наслинг ким эканлиги жаҳон халқи олдида маълумдир. Эмди сенга лойиғи шулдирим, журъат оёғини олга отмағилким, меҳнат болчиғига ботиб, бало чуқурига йиқилурсан, Иббол эшигининг ҳайдалган бир тўда кишилар ўз ғаразлари учун сенинг паҳошига киришиб, ухлаб ётқон фитнани ўйотмишдир. Яна шуларнинг иғвоси билан бало эшигини давлатинг юзига очмағил. Бу хат етиши билан Қора Юсуфини меним олдида юборғил, йўқ эса тақдир пардаси инки саф тўнчанганда юзинга очилгусидир».

Бу номани иш билар элчилар билан Қайсарга юбордим. Ўзим Ҳиммас — Ҳалаб йўли билан Шом ўлкасининг пойтахти — Дамашқ шаҳрига қараб жўнадим.

Миср подшоши Малик Баруққ ўғли Малик Фараж меним чиқишимни англаши билан у ҳам Мисрдан Дамашққа қараб жўнамади эди. Буни англағач, Миср, Шом аскарларини бири-бирига қўшмаслиқ учун мен ҳам илгар қилиб

(Давоми 30-бетда)

Убайди Зоконий

Ҳикоят

УБАЙДИ ЗОКОНИЙ ФОРС-ТОЖИК АДАБИЕТИНИНГ КЛАССИКЛАРИДАН БЎЛИБ, 1270 ЙИЛНИНГ МЕЛОДИДА ЭРОННИНГ ҚАЗВИН ВИЛОЯТИ, ЗОКОН ҚИШЛОҒИДА ТУГУЛИБ, 1370 ЙИЛДА БАҒДОДДА ВАФОТ ЭТГАН. У ҲУЖАҲОФИЗИ ШЕРОЗИЙ, КАМОЛИ ХУҶАНДИЛАРНИНГ ЗАМОНДОШИДИР.

УБАЙДИ ЗОКОНИЙ ЁЗИНИНГ «СИЧОН ВА МУШУК», «КҲНГИЛ ОЧУВЧИ РИСОЛА», «УН ФАСЛ РИСОЛАСИ», «АХЛОҚУЛ АШРОФ РИСОЛАСИ» ВА «СОҚЛОНОМА»СИ БИЛАН ШАРҚ ВА ҒАРБДА МАШҲУРДИР. ВИЗ ҚҲИИДА УНИНГ «КҲНГИЛ ОЧУВЧИ РИСОЛАСИ» ВА «УН ФАСЛ РИСОЛАСИ» (ЛУҒАТИДАН) КИБРИЕ ҚАҲҲАРОВА ТАРЖИМАСИДА НАМУНАЛАР БЕРАМИЗ.

Талҳакни! муҳим бир иш билан Хоразмишох ҳузурига юборишади. Аммо Хоразмишох узоқ вақт Талҳакка илтифот кўрсатмайди. Кўнлардан бир кун Хоразмишох олдида қўшлардан ҳикоя этилиб, ҳар бирининг хосияти баён қилинади. Шунда Талҳак сўзга аралашиб:

— Дунёда айлақдан зийрак-роқ кўш айқ,— дейди.

— Қаёқдан билдинг? — деб, сўраслар:

— Шундан билдимки, ҳеч қачон Хоразмишох келмайди,— дейди.

Султон Маҳмуд бир кун хуноб бўлиб ўтирган экан, Талҳак унинг кўнглини очмоқчи бўлиб:

— Эй, султон, отангинг оти нима эди? — деб сўрабди. Султон аччиғи келиб:

— Ҳой лавнати ит, бу билан сенинг нама ишинг бор! — деб дўқ қилибди. Шунда Талҳак:

— Ҳа бўлди; отанги отини билдим, энди отангинг отасини отини айт,— дебди.

Мавлоно Шарофуддин Домғоний масжиднинг олдида ўтиб кетаётган экан, қараса Фаррош масжид саҳнида ўралиб қолган итни калтакламоқда ва ит ўзини қаёққа уришини билмай, вангилламоқда экан. Мавлоно масжид эшигини очса, ит ўзини эшикка урибди. Фаррош Мавлонога танбех берган экан, Мавлоно шундай дебди:

— Эй, бародар, итни кеңир, ақли айқлиғидан масжидга келибди, мана бизнинг ақлимиз бор, шунинг учун ҳеч қачон масжидга келмайми,— дебди.

Исфаҳонда бир деҳқон Ҳўжабаховаддин Соҳибдеваннинг2 уйига бориб эшик огага:

— Ҳўжага кириб айт, худо

келиб ўтирибди, сенга иши бор экан дегин,— дебди.

Бу хабарни эшитиб Ҳўжа уни ичкарига чақиртирибди ва кирганидан кейин:

— Сен худомисан? — деб сўрабди.

— Ҳа, худоман,— дебди деҳқон.

— Қанақа худомсан? — деса, шундақ жавоб берибди:

— Илгари мен деҳқудо, боғхудо ва хонахудо эдим, Сенинг ноҳибинг зўрлик билан боғимни, ҳовлимни тортиб олди, энди фақат худо бўлиб қолдим халос.

Султон Маҳмуд бошини Талҳакнинг тиззасига қўйиб:

— Сен датюсларга нима бўласан? — деб Талҳакдан сўраган экан, Талҳак:

— Естиқ бўлман,— деб жавоб берибди.

Бир кўчманчи арабни Халифа Ҳўзурига олиб боришган экан, араб Халифани тахтада, бошқаларни паस्ता ўтиранини кўриб:

— Ассалому алайкум, ё оллоҳ! — дебди.

Халифа:

— Мен оллоҳ эмасман! — деган экан, араб:

— Е Жабраил! — дебди.

— Мен Жабраил ҳам эмасман! — дебди Халифа.

— Оллоҳ бўлмасанг, Жабраил бўлмасанг, нега юқорига чиқиб ёғиз ўзинг ўтирибсан? Одам бўлсанг, паस्ता тушиб, одам қатори ўтиришда! — дебди Талҳак.

Ҳожанинг эшигини ўғриллар ўғирлаб кетишган экан, Ҳожиб бориб масжиднинг эшигини кўчириб олиб келибди. Ундан:

— Нега масжид эшигини кўчириб олдинг? — деб сўрасалар, шундақ жавоб берибди:

— Ўғри менинг эшигимни ўғир-

(Давоми 26—27-бетда)

1 Талҳак — Эронда Афандига ўхшаш фольклор қаҳрамони.

2 Соҳибдевана — подшоҳлар саройида молиявий ишлар билан шўғулланадиган амалдор.



Аҳолини етарли сут билан таъминлаш қишлоқ хўжалик корхоналари — колхоз ва совхозларнинг энг муҳим вазифаларидан бири. Сут, сабзавот маҳсулотларини кўпроқ етиштирадиган шаҳар атрофидagi колхоз ва совхозлар бу ҳаётини муҳим вазифани ҳал этишда катта иш қилишлари керак. Афсуски, ҳозирча республикамизнинг шаҳар атрофидagi колхоз, совхозлар хусуан сут етиштиришда оқсаб қолмоқдалар. Республикада аҳоли жон бошига ўртача етиштириладиган сут Иттифоқ кўрсаткичидан уч баравар кам. 2,6 миллион аҳолини бор Тошкент областида яна ҳам оз сут соғиб олинмоқда. Мамлакатда ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига йилга 327 килограмм сут тўғри келса, Тошкент областида 5,4 баравар кам, аниқроқ айтганда, 61 килограммдан тўғри келади.

Ҳар қандай ноз-неъмат меҳнат ва бошқа сарф-харажатлар камроқ кетадиган жойда етиштирилиши маъқул. Бу жойда сутчиликка ҳам таллуқли. Чунки сутнинг аччаси шаҳар ва саноат марказларидagi аҳолига қаймоғи олинмаганича ва қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ҳолида: сут, широбча, қатиқ, сўзма тарзида етказиб берилди.

Қиш кунлари колхоз-совхозларда сут қимматга тушади. Чунки қишда сигирларга ёздагига қараганда қимматроқ ем-хашак берилади, молларни бошига бошқа сарф-харажатлар ҳам кўп кетади. Булар меҳнат ва маблағни кўп талаб қилади. Хўжаликлар қишда сут етиштиришдан фойда ўрнига зарар кўрадилар. Чунки сут ёзда кўпроқ, қишда камроқ етиштирилади.

Қишда сут етиштиришни кўпайтириш муаммосини колхоз, совхозлар бундан моддий манфаат кўрадиган тақдирдагина муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

1965 йилнинг январь ойидан бошлаб сут нархи ошди. Бу кўпгина хўжаликларда сут етиштиришдан фойда кўриш имконини берди. Лекин бу тадбирнинг ўзигина қишда сут етиштиришни кўпайтиришга рағбатлангиролмайди. Қишда сут етиштиришни кўпайтириш муаммоси сут сотишдан тушадиган пул сутни етиштиришга кетган харажатларни тўла қоплашдан ташқари кенгайтирилган ишлаб чиқариш учун жамғарма тўплаш имконини берган тақдирдагина ҳал бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бу муаммонини ҳал қилиш учун қишда сотиладиган сут нархи ёздаги сут нархига қараганда ортиқроқ, табақалаштирилган бўлиши зарур.

Кейинги беш йил мобайнида республикада аҳоли жон бошига сут етиштириш жуда секин кўпаймоқда. Масалан, Тошкент областида аҳоли жон бошига сут етиштириш 1959 йил даражасидан ортгани йўқ. Сут етиштиришни анча кўпайтиришни таъминлаймиз десак яқин вақт ичида иккита муаммонини ҳал қилишимиз керак.

Биринчи муаммо. Ҳозирги пайтда асосан пахтачилик хўжаликларидида сут етиштирилади. Аҳвол шундай бўлгач, пахтачилик билан чорвачиликни қўшиб ривожлантириш керак. Шундай қилингандагина экин майдонларидан тўғри фойдаланилади. Бошқача айтганда, молни тўғ тутадиган ем-хашак билан етарли миқдорда таъминлаш имконини берадиган ер ажратиб, ана шу майдонларга озуқабоп экинлар экиш керак. Асосий озуқабоп экинлар, масалан, беда ерни семиртаради.

Шу нарса сир эмаски, беда, маккажўхори, ем-хашак бўладиган бошқа экинлар ҳамма ҳам мўлжалдаги майдонларга экилавермайди, кўпинча бу ерларга пахта экилади. Бундай қилиш иқтисодий жиҳатдан фойдали. Чунки, республикамизда ҳар қандай озуқабоп экин экиладиган бир гектар майдонга нисбатан чигит экиладиган бир гектар майдон бир неча баравар кўп фойда беради. Лекин озуқабоп экин майдонларини қисқартириш ем-хашакнинг йилдан-йилга камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу

ҳол бутун чорвачиликни, шу жумладан, сигирлардан сут соғиб оlishни оқсатиб қўймоқда.

Баъзи бир назарийчилар ўт далали алмашлаб экинни камситган даврда озуқабоп экинлар, айниқса беда экиш айрим хўжаликларда жуда камайиб кетди. Натигада сут берадиган чорвачиликка жиддий зарар етказилди.

Кўпгина хўжаликларда ҳозир ҳам алмашлаб экишга кам эътибор берилмоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1965 йил 17 февралда Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларда бедадан мўл ҳосил етиштиришга қаратилган қароридида белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш туфайлигина чорвачилик маҳсулотларини, биринчи галда сут етиштиришни кўпайтириш учун етарли миқдорда ем-хашак гамлаб қўйиш имкони туғилади.

Иккинчи муаммо. Ҳозирги вақтда бутун қишлоқ хўжалиги жадал ривожлантирилмоқда. Сут берадиган чорвачиликни ҳам жадал ривожлантириш учун сермеҳнат иш жараёнларини механизациялаш, автоматлаштириш, техниканинг кучидан самарали фойдаланиш талаб қилинади. Бундан ташқари молларни асрашда, наслини яхшилашда, меҳнатни ташкил этишда фан ютуқлари, тажриба ёришган муваффақиятларни кенг қўлланиш даркор. Лекин чорвачиликни жадал ривожлантириш учун булар ҳам камлик қилади. Аввало сут етиштиришни кенг миқёсда уюштириш лозим.

Ўзбекистонда сутчилик фермасида сигирларнинг қанча бўлиши гоёт муҳим масалалар. Бизнинг шароитимизда совхозлар, айниқса колхозлар аҳоли яшайдиган бир қанча пунктлар, қишлоқларда жойлашган. Шунинг оқибатида участкаларда кичкина-кичкина фермалар бор.

Тошкент области колхозларидаги ҳисоб-китоб кўрсатдики, 50—100 бош сигир бўлган фермаларда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражаси ўрта ҳисобда 4—5 процентдан ортмайди, бир центнер сут етиштириш учун 2,18 киши-кўни сарфланган. 50 тагача сигир бор фермаларда эса шунча сут етиштиришга 2,86 киши-кўни сарфланган. Фермаларда сигирлар 100—150 бош бўлса, бир центнер сутга 1,89 киши-кўни, 150 дан ортиқ сигир боқиладиган жойларда харажат, меҳнат кўни тағин ҳам камроқ сарфланган, сут соғиб оlish 18 процент, гўнг чиқариш ва ем-хашак тақсимлаш 12 процент, молларни сўғориш 42 процент механизациялаштирилган.

Ириқ фермаларда сут етиштиришни саноат негизига уюштириш имкони туғилади. Масалан, Тошкент область Янгийўл районидан «Чиноз» совхозидида тўртта ферманинг ҳар бирида 300 бошдан сигир боқилди. Сигирларнинг қўлиги ва бир жойда асралиши сермеҳнат ишларни иложи борича кўпроқ техника елкасига ортиш имконини беради. Механизациядан яхши фойдаланиш туфайли бир центнер сут етиштиришга 0,87—0,88 киши-кўни сарфланмоқда. Бир центнер сут таннархи 14 сўмдан ошмайди. Совхоз сутчиликдан йилдан-йилга кўпроқ фойда кўрмоқда. Булгуч сут оқими ортини туфайли ярим миллион сўмдан кўпроқ фойда олинди.

Илгор хўжаликларнинг тажрибаси сут етиштиришни кўпайтириш, сут муаммосини ҳал қилиш мумкинлигини исботлаб турибди. Бунинг учун айрилган муаммолар тез ҳал қилиниши, сут етиштиришни янада кўпайтириш ва уни ишлаб чиқариш саноат негизига ташкил этилиши, алмашлаб экиш илмий асосларда ўзлаштирилиши, сигирларни мунозам тўйгазишга бемалол етадиган ем-хашак гамлаб қўйилиши, шу билан бирга тарқоқ, майда фермалар ўрнига ириқ фермалар вужудга келтирилиши керак.

И. ЛАРИН.

Убайди Зоконий

лаб кетибди. Уша ўғрини ҳудо ҳам билади. Ўғрини топиб бермагунча мен унинг эшигини бермайман!

Биров Мавлоно Азуддиндан: — Нима учун халифалар даврида одамлар ҳар кўни худодлик ва пайгамбарликни даъво қилишарди-ю, ҳозир унақа даъволарни қилмайди, деб сўраса, шундоқ жавоб берибди: — Эй, биродар, ҳозир одамлар жабуру-ситам ва очликдан шун-

доқ бир аҳволга тушганки, на худо эсларга келадими на пайгамбар.

Бир камбағалнинг уйига кечаси ўғри кириб, ҳамма ёқни ағдар-тўнгар қилаётган экан, камбағал уйбоғин кетиб, шундоқ дебди: — Ҳой, биродар, сен қоронгида қидираётган нарсани биз кўпна кундузи тополмаймиз-у!

Биров уйига келган меҳмонни пастга уйда ётқизган экан, ярим кечада унинг кулгуси болхондан эшитилиб қолибди.

Мезбон: — У ерда нима қилгансиз?— деб сўраса, меҳмон: — Тушимда йиқилиб тушибман,— дебди.

Мезбон: — Одамлар юқоридан пастга йиқилиб тушса, сен пастдан юқорига йиқиласанми?— деса, меҳмон: — Мен ҳам шунга куялманман,— дебди.

Бир кал ҳаммомга тушиб, дўпписини ўғирлатиб қўйибди. Ҳаммомчидан талаб қилса, ҳаммомчи: — Келганингда дўппинг айёқ эди!— деб дўқ қилибди. Шунда кал:

— Эй, мусулмон, бу бош дўпписиз кўчага чиқадиган бошлардан эмас!— дебди.

Бир хунук амалдорнинг йиздан ҳам хунукроқ муовини бор экан. Бир кўни муовиннинг қўлига ойгани берган экан, у ойнага қараб: — Субҳон олло! Худо бизни яраттида бор хунарини сарф қилган экан-да!— дебди.

Амалдор: — Ие, нега «бизни дейсан, мени яраттида бор хунарини сарф қилган экан-да!»— дебди.

— Ие, нега «бизни дейсан, мени яраттида бор хунарини сарф қилган экан-да!»— дебди.

— Тақсир, шонмасангиз, ўзингиз бир қараб қўйинг!— дебди.

Биров қазвинликнинг уйда намоз ўқимоқчи бўлиб, қишла

1 Қазвинлик—ғирвонлик маъносидида.

ҚОВУН

Қовуннинг тарихи узоқ.
Унинг таърифи халқ оғзаки ижодда ҳам
мадҳ этиб келинган:

Тилла ҳилолим бор эди,
Танда гуноҳим бор эди,
Урди пичоқ бағрима,
Нима гуноҳим бор эди?

Унинг гуноҳи — бағрида қанду асал борлиги.

Эмишки, Насриддин болалигида домласи унга озгина пул бериб: «Узимга, кўзимга, товуғимга таом келтир», деб бозорга жўнатибди. Насриддин ушанда ҳам фаросатли экан. Гузардан каттақон қовун кўтариб келибди. Дарҳақиқат, бу домласининг дилидаги экан: қовуннинг гўшти домлага, пўчоги кўзисига, уруги товуқларига овқат бўлибди.

Қадимдан сахро халқлари, хусусан, турман ва хоразмлинлар олис сафарларда хуржунларига тўрт-бешта қовун солиб юрганлар. Чунки ўзининг аёвсиз иссинқилларида қовундан ўта қанқоғни бостирадиган таом топилмас...

Тарихий ҳужжатларда IX—X асрларда ҳам тупроғимизда қовун битгани, Бағдод тарафга кўп қовун юборилгани ҳикоя қилинади. «Бобирнома»да эса Андижон қовунининг таърифи бор. Академик П. М. Жуновскийнинг айтишича, қовуннинг ватани «Олдинги Осиё»дир, яъни Ўзбекистон, Афғонистон, Туркия, Ироқ, Сурият... Еввойи ҳолда ўсадиган қовунлар Африка, Жануби-Ғарбий Осиёда ҳам учрайди...

Аниқ маълумотларга кўра, ҳозир республикамизда 150 дан ортиқ қовун нави бор. Улар эртапишар, ўртапишар ва кечини қовунлар. Энг серҳосил, ширин навлари: зард, кассаба, обинновот, амири қовунлари.

Битта қовуннинг таркибида 80 фойизча сув, 18 фойиз қанд, 25 миллиграмм «С» — дармон дори бор; уругида 40—42 фойиз мой бўлади. Қовунни сақланса, йилнинг ўн икки ойида ҳам дастурхонимизни тарқ этмайди. Қоқиси, шарбатиси ҳам монга даводир...

Қовун навларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилинмоқда. Тошкентдаги сабзавот-илмий текшириш институтида бир қанча олимлар қовун навларини яхшиларни устидан олиб борапти. Олим Абдурахмон Қаринов бу йил шу мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлади. Бу ишнинг қовун ҳақида кўп қилган илмий асарлари бор...

ЗАМОН МУРОДИ, БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ КАНДИДАТИ.

Биология фанлари кандидати.

ИЖРОҚУМБУВА—Махсум ака, мана, гўзава ишловни ҳам тамомладик. Энди бир қовун сайдали ҳам қилайлик.

МАХСУМ АКА—Хўп, бўлпти. Қани бошланг.

ИЖРОҚУМБУВА—У қуни қапага келганисизда ҳафсала билан шакарпалак сўйиб берсам, бетбетини едингизу тазини емадингиз, «Шўр солинган» деб.

МАХСУМ АКА—Жўрттага емадим. Бирор нарса дейин десам, сиз бу ишни «Тош босди» деб қилгансиз.

НАСРИДДИН АКА—Махсум ака! Қовуннинг бемазалиги жуда-ям шўрдан эмасдир. Ижроқумбува магазиндан хил уруги олмай, сизнинг паст уругиниздан эккан бўлса керак.

ҲОИИБ АКА—Бу Махсум қовунни танлаб ёйди. Ҳар қанақа қовун емайди, бу «Кал Ҳасан» ёйди.

МАХСУМ АКА—Насриддин ака! Ижроқумбува қовун пойлашини билмас экан, пайкала ҳеч ким киргани йўғу акт тузиб юрипти: «Босиболди» деб.

ҲОИИБ АКА—Ижроқумбуваам яхши деҳқон эмас эканлар. Ҳама қовунлар пишиб бўлди-ю, бу кишиники «Кўкча» тирипти.

МАХСУМ АКА—Ҳалие «Босиболди»нинг ёнида Ҳоиб ака ҳам турган экан, Ижроқумбуваа айтдим: «Жўраси қанд» чиқиб қолди, деб.

НАСРИДДИН АКА—Ижроқумбуванинг қовунни пишиганига анча вақт бўлди-ю, тавба, ҳали ҳам узилмапти.

ҲОИИБ АКА—Узилмасин, «Умрибоқ» бўлсин.

МАХСУМ АКА—Узилмагани дуруст, «Пирсилдоқ» бўлса ҳам бозор-дчарга яраб турайди-ки!


НАСРИДДИН АКА—Ижроқумбува яхши деҳқон эмас эканлар, палаклари икки сувдан қолувди, мана гуллари ҳам тўқилди кетди.

ҲОИИБ АКА—Ҳа, чопиқ ҳам қилмаган эканлар, тутганлари ҳам бурак бўлиб қолди.

МАХСУМ АКА—Шунинг учун бозорда савдонинг мазаси йўқ экан-да: «Кесак қиссан» деб олишмаяпти.

НАСРИДДИН АКА—Бу йил қовун бўлмапти-да! Айб Ижроқумда. Мана қуруқ капанга кириб ўтирибмиз.

РАСУЛЖОН—Махсум ака, қовун пайрови яхши бўлди-ю, лекин мана бу хамак пишмай қолди-да.



Тилими

ТИЛИМНИ

МИНГ ТИЛИМ

ҚИЛГАН...

қайси томонда деб, сўраган экан, қазвинлик:

— Бу ерга кўчиб келганимга энди икки йил бўлди, қибла қайси томонда эканини қайдақ билман, — дебди.

Хуросонда Халаф деган бир ҳоким бор экан, унга фалон киши сенга йўшайди дейишибди. Ҳоким дарҳол йўша одамни топтириб келибди ва ундан:

— Онанг атторлик қилиб, катталарнинг эшигига боргани йўқ-миди? — деб сўрабди.

У одам шундоқ жавоб берибди:

— Онам остона ҳатламай уйда ўтирадиган аёл эди, лекин отам каттақонларнинг боғида ишлаб, сув ташиб юрар эди.

Биров дўстига:

— Кўзим оғриди, нима қилай—деса, дўсти:

— Бултуп тишим оғриган эди, сугуриб ташловдим, — дебди.

Сўфи юзурганича азон айтиб бораётганини кўриб, одамлар ундан:

— Нимага юзураясан? — деб сўраган экан, сўфи шундоқ жавоб берибди:

— Сенинг товушинг узоқдан ёқимли дейишади, ўз товушимни узоқдан эшитмоқчи бўлиб юзур-япман.

Кўчада одамлар тобут кўтариб бораётган экан, камбағалнинг ўғли отасидан:

— Дада, унинг ичиди нима бор? — деб сўрабди. Отаси, одам бор, деб жавоб берибди.

— Қаерга олиб боришаяпти? — деб сўрабди бола.

— Шундоқ бир ерга олиб боришаяптики, — дебди отаси, — у ерда ейдиган ҳам, ичадиган ҳам, нон ҳам, сув ҳам, ўтин ҳам, олтин ҳам, бўйра ҳам, гилам ҳам йўқ дебди.

— Демак бизникига олиб бораётган эканлар-да, — дебди бола.

Бир касалга ҳоким етти йиллик сирка ичишни буюрган экан, у одам дўстидан:

— Сирканг борми? — деб сўраса, дўсти:

— Борку, лекин бермайман, — дебди.

— Нега? — деб сўраса, шундоқ жавоб берибди: — Ҳар кимга бераверганимда

етти йил турармиди, биринчи йилдаёқ тамом бўлиб кетарди-да, — дебди.

Шерозлик масжидда кўкнор сузаётган экан, Масжид ходими бундан хабардор бўлиб, шерозликни сўқибди. Шерозлик мундоқ қараса, ходим ҳам чўлоқ, ҳам кал ва кўр экан.

— Ҳой биродар, — дебди шерозлик, худо-ку сенга кўп ҳам ғамхўрлик қилмабди, сен нега энди унинг уйи учун мунча қайғирмасанг?

Миришлар кечаси бир мастни ушлаб:

— Тур ўрнингдан, сени зиндонга олиб борамиз, деса, маст: — мен ўрнимдан тура олсам уйимга кетмасимди, — дебди.

табиат



оламидга

Ирмоқ

Сочма

Ирмоқ шилдирайди. Майин қўшиғини қуйлаганча олға сапчийди: «Мен жаҳонда из қолдирмоғим керак! Йўлим олис. Чўлга бораман, гиёҳ унмаган ерларни қондираман» дейди у.

Орзуга айб йўқ.

Дарёнинг ҳам сафари чўлга: «Ке, қўшил менга» дейди ирмоққа. Аммо ирмоқнинг қарасиси келмайди. Нечун қарасин? Дарёга қўшилса ким ганийди уни? Дарёга қўшилиб кўринмай қетсинми? Йўқ!

Туни-кун давом этади йўлди. Мана, орзу ушаладиган бўлди. Чўлга етиб келди. Ирмоқ енгилеги нафас олиб, атрофга қараб қўйди. Лекин... Бир тарафдан тўсиқларни ениб, чўлни титратиб дарё келди, эндигина умидини узган ирмоқни оғушига олди.

Чўл жонлана бошлади.

Ирмоқ дарё қўйида тўлганиб, яна ҳайқирарди: «Чўлни гўзал қилаётган, ҳаёт келтираётган менман! Кўриб қўйинглар, мен!».

Маҳмуд СУЛТОНОВ.
Қўқон.

I

Роҳат-роҳат дам олинг... Шу қарағайзор, ям-яшил, губор қўнмаган; буй чўзиб унга етолмаган қайинлар; барглари нушдай ялтирайди. Жим-жит, барглар шилдирамайди.

Оқариб кўринган йўлдан ўрлайсиз, аста кўтарилаверасиз; муздек ел намхуш буй учириб димоғингизга уради, нўнс кенгайди; йўл ёқасидаги қояга ўтириб бирпас ором олгингиз келди... Йўқ, ўтиролмайсиз, баландроқдаги қарағайлар бундан яшил, қайинлар яна ҳам оқ, тагин-да тиниқ, сизни имлайди; яна ўрлайсиз...

Ирмоқ-ирмоқ сўймоқлар йўлга туташади. Тўхтайсиз, ўрга, чўқинга назар ташлайсиз. Чўқинга кўтарилган сўймоқча буриласиз. Энди сонинли бузилади: ранго-ранг саввалар, сиз нўрмаган нушлар бетиним сайрашади, тикилиб қоласиз. Аммо накликларнинг қувақ-нувақ, чақчаги сизни яна йўлга тортади. Бироқ наклик кўринмайди, тўхтаб қулоқ соласиз. Тоғнинг хусусияти шу: наклик бу ёқда сайрайдию, овози нариги адирда эшитилади. Қулоқ динг бўлса, овоз чиққан жойни биласиз. Енгинангизда, қоя устида тумшуги қизил, томоғи тўс қора наклик туради; яқин боринг-а, қочмайди, нўзини юмиб сайрайверади. У маст туллан, мастаги шу қоя тағидаги инда тухум босиб ётибди; посбон уни ташлаб нетармиди, йўқ! Посбонни қўзгатмайсиз, бўлгуси жұналарни босиб ётган мастагини ҳозир шу қўриқлайди, шу боқди-да... Ҳа, у онла бошлиғи.

Енлаб ўтасиз, чўқин бағридаги тиниқ булоқ лабига, майсага ястаниб ётасиз, тепангизда, оқбарг тол шохларида анвойи хил қушлар сайрашади, нарида наклик қувоқлайди. Қушларнинг шу нағмаси, тоғ шабадаси сизни аллалайди, нўзингиз уйқуга нетади.

Роҳат-роҳат дам олинг!

II

Чарчоғингиз тамом ёзилиб нўз очасиз. Кўзингизга гўё нур қўшилган. Туриб, нўиси ненг жилга оралаб булут ўпар қорли чўқинга тикиласиз. Ҳа, айтмоқчи, тушликни қаерда қиласиз? Ҳў, ўша тоғ ўнгирида, минг яшар арча тағидаги чашма бўйида...

Водийга шу доимий қорлар ҳаёт суви беради; олдин ирмоқ-ирмоқ, кейин жилга-жилга, булар ҳаммаси қўшилиб дарё-дарё сув...

Қани риозани орқаланг, юриб, қўниб, роҳат-роҳат дам олинг!

III


Тоғлар ошдингиз, кўнат-гуллар бўйини ҳидладингиз, булоқларнинг зумрад сувидан қониб-қониб ичдингиз. Ниҳоят, улкан дарани тўлдириб, ҳайқириб оқайтган дарё лабига келдингиз. Шу ерда бир роҳат қилмай нетарминдингиз? Йўқ! Кўпириб, гупириб, сапчиб оқшини қаранг. Дарё лабидаги шу ясси қоя устида ақалли қулочингизни кенг ёзиб, босиб келган йўлингизга бир қарасиз, хузур ҳордиқ учун шу қарағайзор, арчазор, ороминюн тоғларга қулиб боқасиз.

Яна йўлга, келгуси дам олиш кунигача ишга!


Ҳа, роҳат-роҳат дам олинг!

РОҲАТ ҚИЛИНГ

Ўрмон ҳавоси исиди. Терак қавагидан чиққан ёш мўйловдор қўнғиз ўзини офтобга тоблаб бошлади. Шунда буқри тол қўлаб тушди. Чириган танасидан кекса мўйловдор қўнғиз ўрмалаб чиқди-да, уни бузилганидан хафа бўлиб, дархатларга қаради. Теракдаги ички кўриб қолиб: «Шўнга кириб оламан», деб ўйлади; шу томонга йўл олди. Меҳмоннинг қора ниятини англаган ёш қўнғиз ерга тушди.



Мўйловдорлар
жанги




2. Лекин ўжар навқирон унинг тумшиғидан шўртта тишлади.


1. Рақиблар мўйловларини кўтариб яқинлаша бошлади. Ёш рақиб, оғзини катта очиб, кўзларини чақнатди. Унинг вазоҳатидан қўрққан кекса рақиб муроса қилишни ўйлаб хўмрайиб тўхтади.



1. Ҳордигингизни ёз бўйи ана шу яшил тоғларда ёзинг. Қани, қайси сўқмоқдан ўрлайсиз, қайси чашма лабига ёнбош ташлайсиз?



2. Водийга шу қорли чўққилар ҳаёт суви беради. Ирмоқлар шилдирайди; жылғалар шовиллайди; кейин...





3. ...Кейин жылғалар қўшилиб дарё бўлади... оппоқ кўпик сочиб ҳайқиради, тошларни бир-бирига қўлдиради уради. Дарё лабига унган бир туپ сирач роз туриб гулни кўз-кўз қиляпти. Дарё ичидаги қояда тик туриб роҳат қилинг.

М. ТҲИЧИЕВ.
фотоси.



3. Қўлларини қайириб ёнбошлатди.



4. Мағлуб қўнғиз чалқанча тушиб қолди, «таслим бўлдим», деб қўл-оёқларини ёзиб юборди. Бироқ ёш қўнғиз уни бўғиб тураверди... Ўлдирди.

Бу манзарани энтомолог, биология фанлари кандидати Норқўзи ЭРҒАШЕВ расмга туширди, Шукр ХОЛМИРЗАЕВ ёзиб олди.

йўлга тушуб эрдим, бироқ Малик Фараж ет-кузмай кетди. Шундай бўлсадаги ортидан боса бориб, Дамашқ шаҳрини өлдим.

Иккинчи мақола

Йигирма еттинчи. Рум вилоятларини тобун қилиб, Қайсар қўшунини синдиришда қилган кенгашларим

Миср Шоми подшоши Малик Фараж уруш майдонидан ночди эрса, бутун Шом аҳли менга тобун бўлиб, бўйин сундилар. Шу орада Румга юборган элчиларим ҳам қайтишиб келди. Бироқ Рум Қайсарни Йилдирим Болэит яхши жавоб ёзмагон эди. Лекин Миср, Шом аскарини мен билан енгилган хабарини эшитгач, ҳайронликда қолиб, уруш жамалагасини қилишга кирмишди. Мен бўлсам Дамашқ шаҳрини олиб, Шом вилоятларини тобун қилгач, Мўсул йўли билан Бағдодга қараб юрдим. Қайсарнинг мен билан уруш қилиш нияти бор-йўлигини билиш учун кенгаш қилгондин сўнгра Озарбайжонга бормоқчи бўлиб, Табриз йўли орқали жўнадим. Амирзодаларнинг бирига оғир аскар қўшиб, Бағдод устига юбордим. Бағдод ҳокими Султон Аҳмад жалоийр шаҳарини нузатиб, қалъани сақлаш учун нурғун аскар билан ўз навқари Фаррух деган кишини қўймиш эди. Меним аскарим борғач, шаҳар қамал қилиниб, иш урушга айланмишди.

Бу хабарни англадим эрса, Бағдодга ўзим боришни кенгаш кўрдим. Табриз йўлидин қайтиб, илгар юриш билан Бағдодга келдим. Уруш тадбирларини нурғанимдан сўнгра соқил йўли билан қалъани қамал қилишга кириндиким. Қамал кунлари узайиб, икки ой ўтгандин кейин қалъани олиб шаҳарга кирдим. Қалъа бекчаси Фаррух ночиб қичиб, Дамла суйида гари бўлди. Шаҳарга киргач бутун бевош, бузуқ кишиларни ўлимга бюрдим.

Аскарлар қалъани бузиб, шаҳар иморатларини яқитиб ер билан баробар қилдилар. Бағдоддин бушанғоч, Озарбайжонга келиб, шу ерда бир қанча вақт турдим. Шу чоқда менга хабар бердиларинки, Қайсар Ҳалаб, Ҳиммас, Дибр Бакр вилоятларига аскар юбормишди. Мендин қочиб Қайсар паноҳига кирган Қора Юсуф эрса, қароқчилар бошлиги бўлимишди. Йўловчилар йўлини тўсиб босмачилик қилур эмиш. Айниқса икки ҳарам* орасида юриб турган қаровонларга нўп зиён келтирмақда деб англадим. Бунинг устига уёқдин бир жамоат кишилар келиб, Қора Юсуфининг қилган жабрзулимини менга эрз қилдилар.

Бу сўз аниқлангач, Қора Юсуфининг жазосини бериб, Қайсар кўзини гафлат уйқусидин очиб қўйишим менга лозим бўлди. Бу тўғрида кенгаш ўтказиб, ҳар шаҳар ва ҳар улусдин аскар қақирдим. Қўшун йиғилиб тайёрлангач тарих 804 хижрада Озарбайжондин Қайсар устига лашкар тортиб жўнадим. Узимдин илгари бир неча бўлуқ аскар юбориб, Рум мамлакатларини чопул қилишга бюрдим. Чўплик, сувлик ерлардин қўналга қўришиб, от-ҳайвонларимизга ем-хашан тайёрласунлар деб аскар олдиндан бир бўлуқ кўзлук кишилар гўндирдим.

Сўнгра ўзим Ангурия йўли билан Қайсар устига лашкар тортидим. Қайсар Болэит эрса отлик-яёв бўлиб, тўрт юз минг аскар билан мени қарши олимиш эди.

Уруш очилгач, Рум аскарини енгдим. Аскарларини Қайсарни асир олиб, олдимга келтирдилар.

Етти йиллик юришдин сўнгра зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим.

Кахрамон ўғилларим, давлатлик набираларимга маълум бўлсинки, тангридин умидим бордир, меним авлод насларимдан нўп кишилар узун йиллар салтанат тахтига ўлтурадилар. Шунга кўра, салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузуқ (қонун)ларга боғладим. Ўз салтанатини сақлаш учун унинг қўланмаларини ёзиб қолдирдим. Бу салтанат давлатини қўлга келтиришда қанча кўп уруш-талашлар қилиб, нурғун меҳнат-машаққатлар тортидим. Охири тангри ёрдами, дини Ислому шарофати, Муҳаммадлайҳсаломга ва унинг авлод ва асқобларига қилгон муҳаббат ва дўстлугим орқалиқ бу улуг салтанатга эга бўлдим.

Энди меним авлод-насларимдан қайси бирлари мендан сўнгра бу салтанат давлатига эга бўлсалар шу кўрилгон тузуқ (қонун)ларни амалга ошириб, иш қилсинлар. Агар салтанат ишларида шу тузуқларни қўланма қилар эканлар, мендин уларга етадиган салтанат давлатини нўп замонлар зиёдин, заволдин сақлай оладилар.

Энди меним ўрзлик ўғулларим, иқболлик турунларимга топширигим шулдирки, мен ўн икки нарсани ўзимга лозим тутиб, шулар орқалиқ салтанатни қўлга келтирдим. Шу ўн икки нарса ёрдами билан иқлим олиб, жаҳонгирлик қилдим. Шулар билан тахт-салтанатимга зебу зийнат бердим.

Шу ўхшаш меним авлод-насларимдаги шу тузуқка амал қилиб, мендин етган салтанат давлатларига соқилиқ қилсинлар.

САЛТАНАТ ДАВЛАТИГА БОГЛАГАН МЕНИМ БИРИНЧИ ТУЗУГИМ бу эдиким, худонинг динига, Муҳаммад мустафо шариятига дунёда ривож бердим. Ҳар жойда ва ҳар вақтда Ислому динини қувватладим.

ИККИНЧИ шулким, ўн икки табақа кишилардин қўшун тузув, жаҳонгирлик қилдим. Давлат, салтанат асосларини шулар билан қувватлаб, мажлисларини шулар билан зийнатладим.

УЧИНЧИ шулдирки, бутун ишларимни кенгашга боғладим. Соқилиқ-серганик билан тадбирлар юргиздим. Бу орқалиқ қанча қўшунлар синдириб, бу мамлакатларни ўзимга боқиндирдим. Салтанат юргизиб, давлат қуриш ишларида дўстларимга муруват, душманларимга мадоро (мурсо) қилдим. Бу йўлда йўлдан оғирчиликларни кўтариб, нўп ишларини билиб турсам ҳам билмасликка солиб ўтказдим. Салтанат ишоханасини тўра-тузуқка қаттиқ боғладим. Энг аввал, тўра-тузуқ (қонун)ларга ўзимни шундайин тўғри турғуздилик, буни кўрган вазиралар, амирлар, сипоҳариатлар ўз кўзларидан ташқари қадам қўёлмадилар. Ҳар бирлари ўз мартабаларини сақладилар.

ТўRTИНЧИ, амирлар ва сипоҳларимга бовли (унов) бериб, улардин олтин-кумуш аймақ, кўнгилларини кўтардим. Яраш кунларида яхши ўринлар бердим. Уруш гезларида жонбозлик қилдилар. Уларнинг ишларини енгиллаштириш учун меҳнат машаққатларини тортиб, оғирчиликларини ўзим кўтариб, уларни тарбият қилдим.

Шу тадбирларим билан амирлар, сипоҳлар, баҳодирларимнинг кўнгилларини топиб, ўзимга боғладим. Бирлик-иттифонлик қўлга киргачгина баҳодирлик билгани билан қилич чопиб, йигирма етти подшо пойтахтини олиб, ўзимга тобун қилдим. Эрон, Тўрон, Рум, Маргиб, Шом, Миср, Ироқ, Ироқи Араб, Ироқи Анам, Мозандарон, Дилонот, Ширванот, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти Чита, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Хўтан, Кобулистон, Бахтарзамин, Ҳиндистон — шу мамлакатларнинг барига подшо ва ҳукмрон бўлдим. Қачонки бу улуг салтанат либосини кийдим эса тинчлигим ўзимдин кетди. Роҳат тўшағида бир дам ётиб нўз юммадим.

Ўн икки ёшимдин тортиб, от миниб, ўф отдим. Бу йўлда чексиз машаққатлар тортидим. Кенгаш билан тадбирлар юргизиб, нўшунлар синдиридим. Амирлар, сипоҳлардин қаршилиқлар кўрдим. Алардин аччиқ сўзлар эшитдим эрса, яхши-ёмон ишлар кўрдим эрса, эшитма-

ган-кўрмаганден бўлиб, сабр қилиб ўтказдим. Ўз қўлим билан қилчилар чопдим, иқлимлар олиб, дунёга ном чиқаздим.

БЕШИНЧИ, инсоф-адолат йўлини тутиб, халқни ўзимдин рози қилдим. Гуноҳсиз-гуноҳлиларга ҳам раҳм қилиб, ҳаққа ҳўм қилдим. Сипоҳ-райятларга сийбат-шафқат кўрсатиб, аларни кўрқинч билан умид орасида тутдим. Фақир-камбағалларга марҳамат қилиб, сипоҳларга совринлар бердим. Маълумлар тенглигини золимлардин олдим, мол зулми, тан зулми аниқлангандин сўнгра улар учун шариятга қараб ҳўм чинардим. Ҳар кимни ўз гуноҳи учун тутдим. Биров учун бировни жавобга торتماдим. Қанча бир кишиларим, менга ёмонлик қилиб, юзима қилич сугуриб, ишима зиён етказган эдилар, қачон у ишларини ўйуниб, меним паноҳимга қайтиб келдилар эрса, аларни ҳурматлаб, мартабаларини кўтардим. Утмишдаги ёмон қилмишларини кечирди қаламини чекиб, уни унутдим, улар билан шундайин яхши кечиндиким, кўнгилларидаги илгариги ишлари бутунлай кўтарилди.

ОЛТИНЧИ, пайгамбар авлоди — саидлар, уламо-машойихлар, оқил, билгич, доғишманлар, муфассир, муҳаддислар — шуларнинг яхшиларини танлаб олиб, иззат-ҳурматларини жойига келтурдим. Шиноатлик баҳодир кишиларини дўст тутдим. Анинг учунини аларни тангри дўст тутмишди. Доим олимлар, оқиллар билан сўхбат кўрдим. Ақли динлар кўнгилларини топдим. Буларнинг ҳўматларини улуш тилани, муборак нафасларидин фотиҳа сўрадим. Фақир-мискинларни яхши кўриб, аларнинг ҳожатларини чиқардим. Ҳеч бир ерда буларни нуруқ қайтармадим. Қайси жинсдин бўлса ҳам ёмон одамларни ўз мажлисимга йўлатмадим. Уларнинг сўзларига нулоқ солмадим. Бировлар устидин қилган шиноатларини эшитмадим.

ЕТТИНЧИ, ҳар сўзда ва ҳар ишда чинлиқ, жиддиятлиқ йўлини тутдим. Нима ишни қилишга қасд қилган бўлсам, кўнглим шунга боғланиб, уни бутурмагунча ундин қўлимни торتماдим. Ҳар на айтқонимни қилдим. Ҳеч кимни қаттиқ тутмадим. Ҳеч ишга торлиқ қилмадим. Менидаги тангри натиқ тутмасин, ишмин тор қилмасин дедим. Утган подшо, султонларнинг қонунларини, йўл-йўриқларини, қилмиш-турмушларини, Одамдан Ҳотамгача, Ҳотамдан шу дамгача билгич олимлардин сўрар эрдим, аларнинг бутун қилгон ишларини кўнглима келтуриб, яхшиликларини нухса қилиб, унга амал қилар эдим. Подшоларнинг давлатларига завол етказган ёмонликларни текшириб, улардин сақланур эдим. Зулмдан, бузуқчилик-вафоданки — наслини бузади, очарчилиқ, вафо келтиради — булардин сақланганини ўзимга лозим билар эдим.

САККИЗИНЧИ, раият халқ аҳволи билан яхши танишар эдим. Улуғларни оғалар қаториде, кичикларини болаларини ўринда кўрар эдим. Ҳар ернинг табиятини, ҳар элнинг ижошларини, расми оқид, йўл-йўриқларини текширар эдим; ҳар ернинг, ҳар шаҳарнинг катталари, улуғлари билан ошнолиқ қилдим. Уларнинг мижозларига, табиятларига тўғри келган, ўзлари тилган одамлардин ҳўмин кўрдим. Ҳар вилоят, ҳар мамлакат аҳволидан огоҳ бўлдим. Ҳар жойининг аҳволини, сипоҳ-райят турмушларини, булар ўрталаридаги алоқаларини ёзиб, менга билдириб туриш учун дўнәтатлиқ, тўғри қаламлик кишилардин воқеа ёзувчилар белгиладим. Агар ёзгонлари нотўғри чиқди эрса улари жаозоландим. Ҳўнмат кишилардин ёни сипоҳ-райятлардин қайси бирининг халқига жабр-зулм қилганини эшитдим эрса, инсоф-адолат билан дарҳол унинг чорасини кўрдим.

ТУНҚИЗИНЧИ, тури-томик, араб-ажамдин ҳар тоғфа ва ҳар қабиладин бўлсин, агар меним давлатхонамага кирдилар эрса, улуғларини ҳурматладим, қолганларини ўз ҳолига яраша сиёладим. Аларнинг яхшиларига яхшилик қилдим, ёмонларини эрса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлиқ қилгон бўлса, дўст қадрини унутмадим. Унга яхшилик қилиб, кишини кўрсатдим. Ким менга хизмат ўтказган бўлса, хизмат ҳаққини соқладим. Қайси киши менга душманлик қилиб, кейин ўзи пушаймон бўлиб, тиз уриб олдимга келса унинг душманлигини унутиб, дўстлиқ меҳри билан унга оталиқ қилдим. Бунга мисол, улус амири Шер Баҳром меним йўлдошим эди. Энг кераклик кунда, иш вақтида мени ташлаб, душманга қўшилди. Менга қарши қичиб,

* Икки ҳарам — Макка ва Мадина.

юзимга қилич сугурди. Охир уни тузим торти бўлгай, тиш урив яна ўзимга сиғиниб келди. Бу эрса иш қилган, кўпни нўрган асл киши бўлгонлиқдан ўтган ёмон ишларнинг барисидан кўз юмдим, олдими налгач, ўзини ҳурматлаб мартабасини оширдим. Бошқа қилларини баҳоқиларига бағишладим.

УНИНЧИ, болалар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшниллар, мен билан бир вақтлар дўстлиқ қилган кишилар — буларни эрса, давлат, неъмат вақтларида унутиб қўймадим. Доим йўқлаб-сўроқлаб, ҳақларини адо қилдим. Ўз фарзандларимдан, қавми-қариндошларимдан қариндошлиқ меҳрини узмадим. Гуноҳ қилган бўлсалардаги, уларни боғлаша, ўлтиришга буюрмадим. Ҳар ишини қандай таниган бўлсам шундайча муомала қилдим. Дунёнинг иссиқ-совуғини кўп кўриб, ундан таърибалар кўтардим. Шунинг учун дўст-душманларим билан яхши кечиндим.

УН БИРИНЧИ, дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳларни ҳурмат қилдим. Чунки булар ҳурматга лойиқ кишилардир. Ширин жонларидан фоний дунё учун кечадилар. Маърака-майдонга ўзларини отиб, жон кўрбон қилдилар. Агар душман тарафиди бир сипоҳ ўз бегини суйиб, унга берилган бўлса, уруш кунларидега менга қарши қиличлар сугуриб, майдон ўтназган бўлса, ундай одамни мен яна яхшироқ кўрдим. Агар шундай киши меним олдимга келиб қолар экан, бошқалардин кўра унинг қардини ортиқроқ билдим. Вафодорлигини нўрганим учун уни ўзимга ишонимлик, яқин кишилардин қилдим. Қайси бир сипоҳ ўз давлатига бевафалиқ қилиб, унинг туз ҳаққини сақламай, иш вақтида ундан юз ўғириб менга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман билдим. Тўхтамышхон урушида унинг амирлари менга тил бериб, ўз хонларидин юз ўғирдилар. Ўз хонларининг туз ҳаққини унутиб, менга келиб қўшулдилар. Ленин мен буларнинг қилган бу бевафочилик ишларини, ўзимга фойда бўлса ҳам, яхши кўрмадим, «ўз давлатингга нима вафо қилиб эдинг, менга нима қилгайсан?» деб, улардин нафрат қилдим.

УН ИККИНЧИ, яна меним таърибамдин ўтди, қайси бир давлат агар диний асосга қурилмас экан, ва ҳам унинг ёсол (сиёсий) ишлари тўра-тузун қонунарига қаттиқ боғланмас экан, ундай давлатнинг кўруги кетар, ҳайбати йўқолур. Бундай давлат плангоқ кишига ўхшарим, уни кўрганлар жирнаниб, кўзини юмгайлар ёки бир уйга менгзар (ўхшар) ким, унинг усти очиб, эшиги-тўсиғи йўқтур. Кишилар, киши эмаслар киравериб оёқ-ости қилгайлар. Шунинг учун мен Ислон динининг қонуноқидасига асослаб, ўз салтанатимни қурдим. Тўра-тузунка боғлаб сиёсат ишларимни чингитдим. Давлат ишларидега олдинда учраган каттаиничи воеваларни тўра-тузунка солиб баъжардим. Мендин кўринган биринчи тузук — Ислон динига ривож бериб, Мухаммад алайҳасалом шариатини қувватлаш бўлди. Ҳар ерда ва ҳар шаҳарда Ислон дини, Мухаммад алайҳасалом

лом шариати билан салтанатимни зийнатладим. Пайғамбар насли — сайдалардан лаёқатлик бирини садорат унвоин билан Ислон раиси қилдим. Бунга ёрлиқ бериб,— бутун вақфларини кўриб чиққач, булар устига мутаваллилар кўйгай, ҳар шаҳар ва ҳар мамлакатга қози, муфтий, муҳтасиб белгулагай, сайдлар уламо-лар, машойихлар ва бошқа диний ҳандорларга суюроғол тайин қилгайлар,— халқ қозиси, аскар қозиси қилиб ҳар қайсини ўз олдига айирдим.

Мусулмонларни яхшиликка буюриб, ёмонлиқдин қайтариб учун ҳар мамлакатга бир шайхулислом юбордим. Яна ёрлиқ қилдим, ҳар шаҳарда масжид, мадраса, хонақа ясадилар, йўловчи мусофирлар учун йўл устига саройлар солдиргайлар, йўллар тузатилиб, сувларга кўприк боғлатгайлар. Ҳар шаҳарга олимлар, мударрислар тайин қилдим. Алар мусулмонларга дин эътиқодларини ўргатиб, шариат йўлларини билдиргайлар. Тафсир, ҳадис, фикҳ илмларига дарс айтайлар. Яна буюрдим, менга қарашлиқ бутун мамлакатларда шариат ишлари қандай юраётганлигини қозилар бошлиғи менга билдириб тургай. Шу ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарга ўз олдига айирмича адолат амири кўйдим. Бу эрса сипоҳу раиятнинг урф-одатларида бўладиган жанжаллиқ ишларини бутуриб, менга хабарини етказиб тургай. Шу тартибда қилиб Ислон динини тузатдим. Ислон мамлакатларида шариатга ривож бердим. Бунинг овозиси оламга тарқалиб, Ислон дини ривожининг хабари бутун аҳли Ислон қулогига етгач, Ислон олимлари фатво чинқардиларим, «оллолао ҳар юз йил бошида Ислон динини янгиловчи бир киши чиқарур эди. Бу 800-йилда Амირи Соҳибқирон Ислон динига ривож берди. Шунинг учун бу юзунинг дин янгиловчиси шу киши бўлгай» деб атрофга ёздилар.

Яна шу замоннинг улуғ алломаларидан бўлгон Мирслид Шариф шу тўғрида менга бир хат ёзишдиригим, унинг нусхаси бунди:

«Оллохумма усур ман насарадин вахзул ман хазалладин*. Илгари-кейинги Ислон уламо-ларининг барчалари бир оғиздан иттифоқ ила айтмишдиларим, оллолао ҳар юз йил бошида Ислон динини янгиловчи бир киши чиқаргай. Оллога ҳамдусанолар бўлсинким, бу 800-йил бошида Амირи Соҳибқиронни дин янгиловчи қилиб юборди. У эрса барча вилоят, мамлакатларда дини Мухаммадига ривож берди. Ўтган улуғ уламолар ҳар юз йил бошида келган дин янгиловчиларни текшариб шундай демиллар.

Ҳижратдин сўнгра биринчи юзунинг бошида келган дин янгиловчи халифа Умар ибн Абдул Азиз эди. Хаворинлар минбарлар устидан туриб, ҳазрати Алига таъна қилишиб, лаънатлар айтадилар. Дин заиф бўлгонлиқдин ҳеч ки-

* Мазмуни: «Ким динга ёрдам берса сен (Мухаммад) унинг ёрдамида бўл, ким динни ёрдамсиз ташласа, сен ҳам унинг ёрдамини ташла».

марса уларни тўса олмади. Аннинг учуним, ўшал кунларда Ислон аҳлининг иттифоқлари бўзилмиш эди. Булар ичидан бир тоифа кишилар чиқиб, чорёрларга таъна айтиб, лаънатлар ўқир эрдилар. Яна бир хиллари ҳазрати Али бошлиқ Имом Ҳасан, Имом Хусайн, ҳазрати Аббос — шулар ҳаққинда адабдин ташқари сўзлар айтишар эди. Қачон Умар ибн Абдул Азиз халифа бўлдилар эрса, бу ишларнинг барини йўқ қилиб, динга ривож берди.

Иккинчи юзунинг бошида келган дин янгиловчи Мазмуни халифа бинни Хорун Рашид эди. Бу эрса Ислон динида пайдо бўлгон етмиш икки турлик ботил музаҳабларни бостирди, ҳақ мазаҳаби — аҳли суннатга ривож берди. Имом Ризони Хуросондин келтириб, ўзига валиаҳд қилди. Унинг изми-маслаҳати халифа мамлакатларда ҳўним юргизди.

Учинчи юзда чиққан дин янгиловчи халифа Муқтадир Билло эди. Мундин илгари қаромти қавми чиқиб, буларнинг бошлиқлари Абу Тоҳир ҳаж мавсумида Маккага ҳўжум қилиб, ҳўжилардин ўттиз минг кишини шаҳид қилди. Ҳажарул Асвадин ўрнидин кўчириб олиб кетдилар. Кирган жойларини талаб-булаб, Ислон шаҳарларини кўп ҳароб қилгонлиқдин Ислон дини заифлашди. Халифа Муқтадир булар устига лашкар тортиб, бўйсуммаганларини ўлтириб, буларнинг фитнасини босди. Шу билан Ислон динига ривож берди.

Тўртинчи юзунинг бошида чиққан киши Аздудин Дайлами эрди. Шу даврининг халифаси Мутили Амрлло айш-ишратга киришиб, турлик фикс-фасод ишларига берилмиш эди. Унга қарашлиқ ҳўкимларнинг ҳам жибр-зуллари ҳаддин ошиб, фикс-фасод кўпайганлиқдин Ислон дини заифлашган эди. Бу халифани Аздуллола тахтдин тушуриб, аннинг ўғли Тойибиллони халифа кўтарди. Сўнгра шариатдин ташқари ишларни йўқотиб, динга ривож берди.

Бешинчи юзда Султон Малиншоҳ салжуқий эди. Шайх Аҳмад Жомий, ҳаким Саной — бу зотлар бунинг замондошлари бўлиб, Султон эрса буларнинг мурид-мухлислари эди. Шу даврда ҳам динсизлар, илмсизлар кўпайиб, ислон динини бўшаштирган эдилар. Маликшоҳ салжуқий динсизлиқни йўқотиб, Ислон динини ривомлантиришга қаттиқ киришди. Бошлаб ўзи дини Мухаммадига шундоқ бўйин сунди, шариатга қарши келгудек ҳеч иш ундин чинмас эди.

Олтинчи юзунинг бошида чиққан дин янгиловчи Ҳозонхон ибн Орғунхон ибн Ҳолохон эди. Ислон шаҳарларини мўғул нофирлари қоплагач, Ислон дини кўп заифлашмиш эди. Дин ривоици учун оллолао Ҳозонхонни кўзагади. У эрса бирдангига юз минг турки аскар билан Нор саҳросида шайх Иброҳим Ҳамавий қўлида барчалари имон келтириб, мусулмон бўлдилар. Тиллари билан имон калимасини айтиб нуфр-бидъат ишларини ташладилар. Бутун мамлакат шаҳарларида динга ривож бердилар.

(Давоми бор)



НОМ ҲАМ — ҲУСН

Журналхисларимиз магазин, ошхона, дорихона, китобхона, болалар боғчалари сингари маданий, савдо муассасаларига ном қўйиш тўғрисидаги «Гулистон» тақлифини қизғин маъқуллаш билан ярашиқлик номлар таялаб юборишди.

Қўйиш шулardan намуналар келтирамиз:

Магазинларга: Харидор, Ойгул Намуна, Барқут, Гулшан, Жилва, **Китобхоналарга:** Доно, Суҳан, Латифа, Китобхон, Олим, Ғазал, Билим, Милгбиреча, Мехризиё, Чароғбон, Машғала, Роман, Суҳбат, Хамроҳ, Эътиқод.

Радио магазинларига: Қўшиқ, Дилхирож, Субҳидам, Ушшоқ, Янғра сазим.

Спорт магазинларига: Камон, Лочин, Жайра, Қоплон.

Гаструхоналарга: Дастурхон, Тўқин, Новот, Тотлиқ, Хушхўр, Гулдаста.

Хўракхоналарга: Иштаҳа, Лайло, Зиёрат, Бадахшон, Оқшом, Мушона, Қирқ қокил, Иччи дил, Манзара.

ЗАГСхоналарга: Кўнғил, Ер-ёр, Келинчак, Сөгилди, Бахт, Садоқат, Аҳил.

Чойхоналарга: Шёла, Ором, Ҳордиқ, Отахон, Ҳурмат, Эҳтиром, Марҳабо, Яхна, Ширинсухан, Ғашт, Улфат, Чимдим.

Газета дўканларига: Газетхон, Ҳақиқат, Жарчи, Хушбахар, Дарак, Замона, Тафаккур, Мухбир, Журналист, Ажборот, Ҳаёт ойласи.

Бу тақлифларни Қўқон педагогика институтининг студенти Маҳмуд Валихонов, тошкентлик Анвар Тошпўлатов, Чуст район Косонсой қишлоғида яшовчи Дилором Тошпўлатова, Тошкентнинг Колхоз кўчасида истиқомат қилувчи Т. Зиёев, Ленинск шаҳрида яшовчи Марҳабо Содиқовалар йўллаганлар.

«Гулистон» бу ғайратлари учун уларга ташаккур изҳор этади.

Аралаш-қуралаш

БУҚАЛАР МУСОБАҚАСИ

Аргентинада буқалар мусобақаси ўтказилишини биласизми? Ҳар йили баҳор айёми охирида газета саҳифалари Аргентина қишлоқ жамиятининг мукофотларини олган буқалар расми билан тўлиб чиқади. «Гўзаллик мусобақаси»да гўлиб чиққан буқа «кил ошди» қилиб соғалади ва янги подага қўшилиб, пода наслини яхшилади.



ИЛОН ЧАҚҚАНЛАР

Биз одамни илон чаққанини кам эшитамиз. Қолбуки ҳар кун ер юзида юзлаб одамни илон чақади. Ҳисоблаб кўришса, йилда илон захридан қирқ мингга яқин одам нобуд бўлар экан.



Тўққиз йил ЕНАДИГАН ШАМ

Америкалик миллионер Пьерпонт Морган меросхўрларининг бюртимаси билан бир неча тоннали шам тайёрлади. Арвоқ хотирасида ёқилган ана шу шам Римдаги Авлиё Петр соборида ўрнатилган. Уни ўчирмаса узоқсиз 9 йил ёнади. Лекин меросхўрларнинг хоҳишига кўра, бу шам ҳар йили улғ маросим қўнлари Морганин эслаб ёқилиб туриши керак. Шундай қилинса, шам бир неча минг йилда ёниб татом бўлади.




МИНУТДА ВА ЙИЛДА

Қуёш нури Ерга саккиз ярим минутда етади. Бизга энг яқин бўлган кўринган юлдуз ҳам жуда узоқ — шўғласи биз яшаб турган тупроққа тўрт йилу уч ойда зўрға етиб келар экан.

ЧҲНГ ГИЛАМ

Дунёда энг катта гиламчи Ашхобод гиламдўзалари 1964 йили тўққинсан. Бу гилам лозазорни эслатади. Унинг катталиги 252 квадрат метр. Бундай саҳна бутун бир реактив лайнер қўниши мумкин. Гиламининг оғирлиги бир тонна.



ОЛТМИШ СОНИЯ

Бир минут нима? Олтмиш деб саналучка ўғиб кетадиган вақт. Инонни эйти ана шу бир минутда 4000 тонна оғват ёйди, 29 минг гектолитр сув ва шарбат ичди. Бир минут ишда дунёда 3000 тонна кўмир қазилади, 700 тонна чўян ва пўлат эритилади, 4600 жуфт пойафзал тайёрланади.



Ольга ШВЕЦЕВА,
медицина фанлари кандидати

Шу ҳам рекордмиш

АҚШ ва Канадада конькида темир бочка устидан сакраб ўтиш мусобақаси оммавийлашиб кетган. Яқинда канадалик спортчи Пирре Нью-Йоркда ўтказилган кескин олишувда 16 та темир бочка устидан сакраб ўтиб, «жаҳон рекорди»ни ўрнатди. Эртаси купу у 17 та бочка устидан сакраб ўтишга аҳд қилди. Пирре учун бу сўнги сакраш эди. «Рекорд» «рекорд»лигича қолди. Пирре энди бундай мусобақаларда қатнашиш «шарафи»дан маҳрум бўлган эди. У «рекорд» устига «рекорд» ўрнатаман деб икки оёғини сивдириб олганди.

Октябрь — бахтсиз ой

Швейцария терма командаси бундан кейин октябрь ойда бирорта ҳам матч ўтказмасликка қарор қилди. Чунки бу ойда мамлакат миллий командаси бир марта ҳам ютуққа эриша олмай, ўз футбол мухлисларининг кўнглини ранжитётган эди.

Агар терма команданин «таржиман ҳоли» билан танишар экансиз, октябрь ойда ўтказилган барча футбол ўйинларининг қаршисига йирик ҳисобда учраган магдубиятлар қайд этиб ўтилганининг шохди бўласиз.

Марҳамат, буни рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Швейцария терма командаси 1911 йил октябрь ойда Венгрия терма командасига 0:9 ва 1958 йил яна октябрь ойда 0:8 ҳисобда ютқазиб қўйди.

Қизик, Кипр терма командасини шу йил октябрь ойда ўзаро куч синашга чорлаган эди. Бироқ, Швейцария командаси бу учрашувни ноябрь ойнага кўчиришни рақибдан илтимос қилди.

Қани, ноябрь ойи Швейцария терма командасига қандай келаркин?

Семизлик ортиқча юк

Кишининг тўлаллиги, яъни семизлиги савлатга савлат қўшади дейишди, лекин табиат илми кўзи билан қараганда семизлик соғлиқ учун қони зиён. Чунки ортиқча эт кишининг юриш-туришини қийинлаштиради, қолаверса, юракка ортиқча юк бўлади. Нотўғри, бехисоб оғватланган ва кам ҳаракат қилган одам тез семиради. Семиз одам — ҳаммом, ортиқча юк кўтариб юради.

Бори-ю, ўрта семизликда бўлишни истасангиз таъбиқингиз тортган оғватни ейти билан бирга кўпроқ пийда юришга одаланинг. Ёйбонган таомларингиз хилма-хил бўлишига эътибор қилинг.

Агар, ўзингизнинг семира бошлаганингизни сезсангиз, қувватли оғватни қўп ейтишдан, шунингдек ном, хамирли таомларни истеъмол қилишдан тийилинг, есангиз ҳам кам энг.

Лекин, эйит, туҳум, сўт ва шу каби сороқсил таомларни бемалол истеъмол қилсангиз бўлаверарди. Масалан, бир киши кунига 2—3 стакан сўт ёки қатик, 150—200 грамм ёғсиз эйит, 30 грамм қаймоқ, 100 грамм сўзма, 100 грамм балиқ ёғити, 25 грамм ўсимлик мойи, 300—400 грамм турли хил сабзавот, жимладан, помидор, бодринг, пийё; 200 грамм олма, 100 грамм сарёғ, 200—300 грамм ном истеъмол қилса кифоя. Бундан ташқари, кофе, помидор шарбатларидан ичиб туриш лозим.

Шунда у тез семираб кетмайди, чаққонлигини, чапастлигини айқотмайди.

Бўғзи бировлар озаман деб кўпинча ўзини оқ қолдиради, қантаради. Бу — нотўғри, албатта. Бу уринишлар киши соғлигига зарардир.

Халоскор

Рухсат тегди. Катерга чиқдим. Дам олиш кунни бўлганидан шаҳарга борувчилар кўп эди. Палуба тўла одам. Бир пайт катер қаттиқ чайқалди-да, чеккароқда турган 25—30 ёшлардаги жувон сувга тушиб кетди. Йўловчилар ичида «Хай, хай, ушла-ушла, ташла-ташла» каби шов-шувлар авжига чиққанда бир йигит сувга ўзини отгандай бўлди. Орадан бир неча минут ўтгач, ташланган арконга тортилиб йигит ва жувон палубага чиқиб олишди.

Одамлар йигитни ўраб олиб, олқишларга кўмиб юборишди:

- Баракалла азамат!
- Яша ога ўгли!
- Жасоратингга балли, халоскор!

Йигит кўрқанидан ранглари ўчган, оғзига калима келмасди.

У зўрга ўзини тутиб, шивирлади:

- Қани ўзи, ким ўзи мени сувга итарган?!

Хар эҳтимолга қарши

Соат тунги 12 га яқин шаҳардан қайтсам, тез-тез старшиналар билан айтишиб қолиб, навбатсиз наряд олиб юрадиган бир ёш матрос яна пол юваепти.

- Матрос Дьяков яна наряд олдингизми?
- Йўқ, ўртоқ старшина.
- Нимага яна «отбойдан» кейин пол юваепсиз?
- Хар эҳтимолга қарши ювиб қўяман. Агар эртага наряд олгудай бўлсам, ювмайман.

Аламидан...

Байрам ўтгач командир бўлинма матрослари билан суҳбат ўтказишга кирди.

У бўлинмада байрам асосан яхши ўтганини, аммо Тараторкин деган матрос байрам кунни шаҳардан маст ҳолда қайтганини гапирди-да, унга юзланди:

- Матрос Тараторкин, нима сабабдан байрам кунни ичиб келдингиз?
- Аламимдан, ўртоқ командир?
- Қандай алам экан у?
- Байрам олди мусобақада группамиз охириги ўринни олганига чидай олмадим.

„Харбий сир“

Икки дўст учрашиб қолдилар. Гап орасида улардан бири:

- Ошхонада нарядда эдим, идиш ювишга тушиб қолиб, роса чарчадим-да,— деб шикоят қилди.
- Ошхоналарингизда неча киши овқатланади?
- Бу ҳарбий сир, айтиб бўлмайди.
- Ҳай майли, қанча идиш ювдингки, чарчадим дейсан.
- 300 та косани 3 марта ювдим.

Ҳабиб САЪДУЛЛАЕВ
запасдаги офицер.



Энг сўнгги бўри

Франциянинг чоққина Морестель шаҳарчасида янедан сайланган муниципалитет мажлиси ўтаётган эди. Муҳокамага қўйилган масала оддийгина — маҳаллий бюджетни қандай қилиб «ямаш» масаласи эди. Франция билан Швейцария чегарасига яқин хушманзара тепаликларга жойлашган Морестель шаҳарчасининг эҳрофий ҳолати саяҳатчиларни авож олдиришга жуда қўлай эди. Бироқ саяҳатчилар галаси (шу билан бирга уларнинг пуллари!) бирон фавқулоддалик рўй бергандагина Морестельга оқиб келиши мумкинлигини муниципалитет аъзолари яхши билишарди. Худди мана шу ерда олтинчи ёшли Франсуа Шоля ўзининг шаҳар ҳокимлигига беҳуда сайланганини иботлади.

— Бизга пулни бўри келтиради! — деб хитоб қилди у.

Франсуа Шоля эса олган бўри, гарчи у хусусда озмунча афсоналар тўқилмаган бўлса ҳам, ҳар қалай. Қизил қалмоқча ҳақидаги эртак қаҳрамони эмасди. У ростакамига яшаган кул ранг бўри эди.

Илк бор у ҳақда ўн йилча аввал гап-сўз юрган эди. Агроф қишлоқларда бирин-бирин қўйлар йўқола бошлади. Бу маҳал Франция тупроғида бўрилар батамом қириб ташлангани (расмий маълумотга кўра) туфайли, қўйларни саяёқ итлар нобуд этаётгани бўлса керак деб тахмин қилинган. Лекин бир кун эрталаб Ломбар деган деҳқон қўйхона атрофида чинакам бўри узини кўриб қолди. Ўша заҳотиёқ Тараторкиннинг маҳаллий авлодлари қўнғир милтиқларига ёпишдилар.

— Эҳтиёт бўлинглар,— деб овозлантириб қўйди Морестель полициясининг бошлиғи.— Бу тустовуқ ови эмас сизларга! Овза камидан иккитадан бўлиб бориңлар...

Аҳоли ўртасида ваҳима бошланди. Алаа қайси бир овчи бўри узини кўрибди деган шигириш ҳам тарқалди. Агроф қишлоқларнинг болаларини мактабга қуролли овчилар кузатиб қўядиган бўлди. Ҳукумат эллик квадрат километр ораликда олмавий тинтув ўтказишга мажбур бўлди. Унда икки минг ҳуркитувчи, минг овчи, уч самолёт ҳамда радиопаратлар бор олғмиш жаандарм қатнашди!

Урмон ёқасидаги буталар орасида пойлаган Альбер бўрини биринчи бўлиб кўриб қолади, қўй-

лари қалтираб ўқ узайди. Бўри ирғишлайди-да, ашқилади. Бироқ овчи унга яқинроқ келганида, ўқ қасининг ўнг томонидан ёқ еган бўри ўрмонга қочиб йўқолади. Аммо узоқлаб кетолмайди. Қорға тўқилган қонни қоралаб бориб, уни топадилар-да, отиб йўқирадилар.

Лекин Франция тупроғидаги энг сўнгги бўрининг тарихи бу билан тугамайди. Унинг терисини роса таладилар. У кимники бўлиши керак? Уни қувиб, узини топганимизми, ё уни яралаганимики, ёки уни охири ер тишлатганими? Жанжал шу даражага етдики, охири Морестель атрофидаги овда қатнашган Сермере, Васлен, Виньи қишлоқларининг овчилари жам бўлишиб босма шартнома тузишиб, остига муҳр босдилар.

«... Қардошларим бирдамлик руҳини ҳурматлаганимиздан, ноёб овимиз терисини келажак авлодларга қолдиришни хоҳлаганимиздан... бўри Виньи, Сермере, Васлен аҳолисининг бўлинмас мулки бўлиб қолади деб шартлашдик. Морестель шаҳри эса уни сақлаши, унинг бузилмаслигига галмўрлик қилишни лозим. Шу муносабат билан бўри учун 200 минг франк миқдорига сугурта йигими тўлайди...»

Бу шартномага асосан бўри терисини эҳтиётлик билан ошлаб, ундан қўлинг ўрелсин тулум (чучело) ясадилар.

Буларнинг ҳаммасини эслатиб ўтгандан кейин, Франсуа Шоля муниципалитет аъзоларига жиддий туриб айтди:

— Шу қари бўри бюджетимизга қанча фойда келтира олишини тасаввур қилоласизми?

Шундайликкаку шундайда, бироқ эларда у ҳозир? Бунга ҳеч ким жаслай олмасди. Фақат Франсуа Шоля биларди, холос. Бўри тулумининг шаҳарма-шаҳар кезиб юриб, охири Гренобль музейида сақланаётганини у биларди.

Шундай қилиб, юқорида айтилган ҳужжатга асосан яқинда Франциянинг энг сўнгги бўриси Греноблдан Морестельга олиб келинди.

Уни тантана билан кутиб олишди. Бўри тулуми юкланган машина анвойи гуллар билан ясатилган эди. Музика садолари тинмасди.

Морестель тарихидаги ана шу унутилмас кунни абадийлаш турида қарор чиқарилди. Бу ерда ҳар йили Франциядаги энг сўнгги Бўри кунни нишонланаётган бўлди. Шу кунни халқ сайили ўтказилади, мушакбозлик бўлади. Муниципалитет Морестель геобини ҳам бир қадар ўзгартиришга қарор қилди. Бу герб XIII асрда шаҳарчага итгон қилинган эди. Шаҳар гербидоғи ит тасвири жиндак бўляиб, бўрига ўхшатиб қўйилган бўлди.

ҒАЛАТИ СУД



ВО ЕШЛИ БҲИДОҚ

○ Буюк Британиянинг Мейдхид шаҳрида ўткнчиларга кун бермай қўйган итни суд қилинди. Бунда ҳозир бўлган ит эгаси норозилик билдириб, гуноҳорнинг

ўзини, яъни итни судга келтиришни сўради. Лекин судья бунга рухсат этмади. У ит гапира олмаслигини, гуноҳордан қасамёдсиз ҳеч нарса сўролмаслигини айтибди.

○ Америкалик 80 ёшли бўйдоқ Чарльз Бурже топан-тутган нарсаларини уч аёлга бўлиб берилиши тўғрисида вассиятнома ёзди. Меросхўр аёллар бундан 15 йил

муқаддам 65 ёшли бечора ошиқ муҳаббатини рад этган эдилар. Вассиятномада шундай сўзлар бор: «Уша аёллар туфайли қолган умримни ҳам беташеви, эркин ўтказдим».

Ҳожар холанинг ташвиши

Ҳожар хола ўпкалар
Мушдай қизга кўз тикиб:
«Бўлди менинг бўларим,
Кетганмикин кўзикиб,
Чивиндайн жонига
Тоқай касал қилар қасд.
Елғизим, тез тузалиб,
Қасд қилганлар бўлсин наст.
Ўзгаларнинг боласи
Оёқ яланг, бош яланг.
Ен атрофда чопқиллаб,
Юришибди ёш-яланг.
Бу-чи рангпар, иплиқи,
На иштаха, на куч бор.
Куймоқ берсам емайди,
Юз-қўлин юшиб уч бор.
Тивит рўмол бошида,
Оёғида пиймаси,
Янги бобрин пальтода
Шамоллаши нимаси?!»
Таниш-билиш ийманиб,
Дейди хола шўрликка:
— Бола пақир намунча
Иўлиқмаса хўрликка,
Ҳа деб ўраб чирмамай,
Бефарқ қаранг, қўйинг бўши.
Соф ҳавода яйрасин,
Кейин нима бўлар, хўш!
Дарров пайқаб оласиз,
Қон югуриб бетига,
Қадимгидай иргичлаб,
Тушар шўхлик кетига.
На совуқдан жунжийди,
На илашар дард унга.
Кўнелингиз ҳам ҳижилмас,
Қўшини, ўшаб бугунга,
Тарин бола сизники,
Шошмай ўйлаб кўринг хўп.
Халқ бекорга деганим:
— Кўз аялса тушар чўп.



Зоя Туманова

Юлдузлар муаммоси

Осмон зимзийё. Қора булутларнинг жулдур этаги азим терак шохларига илиниб қолганга ўхшарди.

Муюлишдаги чойхона деразасидан бўйраден хира ёруғ мўралайдди. Ичкарида одам нам: чойхўрларнинг аксарияти кенсалар, ҳурматли пенсионер отахонлар эди. Улар даврасида сонин, ширин суҳбат борарди. Янон пиёла худди осмон ҳилолидек давра айланиб, ғардоқли, абжир нўллардан аста галма-гал ўтарди.

Одамлар жужун намзилли, соч-соқоли қордек оппоқ мўсафиднинг сўзини эътибор билан тинглашарди.

— Кўҳна дунё шоирини Саъдий айтибдиларки, «Ўнта дарвеш бир яхтак остида ухлайди-ю, аммо икки шохга дунё тор...» Ҳозир кимга ер торлик қилиб қолди? Нега одамлар кўнка интилиб қолишди? Эҳтимол, тез кунларда тўда-тўда бўлиб учишар, а?— у бармогини ўйнатиб ўтирганларга маъноли қараб қўйди. Сўнг сўзида давом этди:— Ҳўш, айтинглари, азизлар, ҳамма осмонга кўтарилаверса юлдузлар қаерга боради?

Чол қиқирлаб нулди. Бу галати қилиқ унинг нуроний сиймосига прашмади. У узатилган пиёлани илтифот билан қўлга олди.

— Оғзингиздан бол томади-я, ҳурматли Абдували бобо,— сўзга аралашди оқ яхтан ийган кенсалардан бири.— Дарвоқе, шунақа бўлаверса юлдузлар қаерга боради?

У жим қолди. Уртага чўккан сунунатни яхтанлик чол бузди. Одамлар унга қарашди. Чол барала деди:

„Кичиклар, сизга айтимиз, катталар, сиз эшитинг“ туркумидан)

МАҚТАНЧОҚ ТОВУҚ

— Ойи, ойи, товугим қақоқлапты!

— Қарагин-чи, кучук-пучук кеп қолган бўлмасин тагин!

— Иўн, кучук келгани йўқ, товугим тухум туғдим деб, мақтаниб қақоқлапты.

— Вой зумраша-ей, муштдак туриб, товугини тилини қаёқдан ўрганиб олақолдинг?— қулди Саври хола.

— Ахир, адамлар ҳам, ойлик олганларида шунақа бақириб-чақириб келадилар-ку,— жавоб қилди Жамол.

ҚИЗИЛ ҚОР

— Ия, қизил қор ҳам ёғадими, ала?— деди Гулнора ҳозиргина почталдон ташлаб кетган газеталарни кўздан кеçираркан.

— Қизил қор ёғади, деб ким айтди сенга? Е газетда шунақа деб ёзибдими?— Қизининг саволига савод билан жавоб қайтарди Абдужаббор ака.

— Ҳа, газетда ёзибди.

— Йўғе! — Абдужаббор ака ҳовлиққанидан қўлидаги иёлани тушириб юбораёзди.— Ҳа-а, табиатнинг ишига тавба дейиш керак, қизил. Қани, газетин бер-чи, қаерда қизил қор ёғибди?

— Нега билмасликка оласиз,— деди Гулнора гинаоум.— Мама, газетин ўқинг: «Болалар бoғчаси қачон ишга тушади?»— дейишса, ўзингиз: «Қизил қор ёққан-да» деб жавоб берибсиз-ку!

— Агар, масалан, юлдузлар ерга тушса-чи? Уларни сизнинг шарбат сув сотувчи набирангиз Сафарбой сингари серфазилат йигитлар топиб олишар. Набирангизнинг хунари қанмагга маълум: оларда ботмонлаб, узарда мисқоллаб тарзида иш тутади. У тегирмонга тушса бутун чиқади... Ҳатто тошбақанинг терисини шилиб олади, бурганинг терисини сотади. Агар унинг уйига юлдуз тушса борми? «Ҳе, хотин, буларни кул билан бирга кўчага олиб чиқиб ташла, бозорда бир тийинга ҳам олмайди!» деб аёлига кичирради.

Этиборли Абдували ота нима даярини билмай бош эғиб чой ҳўпларди. Баъзилар кулданга узларни зўрга тийиб, нафларни билан оғиларини тўсишди. Бошқалар бир-бирига нимо қилиб, маъноли қараб қўйишди. Яхтанли чол эса яна сўзлай кетди:

— Еки нуёвингиз Анромжонни айтилки... Барана топгурнинг йили уйнуми, дейман. Кундузи соя, холи ерда мизгиш учун жой эҳтаради. Тунлари эса ёстиндан бош кўтармайди. Унинг уйига юлдуз тушса борми, уйи аралаш нималигини ҳам билмайди. Лабидагиди тарвуз ширасига келатган ари бўлса керак, деб пинагини ҳам бузмайди, бечора.

Гуррес кулги бошланди. Кимдир қийириб, кимдир хоҳолаб куларди. Абдували ота эса жим ўтирарди. Яхтанли чол жиндий деди:

— Барибир, юлдузларга жой топиларимиди! Аввало юлдуз аршўълони забт этаётган давюралларнинг кўсидида перлайди. Кейин эса... Дарвоне, ер юзида Ҳайит Расулов, Маманон сингари азаматлар кам дейсизми? Юлдузлар ана шундай кишилар тўккан маркон тери учун берилди. Хуллас, қонингиз қайнасан, юлдузлар ташвишини тортмай қўяқолинг, азиз биродар,— деб сўзини тугаллади чол. Утирганлар унинг гапини маъқуллашди. Чол нафларига уриб аста деди:

— Чой беринг!

Қоч, кўмаклаш, ҳурматла!

Шарқ афсоналаридан бирида шундай дейилади: «Шахматчилар борки, бўш ўйнайдилар-у, аммо буни ўзлари билмайдилар— улардан қоч! Шахматчилар борки, бўш ўйнайдилар-у, буни ўзлари ҳам биладилар— уларга кўмаклаш! Шахматчилар борки, яхши ўйнайдилар-у, буни ўзлари билмайдилар— уларни ҳурматла!»

„Икки рухингни бергин-у...“

Жамшид деган бир подшо ўтган экан. Бир кун у Хисрав билан саранже ўйнаб, бор дунёсидан ажратди. Ахир сўзлар хотини Дилоромни тикишдан ўзга иложе тополмапти. Уйин бошлашиб, бир неча юришдан кейин, таштада оғир аҳвол юзга келипти. Жамшид маликага айрилиқ назари билан қараса, Дилором саз билан аста қўшиқ айталапти. Қўшиқнинг мазмуни: «Икки рухингни бергин-у, отинг жиловини ушлаб қўйма», дегани экан. Дилором айтган айбдан бориб, Жамшид ғолиб чиқибди...

Чумоли юриш

Иккита машҳур шахматчи беллашаётган экан. Уларнинг бири ўз юришидан олдин бир соатдан кўпроқ ўйлапти ва ниҳоят, фарзини ёндаги хонага битта суритпти. Уйини томоша қилаётган аёл қаҳ-қаҳ отиб қулапти:

— Шунча тикилиб қилган юришини қаранг!

„МИНГ БУЛОҚ“ ДА БИР БУЛОҚ

Низомовнинг наздида тошдан сув, кесакдан олов чиққандек бўлди. У «энди нима қиламиз?» дегандек Штепенкога қаради. Штепенко Тожибоёвга қараганича дилида: «Ҳа, ландовур, шуну ҳам тўғрилаб қўймаганимиз?» деб ранжётгандек эди.

Штепенко «Минг булоқ» совхозига бош бухгалтер бўлиб келди-ю, хаёл калавасининг учини тополмай қолди. У сочини чанқалаб туриб хўп ўйлади, бошини қаншиб, даҳанини ушлаб ҳам ўйлаб кўрди. Барибир, лўнда хулоса шу: Оладизан 180 сўм маошининг 54 сўмининг икки боласи учун биринчи хотини Мария Мақунинга, 26 сўмининг бир фарзанди учун иккинчи хотини П. Е. Ефремовага тўлаб туришига мажбур. Суд ҳукми, бундан бўйин товлашининг сира-сира иложи йўқ!

— Бу фойдасиз чиқим ўрини қандай қолмасам бўлади?— деб бош қотирарди. Бир кун, хаёл тумани ичидан бир фикр чақмоқдек йилтариб илмини ёғди. «Калламага қойил, ана шундай қиламан» деб севинди Штепенко. Кейин енг ишариб ишга киришди. Учинчи бўлмида ўзи билан бирга ишланган Акромжон Тожибоёвни пинжиса тортиб, совхозга кассир қилдириб қўйди. Кейин совхоз директори билан тиллашиб олиб, Т. Юнусов деган ажрасини марказий оморба мудир, А. Охунов деган уфатини чорвачилик базасига бухгалтер қилиб тайинлапти. Буларни ҳам 3-бўлимдан олиб келди: қўйинимдан тўқилса, қўнжимга, деди у.

Ана шундан кейин Штепенко бир ёндан, содиқ хай-баракалачилари иккинчи ёндан иш бошлашди. Аммо, инсоф билан айтганда, натижаси ёмон бўлмади: икки хотиндан бўлган болаларига нафақа тўлайвериб идиги чиқиб юрган Штепенко сал кунда енгил машина сотиб олди. Шундан сўнра совхоз ҳисобидан ўз ҳовлисига қўнине ўргулсин гараж қўрдириди. Шунда, хаёл осмонда яна бир фикр чақмоқ қақиб: «Мунча калавараман, машинаси, гаражи бор уйда буни бўлмаси, уяғ бўлади. Ахир, кармонинг касот бўлса, бош бухгалтерсан, гал келганда эплаб қолсанг-чи унчаминча ҳўжжатини тўғрилаш сенга чўт эмас-ку»,— деб кистади. Бу фикр Штепенкога чаққаб туриб сув ичсандек ёқимли туюлди. У ҳақтовоқлари билан бир ёқадан бош чиқариб, ҳовлисига дангиллама айвон, душ қўрдириди, асфалт йўлкалар қилдириди, водопровод киритди. Бироқ, бу ишларга ўз ҳаминдан сариқ чақа ҳам сарф қилгани йўқ, ҳаммаси совхоз ҳисобидан ундирилди, ўйнобдириди...

Шу кезларда унинг калласида яна бир фикр чақмоқ чақди. Штепенко ҳамдорлари билан тиллашиб олиб, ана шу фикрни амалга ошириш режасини тўзди. Шундан сўнра, 1966 йил 31 мартда совхоздаги «адора-бошқарув аппаратини қисқартариш тўғрисида» бўйриқ чиқарилди. 17-рақамли бу бўйриқ билан совхозда беш киши қисқартрилди, аммо уларнинг исми, фамилиялари кўрсатилмаган эди. Фақат 1966 йил 1 апрелдагина совхоз директори техник бухгалтер О. Маметова шу бўйриққа асосан қисқартрилганини (ишдан бўшатилганини) ўз ўзи билан эълон қилди. Лекин, Маметовага 1967 йилнинг 31 январигача ҳам на ҳисоб берилди, на бирор иш.

Совхознинг марказий бухгалтериясидаги материал билмикнинг техник бухгалтери Полина Чевревова ҳам Штепенконинг рашига тегиб, кўрганда қўзини аниқтариб юрганлардан эди. Штепенко уни рўпускадан қайтиб келиши ҳамоно 33-бўйриқ билан бошқа ишга ўтказди-ю, ўрнига ўз хотини Мария Мақунини тайинлаб қўяқолди. Ваҳоланки, то шу дамгача Мария бирор ерда бухгалтерлик қилиш у ёқда турсин чўт қоқинини ҳам билмасди.

Директор билан бош бухгалтер бир-бирларига боқиб, қилган ишлари ўзларига ёқиб: «ана энди ҳеч ким муноғимизни ништ демаса керак», дегандек жимлайишиб юрган эди. Томдан тараша тўшгандек дўп этиб яна бир даҳмаза чиқиб қолди: Узбекистон Қишлоқ ҳўжжалик министрилиги совхозлар бош бошқармасининг тафтиҳчи-бухгалтери Ф. Хаймахонов кассир Акромжон Тожибоёвнинг ишларини қўриб туриб, 2494 сўм каммағи борлигини аниқлади. Бу ноҳуш хабарни эшитган директор, бош бухгалтер ўтирган жой тополмай, оғви қўнгандек титирлашаверди. Нега десангиз ўша пункине 2100 сўми директорнинг, 141 сўми бош бухгалтернинг жиғилдонига ўтиб кетган экан.

Шу қўнларда, Андижон обаластидан «Минг булоқ» совхозига бир жумбоқ пайдо бўлган. Совхоз ишчи-хизматчилари бир-бирларидан сўрашди: шунча саплардан кейин ҳам совхозда К. Г. Штепенко бош бухгалтер, Р. Низомов директор бўлиб юлгунлик, ўзбошимчилигини давом эттириверадилми? Қачонгача?!

Аббос МУҲИДДИН.

Э Ш И Қ

Қарор ўқилаётганда соат бирдан ошган эди. Қарор овозга қўйилди, тузатишлар киритилди, ана шундан кейингина мажлис туғди.

Мунча қўзишда, ҳаммаси бир гап. Уйлар бир хил, эшиги, деразаси, деворга ёпиштирилган қозғалардан тортиб эшикнинг калитига ҳам бир хил... Битта айтидиглар бўлди-да, ҳа деб қўзғайлаверасиларми? Ҳаммадан — битта маҳмадонанинг: «Ҳеч бўлмаса ваннахонанинг эшиги бошқаси бўлсин» дегани ортиқча бўлди. Исиқина сув келадиган ваннахона ни тайёр қилиб бергандан кейин маза қилиб юзинавермайсанми, нима қилсан эркилик қилиб».

Мажлис мана шунақа гаплардан қўзилади-да! Мана, Толибжон уйга қайтпти. Автобуслар ётган. Кўчада шаҳар лойиҳа бошқармасининг бошқарувчиси Толибжондан бошча ҳеч ним йўқ.

Толибжон мудраб, гандиранлаб аранг уйига етиб келди. Инкинчи қаватга чиққанида ҳам кўзи биёб-биё бўлиб тинич турганича ухлаб қолгудек холи бор эди. У шу мудраганича эшикка калит солиб очди-ю хотинини уйғотиб юбормаслик учун фақат коридор чирогинигина ёқиб, ўрта уйга ним қоронги, ёруғлик тушириб қўйди.

Етоқхона эшигини секин очиб ич-карига мўралди. Хотини пишил-лаб ухлапти. У яна эшикни ги-чиллатмай бекитиб ечина бошла-ди. Енидан хотинининг бугун ту-заттирган тилла соатини, олган маошини столга қўйди. Оёқ учиди юриб ваннахонага кирди.

Толибжоннинг хотини сержан-жал хотин бўлса ҳам баъзи пайт-ларда ундан меҳрибон одам топ-илмай қолади. Қаранг, ваннахо-на қозғига янги ич кийимларни ил-иб қўйпти. Магазиндан бугун олганга ухшайди. Бу албатта, эрим ювиниб, кийиниб олсин де-гани-да.

Толибжон шундай қилди. Ван-нага тушиб иссиқ сув оқизди. Йонин кириб бир пасда ювинди олди. То бадани қизариб кетгунча янги сочиқча ишқалади. Янги ич кийимларни кийиб етоқхонага атир совунидан йилтираб кирди. Хотини ҳамон ухлапти. Толибжон кўрпанинг бир чекмасини кўтариб хотинининг ёнига аста кириб ор-қасини ўтирганича ухлади қолди.

Толибжон қанча ухлаганини билмайди. Тўс-тўполондан уйғониб кетди. Хотини додлади. Толибжон-нинг белига бир тепки тушди. Кўзини очиб қараса қолпюра бир йигит кўзидан ўт қанчаб тепаси-

да турибди. Хотин кўрпага боши-ни бурқаб дод устига дод солади. Қолпюра йигит Толибжоннинг гири-бонидан бугиб ўрнидан турғизиб қўйди. Кейин кўрпани очиб хотин-ни ҳам тик турғизди. Толибжон-нинг қазаби келди.

— Кимсиз?— деди Толибжон тит-раб қақшаб.

— Узинг кимсан?— деди қора йигит, уни сенсираб.

— Меним, мен Толибман.

— Қанақа Толиб?— деди яна удагайлаб қора йигит.

— Қанақа Толиб бўлади, Толиб-дақа Толиб-да.

Қора йигит алам билан уни бир калла қилган эди хотиннинг ол-дига бориб тушди. Толибжон му-ндоқ қараса хотин унинг хотини эмас. Қора йигит энди хотинга ўдагайлай бошлади.

— Бу ним?— деди у Толибни кўрсатиб.

— Худо ҳаққи, танимайман. Энди кўрпман?

— Энди кўрпман? Шунақами?

Қора йигит столда ётган бир даста пул, тилла соатни олиб хо-тинига отди.

— Бу нима? Совгаларми? Биз бунақа соат олиб беришга яра-маймизми?

— Билмайман. Қанақа соат, қана-қа пул? Улай агар, тил тормай улай агар, бу одамни ҳам, бу пул билан соатни ҳам билмайман.

— Енингда ётади-ю, тилла соат совга қилади-ю, билмайсанми? Хо-зир никовингни ҳам бир ёқли қи-ламан.

— Билмайман депман-ку. Нега ишонмайсиз?

Қора йигит алам билан стулга ўтириб қолди. Дард-алам билан пешанасига шатиллатиб ура бош-лади.

— Қандоқ ишонай, қандоқ ишо-най. Шунақа бевафо хотинмисан, мени ўлди деб ўллаганимдиг. На-ҳотини, кийимларини ҳам бу яра-маста қийдириб қўйсанг, эгинда ич кийимларим, оёғида шилпа-гим...

Довдираб қолган, гап намада-лигини энди тушушган Толибжон:

— Бу кийини кечиринг, мен адашиб кирибман,— деди.

Қора йигит ишонмади, алам билан ўрнидан салқиб турди-ю, хотинини бўғишга югурди.

Ҳайрият, эшикнинг калити ўр-нида қолган экан, хотин зина та-рафга дод деб очди. Тонг ёришиб қолган экан, зинага одам йигил-ди. Горпроект лойиҳачиларининг бошлиғи Толибжон одамлардан мадад сўраб доддираб турарди.


Одамлар бири олиб, бири қўйиб гапга тушиб кетишди. Биров хо-тинни беҳаёлиқда, биров Толиб-жонни савёлиқда, биров қора йи-гитни кўполлиқда айбларди. Шу пайт қайдан милиция етиб келди. Айт, у-бу тузилди. Одамлар қўл қўйишди.

Узоқ тергов, теншир-тенширдан кейин айб лойиҳа бошқармасига тушди.

(Ушбу ҳикоя шаҳар лойиҳа бошқармасида тасдиқланган, Иш-кали бўлса давтоғларлар муаллиф-га мингиллаб юрмасинлар).

О М О Н А Т

Ф О Ж И А



Бир идорада бировга ҳам едирмайдиган, ўзи ҳам емайдиган каттиқ қўл бошбух бор эди. Болчақасини яхши едириб, яхши ичирарди. Аммо бошбух тушмагунинг кийинга унча иши йўқ эди. Костюми эскимасдан янгисини олмасди. Кий-ганда ҳам гард юктирмай ниярди. Мабодо бирон тийнандан адашсам, ҳисоб-китоб чалқашиб кетма-син, ўзинга ҳам, болаларимга ҳам жабр бўлади, деб ведомостларни, кириш-чиқиш дафтларларини сириччилаб текширарди. Идора ходимларига бе-риллиши лозим бўлган мунофот пулларини раса-мади билан тақсим қиларди-ю, кейин гап-сўз бўлмасин деб ўзи олмасди.

Олган маошини тийин-тийингача хотинининг қўлига олиб бориб берарди.

Шу бечора яқинда ўлди. Хотини, болалари узоқ қариндошлариникида эди.

Бошбухнинг столига кўпдан кўз тикиб юрган бир худо урган помбух бор эди.

Помбух идора ишига, бошбухга сардонатини кўрсатиш ниятида жаноза маросимида ҳаммани оёнча турғизди. Мархумни янгичасига кўмазмиз деб ҳаммани кўндирди. Бошбухнинг жасадини идорадаги катта билинарда тахтаси устига ётқи-зишди. Кимдир:

— Янги ностюм кийдириш керак эди,— деб қолди.

Помбух янги костюм келтириб унга кийдириб қўйди.

Ана шундан кейин кўпчилиқ бўлиб бошбухни қабристонга олиб кетишди. Уни қабрга қўймай туриб жиндан нутқ ҳам бўлди. Помбух ҳеч ним сўз бермаса ҳам кўзида ёш билан ваъза айтди:

— Аляудо, дўстим, қабрингда тинч ёт. Ишинг-ни ўзин давом эттирман.

Бошбухнинг устига тупроқ тортишди. Шу пайт бирдан помбухнинг жазапаси тутиб, дод дегани-ча ўзини қабрга отди. Унинг ҳам устига бир-ки-

ни кетмон тупроқ тушди. Кўпчилиқ бўлиб қабр-дан зўрга тортиб олишди.

Тупроқ тортаётганларнинг кўлига помбух фар-ёд билан ёпишар, ҳа деб ўзини қабрга отишга чоғларди.

— Дод! Омонатимдан айрилдим, омонатиман-дан айрилдим.

Уч кишилашиб уни ушлаб туришди. Шу алпоз-да бир амаллаб бошбухни кўмиб олишди. Ҳамма тарқай бошлади. Аммо помбух қабрга қанишиб олганича тупроқни тимдалаб, омонатим, деб дод-ларди.

Яна бўлмади. Одамлар кўпчилиқ бўлиб уни судраб олиб келишпти ҳамини у тинмай: омон-натини қабрга кўмиб келпман, омонатим туп-роқда ётаверадими, деб фарё урарди.

Унинг аҳволини кўрганлар:

— Мана, дўстга сардонат, — дейишарди. — Дўст деган шундоқ оқибатли бўлиши керак. Азиз биродари қаёқ қилганига асти чидамайпти.

Помбух ҳамон додларди:

— Омонатим тупроқда қолди. Одамлар унга қўйил қолишарди.

(ТАМОМ)

Ушбу ҳикоянинг давоми:
Бошбух ўлганда помбухнинг унга ўз костюми-ни эгиндан очиб қийдиргани хурматли ўқувчи-ларимизнинг ёдларида бўлса керак.

Помбух ўша костюмини кийдираётганда шог-ганидан чўнтагидаги уч минг ички юз ўттиз ички сўмлик омонат насса дафтрасини олишни учот-ган эди.

— Додоод! Омонатим тупроқда қолди.

(АНА ЭНДИ ТАМОМ)

Бош муҳаррир: ИБРОҲИМ РАҲИМ. Тахрир ҳайъати: ИКРОМ АҚБАРОВ, ИҶДОШ ШАМШАРОВ, МИРТЕМИР, ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, РАҲИМ АҲМЕДОВ, РУСТАМ РАҲМОН, САЙЕР, СИРОЖИДДИН КАМОЛИДДИНОВ, СУЛТОН АҚБАРИЯ (сар-нотиб), ҲАМИД НУРИЯ (бош муҳаррир уринбосари).

Бўёқли расмларни Бирлашган наشريёт-нинг сураткаш усталари С. Пўлдошев, А. В. Швец, И. А. Швец, Т. Зоҳидов, Д. И. Лисенко, Е. Полюхрипов, К. Худой-қулов Н. Умаров тайёрлаган.

Зарварақларни В. Я. Азиков қўл ости-даги устакорлардан И. Видонов, П. Сосник, Л. Блинова, К. Гаврилов чоп қил-ганлар.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный, иллюстриро-ванный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).


Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

Адресиниз: Тошкент 47, Нарл Маркс кўчаси, 30-уй.



«Гулистон» телефонлари. Бош муҳар-рир — В 33 520. Бош муҳаррир ўринбоса-ри — В 33 590. Сарнотиб — В 33 659. Ишти-роий-ёнасий бўлим — В 33 602. Адабий-ба-дийий бўлим — В 33 590, Қабулхона — В 33 619.

Теришга топширилди 29-IV-1967. Босишга ижозат берилди 19-V-67. Қоғози 70 × 108 1/2. Ҳажми 5,5 босма тобик. P09939. Бюуртма 3563. Нухсаси 50.000. Бахоси 30 т.

Ўзбекистон Компартияси Марназий Ко-митети Бирлашган наشريётнинг босмахо-раси. Тошкент шаҳри.



ярашиқ
либос—
хуснга
мос



- Арзон
- Қулай
- Гўзал



Баҳоси 30 тийин
Индекс 75233

